

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ
ТЎПЛАМИ

21-сон
(885)
2019 йил
27 май

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами беш бўлимдан иборат:

биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилина-

дирининг қарорлари эълон қилинади;

ешинчи бўлимда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

МУНДАРИЖА

Биринчи бўлим

381. «Яйловлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 20 майдаги ЎРҚ–538-сон Қонуни
382. «Қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 21 майдаги ЎРҚ–539-сон Қонуни
383. «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 22 майдаги ЎРҚ–540-сон Қонуни
384. «Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 23 майдаги ЎРҚ–541-сон Қонуни
385. «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига жиноят процесси иштирокчиларининг ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини таъминлаш билан боғлиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 23 майдаги ЎРҚ–542-сон Қонуни

Иккинчи бўлим

386. «Ўзбекистон Республикасида заргарлик тармоғини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 18 майдаги ПФ–5721-сон Фармони
387. «Ўзбекистон-Амирликлар инвестиция компанияси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 20 майдаги ПФ–5722-сон Фармони
388. «Меҳнатга ҳақ тўлаш, пенсиялар ва бошқа тўловлар миқдорларини аниқлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 21 майдаги ПФ–5723-сон Фармони
389. «Рақамли иқтисодиёт ва «электрон ҳукумат» тизими инфратузилмаларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 18 майдаги ПҚ–4321-сон қарори
390. «Давлат корхоналари ва устав капиталида давлат иштирок этаётган тижорат банкларини реструктуризация ва ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 21 майдаги ПҚ–4325-сон қарори
391. ««Электрон ҳукумат» тизими доирасида ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш сифатини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 21 майдаги ПҚ–4328-сон қарори
392. «Ўзбекистон Республикаси аҳоли пунктларида телекоммуникация инфратузилмасини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 22 майдаги ПҚ–4329-сон қарори
393. «Ўзбекистон Республикаси ва хорижий мамлакатлар ўртасида икки томонлама ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро комиссиялар (қўмиталар, кенгашлар ва ишчи гуруҳлар)нинг Ўзбекистонга оид қисмлари фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 майдаги ПҚ–4331-сон қарори

Бешинчи бўлим

394. Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирининг 2019 йил 2 апрелдаги 195-мх-сон «Почта алоқаси хизматларини кўрсатиш қоидаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 20 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2219-10*)
395. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2019 йил 8 апрел-

- даги 88-сон «Ўзбекистон Республикаси ИИВ давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати техника назорати бўйича йўриқномага ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 20 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1252-3*)
396. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2019 йил 23 мартдаги 67-сон «Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги тергов хибсхоналари ва жазони ижро этиш муассасаларида сақланаётган шахсларнинг тиббий-санитария таъминоти бўйича қоидаларни тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 20 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3159*)
397. Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2019 йил 26 мартдаги 03-мх-сон «Ўзбекистон Республикаси ҳудудда меҳмонхона хизмати кўрсатиш тартиби тўғрисидаги намунавий низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 20 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3160*)
398. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2019 йил 10 майдаги 125-сон «Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг хорижга чиқиш биометрик паспортини расмийлаштириш учун анкета шаклини тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 22 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3161*)
399. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2019 йил 15 майдаги 01-02/13-27-сон «Олий ҳарбий божхона институтига ўқишга қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарор, шунингдек унга ўзгартиришларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 22 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2659-3*)
400. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2019 йил 14 майдаги 58, 2019-32-сон «Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги ҳузуридаги Жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш жамғармасига йиғимларни ҳисоблаб чиқиш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 22 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3017-1*)
401. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви, Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2019 йил 13 майдаги 321-В-9, 57, 2019-33-сон «Хўжалик юритувчи субъектларнинг банк ҳисобварақларидан пул маблағларини ҳисобдан чиқариш тартиби тўғрисидаги йўриқ-

номага ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 23 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2342-9*)

402. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2019 йил 20 апрелдаги 8/4-сон «Марказий банк томонидан банк қонунчилиги ва банк фаолиятини тартибга солувчи меъёрий ҳужжатларни бузганликлари учун тижорат банкларига нисбатан қўлланиладиган чора ва санкциялар тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш тўғрисида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 23 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 622-9*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2019 йил 18 майдан 24 майгача бўлган маълумот

БИРИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ

381 Яйловлар тўғрисида*

Қонунчилик палатаси томонидан
2019 йил 2 апрелда қабул қилинган

Сенат томонидан 2019 йил 3 майда
маъқулланган

1-боб. Умумий қоидалар

1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади

Ушбу Қонуннинг мақсади яйловлардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

2-модда. Яйловлар тўғрисидаги қонун ҳужжатлари

Яйловлар тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг яйловлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

3-модда. Яйловлар

Яйловлар чорва моллари учун озуқа бўлган ўсимликларнинг табиий копламига эга ерлардир.

Яйловлар умуммиллий бойлик бўлиб, давлат томонидан муҳофаза қилинади.

Яйловлар чўлдаги, ярим чўлдаги, тоғ олдидаги, тоғдаги ва текисликдаги, сув билан таъминланган ҳамда сув билан таъминланмаган яйловларга ажратилади.

Тоғдаги яйловлар мавсумий бўлиб, улардан йилнинг фақат муайян вақтида фойдаланилади.

* Ушбу Қонун «Халқ сўзи» газетасида 2019 йил 21 майда эълон қилинган.

2-боб. Яйловлардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш соҳасини тартибга солиш

4-модда. Яйловлардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари

Яйловлардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:

давлат дастурларини ва бошқа дастурларни ишлаб чиқиш, тасдиқлаш ҳамда амалга ошириш;

яйловларни сақлаб қолишга қаратилган қоидалар, нормалар ва нормативларни белгилаш;

давлат назоратини амалга ошириш;

яйловлардан оқилона фойдаланишни, уларни муҳофаза қилишни, такрор кўпайтиришни ва тиклашни таъминлаш;

илмий-тадқиқот фаолиятини ривожлантириш;

халқаро ҳамкорликни ривожлантириш.

5-модда. Яйловлардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш соҳасидаги давлат бошқаруви

Яйловлардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш соҳасидаги давлат бошқарувини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, яйловлардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш соҳасидаги махсус ваколатли давлат органлари амалга оширади.

Яйловлардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш соҳасидаги махсус ваколатли давлат органлари қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси;

Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси;

Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси.

6-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг яйловлардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш соҳасидаги ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

яйловлардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш соҳасидаги ягона давлат сиёсати амалга оширилишини таъминлайди;

яйловлардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш бўйича давлат дастурларини тасдиқлайди ҳамда уларнинг амалга оширилишини таъминлайди;

яйловларни фойдаланиш учун бериш тартибини тасдиқлайди.

7-модда. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг яйловлардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш соҳасидаги ваколатлари

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ўз ваколатлари доирасида:

яйловлардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш бўйича давлат дастурларини ҳамда бошқа дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этади;

яйловлардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш бўйича ҳудудий дастурларни ишлаб чиқади, тасдиқлайди ҳамда амалга оширади;

яйловларда пичан ўриш ва чорва молларини ўтлатиш нормалари ҳамда муддатларини тасдиқлайди;

юрidik ва жисмоний шахсларга яйловларни фойдаланиш учун беради;

яйловлардан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш бўйича чоралар кўради;

яйловлардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш устидан давлат назоратини амалга оширади.

8-модда. Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасининг яйловлардан фойдаланиш ҳамда уларни муҳофаза қилиш соҳасидаги ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси:

яйловлардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш соҳасидаги давлат сиёсатини амалга оширишда иштирок этади;

яйловлардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш бўйича давлат дастурларини ҳамда бошқа дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этади;

яйловларнинг ҳолатини яхшилаш, улардан фойдаланишни прогноз қилиш ва истиқболли режалаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқади;

яйловлардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш устидан давлат назоратини амалга оширади;

яйловларни инвентаризациядан ўтказиши;

яйловларни геоботаник жиҳатдан текширишни амалга оширади;

яйловларнинг мониторингини юритади.

9-модда. Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг яйловлардан фойдаланиш ҳамда уларни муҳофаза қилиш соҳасидаги ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси:

яйловлардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш бўйича давлат дастурларини ҳамда бошқа дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этади;

яйловлардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш соҳасида давлат экологик экспертизасини ўтказди;
яйловлардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш устидан давлат экологик назоратини амалга оширади;
яйловлардаги ўсимликлар ҳолатининг мониторингини ўтказишда иштирок этади.

10-модда. Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитасининг яйловлардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш соҳасидаги ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси:
ўрмон фонди ерларида яйловлардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш бўйича давлат дастурларини ҳамда бошқа дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этади;
яйловларда пичан ўриш ва чорва молларини ўтлатиш нормалари ҳамда муддатларини белгилашда иштирок этади;
чорва молларини ўтлатиш учун участкалар берилишини таъминлайди;
ўрмон фонди ерларида яйловлар мониторингини ўтказишда иштирок этади.

11-модда. Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг, нодавлат нотижорат ташкилотларининг ҳамда фуқароларнинг яйловлардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишни ташкил этишдаги иштироки

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролар:
яйловлардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш бўйича давлат дастурларини, ҳудудий ва бошқа дастурларни амалга оширишда иштирок этади;
яйловлардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш бўйича тадбирлар ўтказилишига кўмаклашади;
яйловлардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш устидан жамоатчилик назоратини амалга оширади.

12-модда. Яйловлардан фойдаланувчилар бирлашмалари

Яйловлардан фойдаланувчилар яйловлардан биргаликда фойдаланиш ҳамда уларни муҳофаза қилиш учун яйловлардан фойдаланувчилар бирлашмаларини тузиши мумкин.
Яйловлардан фойдаланувчилар бирлашмалари яйловлардан оқилона фойдаланишга ва уларни муҳофаза қилишга доир ишларни ташкил этади ҳамда яйловлардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш устидан жамоатчилик назоратини амалга оширади.

3-боб. Яйловлардан фойдаланиш**13-модда. Яйловлардан фойдаланиш ҳуқуқи**

Юридик ва жисмоний шахслар ер участкаларини доимий эгалик қилишга, ижарага, шунингдек вақтинча фойдаланишга олиш йўли билан яйловлардан фойдаланиши мумкин.

Яйловлар доимий эгалик қилишга, ижарага ва вақтинча фойдаланишга маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорига кўра берилиши мумкин.

Ўрмон фонди ерларида яйловлардан давлат ўрмон хўжалиги органларининг рухсатномаси бўйича фойдаланилади.

14-модда. Яйловлардан фойдаланувчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

Яйловлардан фойдаланувчилар:

яйловлардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишга доир чора-тадбирларга мувофиқ чорва молларини ўтлатиш ва пичан ўриш;

яйлов инфратузилмасини барпо этишга доир ишларни амалга ошириш;

яйловлардан фойдаланувчилар бирлашмасини тузиш ҳуқуқига эга.

Яйловлардан фойдаланувчилар:

яйловлардан уларнинг белгиланган мақсадига кўра оқилона фойдаланиши;

яйлов ўсимликларини такрор кўпайтиришга кўмаклашишга, ўсимлик қопламани тиклашга, шунингдек яйловларнинг таназзулга учрашига йўл қўймасликка доир чора-тадбирларни амалга ошириши;

яйловлар алмашилишини ташкил этиши ва унга риоя қилиши;

яйловларда ёнғинларнинг олдини олиш юзасидан чора-тадбирлар кўриши, ёнғин ўчоқларининг ўз вақтида тугатилишини таъминлаши;

яйлов ўсимликлари зараркунандаларига ва касалликларига қарши курашиш тадбирларини амалга ошириши;

яйловларни сақлаб қолишга қаратилган белгиланган қоидалар, нормалар ва нормативларга риоя этиши шарт.

15-модда. Яйловлардан фойдаланишга доир тадбирлар

Яйловлардан фойдаланишга доир тадбирлар яйловларни инвентаризациядан ўтказиш ва геоботаник жиҳатдан текшириш маълумотларидан келиб чиққан ҳолда тузилади ҳамда қуйидагиларни ўз ичига олади:

яйловлардан фойдаланувчиларнинг рўйхатини;

яйловларда ўтлатиш учун мўлжалланадиган чорва моллари рўйхатини;

хайвонлар касалликларини профилактика қилишни;

яйловларнинг чегаралари ва участкалари белгиланган харитани;

поданинг мавсумий ҳаракатланиш йўналишларининг календарь жадвалини, яйловларнинг алмашилиши, чорва моллари ҳайдаб ўтиладиган жойлар ва фойдаланиладиган қўтонлар схемаларини;

яйлов инфратузилмаси объектларини ривожлантиришни, шу жумладан сувлоқларни тиклашни;

яйлов участкаларининг ҳолати ва сифатини яхшилашни, ўт-ўланлар таназзулга учрашининг олдини олишни.

16-модда. Яйловлардан фойдаланиш нормалари ва муддатлари

Чорва молларини ўтлатиш ва пичан ўриш яйловларнинг турига, шунингдек яйловнинг муайян участкасида ўтлатиладиган чорва молларининг тури ва сонига қараб тасдиқланадиган яйловлардан фойдаланиш нормалари ҳамда муддатларига риоя этган ҳолда амалга оширилади.

Яйловлардан фойдаланиш нормалари ва муддатлари яйловларни инвентаризациядан ўтказиш ҳамда геоботаник жиҳатдан текшириш материаллари асосида белгиланади.

17-модда. Яйловларнинг алмашиниши

Яйловларнинг алмашиниши яйлов участкаларидан даврий равишда ва навбати билан фойдаланишдир.

Яйловларнинг алмашинишини таъминлаш учун яйловлар участкаларга ажратилади.

Яйловларнинг алмашиниш участкалари майдонини белгилашда яйловлар участкаси учун энг кўп йўл қўйиладиган фойдаланиш нормаси инобатга олинади.

Яйловларнинг алмашиниши яйловлардан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш учун ташкил этилади.

18-модда. Яйловлардан фойдаланганлик учун ҳақ тўлаш

Яйловлардан фойдаланганлик учун ҳақ ер солиғи ёки ижара ҳақи тарзида ундирилади.

19-модда. Яйловлардан фойдаланиш ҳуқуқининг тугатилиши

Яйловлардан фойдаланиш ҳуқуқи қуйидаги ҳолларда тугатилади:

юридик шахс тугатилганда;

жисмоний шахс вафот этганда;

яйловлар берилган муддат тугаганда;

бошқа мақсадда фойдаланилганда;

оқилона фойдаланилмаганда;

яйлов ерлари давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйилганда;

яйловлардан фойдаланишдан ихтиёрий равишда воз кечилганда.

20-модда. Яйловлардан фойдаланиш ҳуқуқини чеклаш

Таназзулга учраган яйловларни такрор кўпайтириш ва тиклаш, Ўзбекистон Республикасининг Қизил китобига киритилган камёб ҳамда йўқолиб кетаётган ўсимлик ва ҳайвонлар турларини муҳофаза қилиш мақсадида махсус ваколатли давлат органлари томонидан яйловлардан фойдаланишга чекловлар ҳамда тақиқлар белгиланади.

4-боб. Яйловларни муҳофаза қилиш, такрор кўпайтириш ва тиклаш

21-модда. Яйловларни муҳофаза қилиш

Яйловларни муҳофаза қилиш яйловлардан белгиланган мақсадда, оқилона фойдаланишга, уларни такрор кўпайтиришга ва тиклашга қаратилган ҳуқуқий, ташкилий, иқтисодий ва бошқа тадбирлар тизимини ўз ичига олади.

Яйловларни муҳофаза қилиш:

яйловлардан фойдаланиш, уларни такрор кўпайтириш ва тиклаш қоидалари, нормалари ҳамда нормативларини белгилаш;

яйловлардан фойдаланишга чекловлар ва тақиқлар белгилаш;

яйловлардан ўзбошимчалик билан фойдаланишнинг, ўсимликларни пайҳон қилишнинг олдини олиш ва уларга барҳам бериш;

яйловларни инвентаризациядан ўтказиш;

яйловларнинг геоботаник жиҳатдан текширилишини амалга ошириш;

яйловларнинг мониторингини юритиш;

яйловлардан фойдаланиш, уларни такрор кўпайтириш ва тиклаш устидан назоратни амалга ошириш йўли билан таъминланади.

22-модда. Яйловларни такрор кўпайтириш ва тиклаш

Яйловларни такрор кўпайтириш ва тиклаш яйловларни инвентаризациядан ўтказиш ҳамда геоботаник жиҳатдан текшириш асосида амалга оширилади.

Яйловларни такрор кўпайтиришга доир тадбирлар тупроқ унумдорлигини, яйловлардаги ўсимликлар қопламнинг миқдорий ва сифат ҳолатини сақлаб туришнинг табиий жараёнларига кўмаклашишдан иборатдир.

Яйловлардаги тиклаш тадбирлари ўсимликларнинг муайян турларини экишни қўллаш йўли билан амалга оширилади. Бунда табиий яйловларда ўсимликларнинг бегона турларини экиш тақиқланади.

23-модда. Яйловларни инвентаризациядан ўтказиш

Яйловларни инвентаризациядан ўтказиш яйловлар ҳолатининг миқдорий ва сифат кўрсаткичларини аниқлашга ҳамда картографик ва бошқа материалларда яйловларнинг ҳолатини тасвирлашга (акс эттиришга) доир ишлар мажмуидан иборатдир.

Инвентаризация жараёнида сифат ҳолати яхшиланиши талаб этилади-ган ва фойдаланиш учун яроқсиз бўлган таназзулга учраган яйлов участкалари, шунингдек сув билан таъминланмаган яйловлар аниқланади.

Яйловларни инвентаризациядан ўтказиш материалларидан яйловларда пичан ўриш ва чорва молларини ўтлатиш нормалари ҳамда муддатларини белгилаш учун фойдаланилади.

24-модда. Яйловларни геоботаник жиҳатдан текшириш

Яйловларни геоботаник жиҳатдан текшириш яйловларнинг маҳсулдор-

лигини, ўт-ўланларнинг тузилиши ва таркибини, уларнинг униб чиқиш жойларини, яйловлардан чорва молларини ўтлатиш учун фойдаланиш имкониятини, яйловлардаги ўсимликларнинг сифати ва захираларини аниқлаш мақсадида ўтказиладиган текширувдир.

Яйловларни геоботаник жиҳатдан текшириш материалларидан:

ер тузиш лойиҳаларини ишлаб чиқишда;

ажратилган участкада ерни, ўсувчи ўтларнинг озуқабоплик хусусиятларини кадастр жиҳатдан баҳолашда;

яйловлардан фойдаланишни яхшилаш бўйича ишлар амалга оширилишини ўз ичига оладиган яйловлардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишга доир чора-тадбирларни ишлаб чиқишда;

яйловларнинг геоботаник хариталарини тузишда;

ерларни рекультивация, консервация қилиш тўғрисида қарорлар қабул қилишда, ердан фойдаланишга доир чекловлар белгилашда, яйловларни такрор кўпайтириш, тиклаш, муҳофаза қилиш ва уларнинг хосилдорлигини ошириш бўйича тадбирлар ўтказишда, шунингдек яйловлардан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш юзасидан тадбирлар ишлаб чиқишда фойдаланилади.

25-модда. Яйловлар мониторинги

Яйловлар мониторинги яйловлар тўғрисидаги миқдорий ва сифатга доир маълумотлар ҳақида ахборот тўплаш, уларнинг ҳолатини баҳолаш ва прогноз қилиш, салбий жараёнларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш мақсадида яйловларнинг ҳолати, яйловлардан фойдаланиш натижасида юзага келаётган ўзгаришлар юзасидан кузатувлар тизимидир.

Яйловларни геоботаник жиҳатдан текшириш ва инвентаризациядан ўтказиш йўли билан олинган тизимли кузатиш маълумотлари мониторингнинг асосидир.

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар бўйича яйловларнинг ҳолати тўғрисидаги мониторинг маълумотлари Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат кўмитасининг веб-сайтида вақти-вақти билан жойлаштириб борилади.

5-боб. Яқунловчи қондалар

26-модда. Яйловларга етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш

Юридик ва жисмоний шахслар яйловларни ифлослантирганлик, улардан оқилона фойдаланмаганлик, уларнинг таназзулга учраганлиги ва яйловлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бошқача тарзда бузганлик натижасида етказилган зарарнинг ўрнини қоплаши шарт.

27-модда. Низоларни ҳал этиш

Яйловлардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш соҳасида юзага келадиган низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

28-модда. Яйловлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик

Яйловлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор юридик ва жисмоний шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

29-модда. Ушбу Қонуннинг ижросини, етказилишини, моҳияти ва аҳамияти тушунтирилишини таъминлаш

Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

30-модда. Қонун ҳужжатларини ушбу Қонунга мувофиқлаштириш

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:
хукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин;
давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

31-модда. Ушбу Қонуннинг кучга кириши

Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга кириди.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2019 йил 20 май,
ЎРҚ-538-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

382 Қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш тўғрисида*

Қонунчилик палатаси томонидан
2019 йил 16 апрелда қабул қилинган

Сенат томонидан 2019 йил 3 майда
маъқулланган

1-боб. Умумий қоидалар**1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади**

Ушбу Қонуннинг мақсади қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

2-модда. Қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари

Қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

3-модда. Асосий тушунчалар

Ушбу Қонунда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

локал тармоқ — электр, иссиқлик энергиясини ёхуд биогазни ташиш (узатиш) ва (ёки) тақсимлаш учун мустақил равишда ишловчи электр, иссиқлик ва (ёки) газ тармоғи;

микро ва кичик гидроэлектростанциялар — электр энергияси ишлаб чиқариш учун сув оқимларининг табиий ҳаракати энергиясидан фойдаланувчи, ўрнатилган қуввати тегишинча 0,2 МВт ва 30 МВтгача бўлган тўғонсиз гидроэлектростанциялар;

қайта тикланувчи энергия манбалари — атроф-муҳитда табиий ҳолда қайта тикланувчи қуёш, шамол энергияси, ер харорати (геотермал), сув оқимларининг табиий ҳаракати, биомасса энергияси;

қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш — илмий-тадқиқот, тажриба-конструкторлик, қидирув, жорий этиш, лойиҳалаш, қурилиш-монтаж ишлари ва фойдаланишга доир ишлар, шунингдек қайта тикланувчи энергия манбаларидан энергия ишлаб чиқариш, уни ташиш, тўплаш, реализация ва истеъмол қилиш билан боғлиқ фаолият;

қайта тикланувчи энергия манбаларидан энергия ишлаб

* Ушбу Қонун «Халқ сўзи» газетасида 2019 йил 22 майда эълон қилинган.

чиқарувчилар — қайта тикланувчи энергия манбаларидан энергия ишлаб чиқаришни амалга оширувчи юридик ёки жисмоний шахслар;

қайта тикланувчи энергия манбаларининг қурилмалари — қайта тикланувчи энергия манбаларидан энергия ишлаб чиқариш, энергияни қабул қилиб олиш, ўзгартириш, тўплаш ва (ёки) узатиш, шунингдек ҳисобга олиш бўйича технологик асбоб-ускуналар мажмуаси, технологик ва (ёки) бутловчи асбоб-ускуналар;

қайта тикланувчи энергия манбаларининг қурилмаларини ишлаб чиқарувчилар — қайта тикланувчи энергия манбаларининг қурилмаларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган юридик шахслар.

2-боб. Қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш соҳасини тартибга солиш

4-модда. Қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари

Қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:

қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш соҳасидаги устувор йўналишларни белгилаш ва чора-тадбирларни амалга ошириш;

қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш соҳасидаги давлат дастурларини ва бошқа дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш;

мамлакатнинг энергетика хавфсизлигини мустаҳкамлаш, ёқилғи-энергетика балансининг қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланган ҳолда электр, иссиқлик энергияси ва биогаз ишлаб чиқаришга доир қисмини диверсификациялаш;

қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш соҳасига инновацион технологияларни, илмий-техникавий ишланмаларни жорий этишни, қайта тикланувчи энергия манбалари қурилмаларининг энергия жиҳатдан самарадорлигини оширишни, уларнинг ишлаб чиқарилишини кенгайтиришни ва маҳаллийлаштиришни рағбатлантириш;

қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишнинг синаб кўрилган технологиялари асосида энергия ишлаб чиқариш қувватларини яратишга тадбиркорлик субъектларини жалб этишнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш;

қайта тикланувчи энергия манбаларидан энергия ишлаб чиқарувчиларни, шунингдек қайта тикланувчи энергия манбаларининг қурилмаларини ишлаб чиқарувчиларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш;

қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш соҳасида халқаро ҳамкорликни ривожлантириш.

5-модда. Қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш соҳасида давлат бошқаруви

Қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш соҳасидаги дав-

лат бошқаруви Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш соҳасидаги махсус ваколатли давлат органи, шунингдек маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан ўз ваколатлари доирасида амалга оширилади.

6-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш соҳасидаги ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш соҳасида ягона давлат сиёсати амалга оширилишини таъминлайди;

қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш соҳасидаги давлат дастурларини тасдиқлайди;

қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш соҳасидаги фундаментал, амалий, инновацион тадқиқотларни ривожлантириш, шунингдек илмий-техникавий ютуқларни тарғиб қилиш учун шароитлар яратади;

қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш соҳасида халқаро ҳамкорликни мувофиқлаштиради.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш соҳасида ўз ваколатлари доирасида:

Электр энергияси ишлаб чиқарувчи тадбиркорлик субъектларини ягона электр энергетикаси тизимига улаш регламентини;

қайта тикланувчи энергия манбаларидан энергия ишлаб чиқарувчиларни, шунингдек қайта тикланувчи энергия манбаларининг қурилмаларини ишлаб чиқарувчиларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тартибини;

қайта тикланувчи энергия манбаларидан ишлаб чиқариладиган энергия бозорида қулай рақобатбардошлилик ҳамда ишбилармонлик муҳити шакллантирилишини рағбатлантирувчи нарх ва тариф сиёсатини;

қайта тикланувчи энергия манбалари ресурсларининг давлат ҳисобини юритиш тартибини белгилаб берувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилади.

7-модда. Қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш соҳасидаги махсус ваколатли давлат органи

Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш соҳасидаги махсус ваколатли давлат органидир (бундан буён матнда махсус ваколатли давлат органи деб юритилади).

Махсус ваколатли давлат органи:

қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга оширади;

қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш соҳасидаги давлат дастурларини ва бошқа дастурларни ишлаб чиқади ҳамда амалга оширади;

давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштиради;

қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш соҳасидаги техник регламентларни, нормалар ва қоидаларни ўз ваколатлари доирасида ишлаб чиқади ҳамда тасдиқлайди;

қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш соҳасидаги давлат дастурларининг ва бошқа дастурларнинг бажарилиши юзасидан мониторингни амалга оширади;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига қайта тикланувчи энергия манбаларидан энергия ишлаб чиқарувчиларни, шунингдек қайта тикланувчи энергия манбаларининг қурилмаларини ишлаб чиқарувчиларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашга, қайта тикланувчи энергия манбаларидан ишлаб чиқариладиган энергия бозорида нарх ва тариф сиёсатига доир масалалар юзасидан таклифлар киритади;

қайта тикланувчи энергия манбалари ресурсларининг, қайта тикланувчи энергия манбаларидан ишлаб чиқариладиган энергиянинг ва қайта тикланувчи энергия манбалари қурилмаларининг давлат ҳисобини юритади;

қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш соҳасига инновацион технологиялар, илмий-техникавий ишланмалар жорий этилишига кўмаклашади;

қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш бўйича инвестициявий жозибадорликни ошириш бўйича чора-тадбирларни давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш, қайта тикланувчи энергия манбаларидан ишлаб чиқариладиган энергия бозорида қулай рақобатбардошлилик ҳамда ишбилармонлик муҳити шакллантирилишини рағбатлантирувчи нарх ва тариф сиёсатини такомиллаштириш асосида амалга оширади;

иктисодиёт тармоқларига ва маиший секторга қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш соҳасидаги ресурсларни ва энергияни тежовчи илғор технологияларни жорий этишни рағбатлантириш юзасидан чора-тадбирларни ишлаб чиқади;

қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш соҳасида кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этади;

қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш соҳасида халқаро ҳамкорликни амалга оширади.

8-модда. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш соҳасидаги ваколатлари

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари:

қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш соҳасидаги давлат дастурларини ва бошқа дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда иштирок этади;

қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш соҳасидаги ҳудудий дастурларни ишлаб чиқади, тасдиқлайди ҳамда амалга оширади;

қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш соҳасида энергия жиҳатидан самарадор, энергияни тежовчи ва инновацион замонавий тех-

нологияларнинг яратилиши ҳамда жорий этилишига, қайта тикланувчи энергия манбалари қурилмаларининг ишлаб чиқарилишини ташкил этишга кўмаклашади;

қайта тикланувчи энергия манбаларидан энергия ишлаб чиқарувчилар ва қайта тикланувчи энергия манбаларининг қурилмаларини ишлаб чиқарувчилар билан ҳамкорлик қилади;

қайта тикланувчи энергия манбалари қурилмаларини жойлаштириш учун ер участкалари ажратиш тўғрисида қарорлар қабул қилади.

9-модда. Қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш соҳасидаги илмий-техникавий ва инновацион таъминот

Қайта тикланувчи энергия манбаларининг қурилмаларини ишлаб чиқаришни, шунингдек қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишни илмий-техникавий ҳамда инновацион жиҳатдан таъминлаш давлат ва хўжалик бошқаруви органлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси билан ҳамкорликда амалга оширилади.

10-модда. Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг, нодавлат нотижорат ташкилотларининг ҳамда фуқароларнинг қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишга доир тадбирлардаги иштироки

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда фуқаролар:

қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш соҳасидаги давлат дастурларини ва бошқа дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда иштирок этиши;

қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш бўйича тадбирларни амалга оширишга кўмаклашиши;

қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш соҳасида жамоатчилик назоратини амалга ошириши мумкин.

11-модда. Қайта тикланувчи энергия манбаларидан энергия ишлаб чиқарувчиларнинг ва қайта тикланувчи энергия манбалари қурилмаларини ишлаб чиқарувчиларнинг ҳуқуқлари

Қайта тикланувчи энергия манбаларидан энергия ишлаб чиқарувчилар ва қайта тикланувчи энергия манбаларининг қурилмаларини ишлаб чиқарувчилар ўз ваколатлари доирасида қуйидаги ҳуқуқларга эга:

қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш соҳасидаги давлат дастурларини ва бошқа дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда иштирок этиш;

қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш соҳасидаги солиқ, божхонага оид ҳамда бошқа имтиёзлар ва преференциялардан фойдаланиш;

локал тармоқни (электр, иссиқлик ва (ёки) газ тармоғини) яратиш;
локал тармоқ (электр, иссиқлик ва (ёки) газ тармоғи) орқали етказиб бериладиган қайта тикланувчи энергия манбаларидан ишлаб чиқариладиган электр, иссиқлик энергияси ва (ёки) биогазни реализация қилиш учун юридик ва жисмоний шахслар билан шартномалар тузиш.

12-модда. Қайта тикланувчи энергия манбаларидан энергия ишлаб чиқарувчиларнинг ва қайта тикланувчи энергия манбалари қурилмаларини ишлаб чиқарувчиларнинг мажбуриятлари

Қайта тикланувчи энергия манбаларидан энергия ишлаб чиқарувчилар ва қайта тикланувчи энергия манбаларининг қурилмаларини ишлаб чиқарувчилар:

қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя этиши;

қайта тикланувчи энергия манбаларидан энергия ишлаб чиқариш ва қайта тикланувчи энергия манбаларининг қурилмаларини ишлаб чиқариш чоғида қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш соҳасидаги техник регламентларга, нормалар ва қоидаларга риоя этиши;

қайта тикланувчи энергия манбаларидан ишлаб чиқариладиган энергиянинг алоҳида ҳисобини юритиши шарт.

3-боб. Қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш соҳасини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш

13-модда. Қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш соҳасини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш

Қайта тикланувчи энергия манбаларидан энергия ишлаб чиқарувчилар, қайта тикланувчи энергия манбаларининг қурилмаларини ишлаб чиқарувчилар, шунингдек қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш соҳасида инвестицион, илмий-тадқиқот фаолиятини амалга оширувчилар учун қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида давлат томонидан қуйидагича қўллаб-қувватлаш амалга оширилади:

қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш соҳасида солиқ, божхонага оид ҳамда бошқа имтиёзлар ва преференциялар белгилаш;

қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш соҳасида инновацион технологиялар яратиш ва уларни қўллашга кўмаклашиш;

қайта тикланувчи энергия манбалари қурилмаларининг ягона электр энергетикаси тизимига кафолатли уланишини таъминлаш;

электр энергиясининг ягона харидори ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан келишилган ҳолда ҳудудий электр тармоқлари корхоналарига қайта тикланувчи энергия манбаларидан энергия ишлаб чиқарувчилардан электр энергиясини харид қилиш учун шартномалар тузиш ҳуқуқини бериш.

Фойдаланилиши қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш самарадорлигини салмоқли тарзда оширадиган қайта тикланувчи энергия манбаларининг қурилмаларини импорт қилиш чоғида юридик ва жисмоний шахсларга солиқлар ҳамда божхона бождарига доир имтиёзлар берилиши мумкин.

14-модда. Қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш соҳасидаги имтиёзлар ва преференциялар

Қайта тикланувчи энергия манбаларидан энергия ишлаб чиқарувчилар қайта тикланувчи энергия манбалари қурилмаларини (номинал қуввати 0,1 МВт ва ундан ортиқ бўлган) ўрнатганлик учун мол-мулк солиғини тўлашдан ҳамда ушбу қурилмалар билан банд бўлган участкалар бўйича ер солиғини тўлашдан улар фойдаланишга топширилган пайтдан эътиборан ўн йил муддатга озод этилади.

Қайта тикланувчи энергия манбаларининг қурилмаларини ишлаб чиқарувчилар давлат рўйхатидан ўтказилган санадан эътиборан беш йил муддатга солиқнинг барча турларини тўлашдан озод этилади.

Амалдаги энергетика ресурслари тармоқларидан тўлиқ узиб қўйилган яшаш учун мўлжалланган жойларда қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланувчи шахслар эгаллигидаги мол-мулкка қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланилган ойдан эътиборан уч йил муддатга жисмоний шахслардан олинadиган мол-мулк солиғи солинмайди.

Амалдаги энергетика ресурслари тармоқларидан тўлиқ узиб қўйилган яшаш учун мўлжалланган жойларда қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланувчи шахслар қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланилган ойдан эътиборан уч йил муддатга ер солиғидан озод этилади.

Энергия етказиб берувчи ташкилот томонидан берилган амалдаги энергетика ресурслари тармоқларидан тўлиқ узиб қўйилган ҳолда қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш тўғрисидаги маълумотнома ушбу модданинг учинчи ва тўртинчи қисмларида кўрсатилган имтиёзларни бериш учун асос бўлади.

4-боб. Қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишнинг ўзига хос хусусиятлари

15-модда. Электр энергиясини ишлаб чиқаришда қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишнинг ўзига хос хусусиятлари

Қайта тикланувчи энергия манбаларидан шахсий эҳтиёжлар учун электр энергияси ишлаб чиқарилган тақдирда, рухсат берувчи ҳужжатлар олиш талаб этилмайди.

Қайта тикланувчи энергия манбаларидан электр энергияси ишлаб чиқарувчилар блок-станциялар шартлари асосида, шунингдек ҳосил қилинаётган электр энергиянинг максимал қиймати кўрсатилган ҳолда танлов асосида ягона электр энергетикаси тизимига уланиши мумкин. Блок-станция

истеъмолчиларнинг ягона электр энергетикаси тизимига бевосита ёки истеъмолчилар электр тармоғи орқали уланган ҳамда оператив-диспетчерлик бошқаруви тизимига кирадиган электр станцияси ҳисобланади.

Амалдаги электр тармоқларини реконструкция қилиш ва (ёки) кенгайтириш учун зарур бўлган, қайта тикланувчи энергия манбаларининг қурилмаларини улаш билан боғлиқ харажатларни уларнинг эгаси амалга оширади, ягона электр энергетикаси тизимига уланиш нуқтасигача бўлган харажатларни эса, қайта тикланувчи энергия манбаларидан энергия ишлаб чиқарувчи амалга оширади.

Қайта тикланувчи энергия манбаларидан электр энергияси ишлаб чиқарувчиларга қайта тикланувчи энергия манбаларининг қурилмаларини ягона электр энергетикаси тизимига ўзбошимчалик билан улаш тақиқланади.

Локал электр тармоғини барпо этиш ва қайта тикланувчи энергия манбаларининг қурилмаларини унга улаш қайта тикланувчи энергия манбаларидан электр энергияси ишлаб чиқарувчининг маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Электр энергияси истеъмолчиларини қайта тикланувчи энергия манбаларидан электр энергияси ишлаб чиқарувчиларнинг локал электр тармоғига улаш шартнома шартлари асосида амалга оширилади.

16-модда. Иссиқлик энергиясини ишлаб чиқаришда қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишнинг ўзига хос хусусиятлари

Қайта тикланувчи энергия манбаларидан шахсий эҳтиёжлар учун иссиқлик энергияси ишлаб чиқарилган тақдирда, рухсат берувчи ҳужжатлар олиш талаб этилмайди.

Қайта тикланувчи энергия манбаларидан иссиқлик энергияси ишлаб чиқарувчиларга қайта тикланувчи энергия манбаларининг қурилмаларини ҳудудий ва магистрал иссиқлик тармоқларига улаш тақиқланади.

Локал иссиқлик тармоғини барпо этиш ва қайта тикланувчи энергия манбаларининг қурилмаларини унга улаш қайта тикланувчи энергия манбаларидан иссиқлик энергияси ишлаб чиқарувчиларнинг маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Иссиқлик энергияси истеъмолчиларини қайта тикланувчи энергия манбаларидан иссиқлик энергияси ишлаб чиқарувчиларнинг локал иссиқлик тармоғига улаш шартнома шартлари асосида амалга оширилади.

17-модда. Биогазни ишлаб чиқаришда қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишнинг ўзига хос хусусиятлари

Биогаз маҳсулотларнинг, чиқиндиларнинг ҳамда келиб чиқиши ўсимлик ва ҳайвототга мансуб қолдиқларнинг, саноат ва коммунал-маиший чиқиндиларнинг биологик жиҳатдан парчаланадиган моддалардан иборат бўлган биомассасидан ишлаб чиқарилади.

Биомассадан шахсий эҳтиёжлар учун биогаз ишлаб чиқарилган тақдирда, рухсат берувчи хужжатлар олиш талаб этилмайди.

Биомассадан биогаз ишлаб чиқарувчиларга қайта тикланувчи энергия манбаларининг қурилмаларини ҳудудий ва магистрал газ тармоқларига улаш тақиқланади.

Локал газ тармоғини барпо этиш ва қайта тикланувчи энергия манбаларининг қурилмаларини унга улаш биомассадан биогаз ишлаб чиқарувчининг маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Биогаз истеъмолчиларини биомассадан биогаз ишлаб чиқарувчиларнинг локал газ тармоғига улаш шартнома шартлари асосида амалга оширилади.

5-боб. Қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш соҳасида давлат ҳисоби, электр энергиясининг тарифлари

18-модда. Қайта тикланувчи энергия манбалари ресурсларининг давлат ҳисоби

Махсус ваколатли давлат органи аҳолининг ва биринчи навбатда марказлаштирилган энергия таъминоти тизимларидан узоқда жойлашган ҳудудларнинг энергетикага оид ҳамда ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал этиш учун Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги қайта тикланувчи энергия манбалари ресурсларининг давлат ҳисобини амалга оширади.

Қайта тикланувчи энергия манбалари ресурсларининг давлат ҳисобини юритиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

19-модда. Қайта тикланувчи энергия манбаларидан ишлаб чиқариладиган энергиянинг ва қайта тикланувчи энергия манбалари қурилмаларининг давлат ҳисоби

Қайта тикланувчи энергия манбаларидан ишлаб чиқариладиган энергиянинг ва қайта тикланувчи энергия манбалари қурилмаларининг давлат ҳисоби махсус ваколатли давлат органи томонидан юритилади.

Қайта тикланувчи энергия манбаларидан ишлаб чиқариладиган ва истеъмол қилинадиган энергиянинг бутун ҳажми ҳисобга олиниши шарт.

Қайта тикланувчи энергия манбаларидан ишлаб чиқариладиган энергиянинг ва қайта тикланувчи энергия манбалари қурилмаларининг давлат ҳисоби қуйидаги мақсадларда амалга оширилади:

қайта тикланувчи энергия манбаларидан ишлаб чиқариладиган ва истеъмол қилинадиган энергиянинг ҳисоби ҳамда қайта тикланувчи энергия манбалари қурилмаларининг сони аниқлигини, тўғрилигини таъминлаш;

қайта тикланувчи энергия манбаларининг энергетик салоҳиятини ва улардан фойдаланиш самарадорлигини баҳолаш;

манфаатдор шахсларни қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш истиқболлари тўғрисида хабардор қилиш ва инвестицияларни жалб этиш.

Қайта тикланувчи энергия манбаларидан ишлаб чиқариладиган энергиянинг ва қайта тикланувчи энергия манбалари қурилмаларининг давлат ҳисоби қайта тикланувчи энергия манбаларининг қурилмаларини жойлаштиришнинг аниқ ва эҳтимол тутилган майдончалари тўғрисидаги, шунингдек қайта тикланувчи энергия манбаларидан энергия ишлаб чиқарувчилар, фойдаланиладиган қайта тикланувчи энергия манбалари, қайта тикланувчи энергия манбалари қурилмаларининг қуввати ҳақидаги маълумотларни ўз ичига олади.

20-модда. Қайта тикланувчи энергия манбаларидан ишлаб чиқариладиган электр энергиясига доир тарифлар

Қайта тикланувчи энергия манбаларидан ишлаб чиқариладиган электр энергиясига доир тарифлар танлов савдолари асосида белгиланади.

Яқуний истеъмолчилар учун электр энергиясига доир тарифларни шакллантиришда барча ишлаб чиқариш манбаларидан, шу жумладан қайта тикланувчи энергия манбаларидан электр энергиясини харид қилиш бўйича барча харажатлар ҳисобга олинади.

6-боб. Қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш соҳасида техник жиҳатдан тартибга солиш, стандартлаштириш, мувофиқликни баҳолаш ва ушбу соҳадаги талаблар

21-модда. Қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш соҳасида техник жиҳатдан тартибга солиш, стандартлаштириш ва мувофиқликни баҳолаш

Қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш соҳасида техник жиҳатдан тартибга солиш, стандартлаштириш ва мувофиқликни баҳолаш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Қайта тикланувчи энергия манбаларидан ишлаб чиқариладиган энергия ва ишлаб чиқариладиган қайта тикланувчи энергия манбаларининг қурилмалари сертификатлаштирилиши лозим, бундан шахсий эҳтиёжлар учун фойдаланиладиган шундай энергия ва қурилмалар мустасно.

22-модда. Қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш соҳасидаги талаблар

Қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш соҳасидаги фаолият ушбу соҳадаги техник регламентлар, нормалар ва қоидаларга, экологик, санитария, шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига, ишларни хавфсиз юритиш талабларига риоя этган ҳолда амалга оширилиши керак.

23-модда. Ахборотдан фойдаланиш

Қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, техник регламентлар, норма ва қоидалар, шунингдек қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишга доир инно-

вацион ғоялар, ишланмалар ҳамда технологиялар тўғрисидаги маълумотлар оммавий ахборот воситаларида ва махсус ваколатли давлат органининг расмий веб-сайтида эълон қилинади.

7-боб. Яқунловчи қоидалар

24-модда. Низоларни ҳал этиш

Қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш соҳасидаги низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

25-модда. Қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик

Қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

26-модда. Ушбу Қонуннинг ижросини, етказилишини, моҳияти ва аҳамияти тушунтирилишини таъминлаш

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

27-модда. Қонун ҳужжатларини ушбу Қонунга мувофиқлаштириш

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:
ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштиради;
давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

28-модда. Ушбу Қонуннинг кучга кириши

Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2019 йил 21 май,
ЎРҚ-539-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

383 Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида*

Қонунчилик палатаси томонидан
2019 йил 26 апрелда қабул қилинган

Сенат томонидан 2019 йил 3 майда
маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 3 сентябрда қабул қилинган «**Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида**»-ги 938–XII-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, № 9, 338-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 12, 269-модда; 1997 йил, № 4-5, 126-модда; 1998 йил, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 5, 112-модда; 2001 йил, № 5, 89-модда; 2002 йил, № 4-5, 74-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 5, 152-модда; 2007 йил, № 12, 590, 608-моддалар; 2008 йил, № 12, 640-модда; 2010 йил, № 5, 178-модда, № 9, 334-модда, № 12, 472-модда; 2012 йил, № 1, 4-модда; 2013 йил, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 12, 341-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда, № 12, 383, 384-моддалар; 2018 йил, № 1, 1-модда, № 10, 676-модда, № 12, 783-модда) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **27-модданинг иккинчи қисмидаги** «саккиз баробари» деган сўзлар «ўн баробари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **31-модданинг олтинчи қисмидаги** «саккиз баробаридан» деган сўзлар «ўн баробаридан» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 29 августда қабул қилинган «**Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида**»ги 265–I-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 9, 128-модда; 1999 йил, № 5, 124-модда; 2001 йил, № 5, 89-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 10, 536-модда; 2007 йил, № 10, 473-модда; 2010 йил, № 5, 177-модда; 2016 йил, № 12, 383-модда; 2017 йил, № 6, 300-модда; 2018 йил, № 1, 1-модда) **41-моддасига** қуйидаги қўшимча ва ўзгартиш киритилсин:

қуйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Тиббий маълумотга эга бўлмаган шахслар ҳам Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Халқ табobati усулларидан фойдаланган ҳолда тиббий хизмат кўрсатиш фаолиятини лицензиялаш бўйича махсус комиссиянинг хулосаси асосида халқ табobati усулларидан фой-

* Ушбу Қонун «Халқ сўзи» газетасида 2019 йил 23 майда эълон қилинган.

даланган ҳолда тиббий фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқига эга бўладилар»;

иккинчи — олтинчи қисмлар тегишинча **учинчи — еттинчи қисмлар** деб ҳисоблансин.

3-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 29 августда қабул қилинган «**Давлат божхона хизмати тўғрисида**»ги 472–I-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 18 октябрда қабул қилинган ЎРҚ–502-сонли Қонуни таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2018 йил, № 10, 678-модда) қуйидаги ўзгартишлар ва қўшимча киритилсин:

1) **6-модданинг иккинчи қисмидаги** «Олий ҳарбий божхона институти» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг Божхона институти (бундан буён матнда Божхона институти деб юритилади)» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **13-модда олтинчи қисмининг иккинчи хатбошисидаги** «Олий ҳарбий божхона» деган сўзлар «Божхона» деган сўз билан алмаштирилсин;

3) **16-модда тўққизинчи қисмининг тўртинчи хатбошисидаги** «Олий ҳарбий божхона» деган сўзлар «Божхона» деган сўз билан алмаштирилсин;

4) **17-модда:**

қуйидаги мазмундаги **тўртинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Божхона институтининг бошлиғи Ўзбекистон Республикаси Президенти билан келишувга биноан Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси раиси томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод этилади»;

тўртинчи — ўн тўртинчи қисмлари тегишинча **бешинчи — ўн бешинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

бешинчи қисмидаги «биринчи ва учинчи қисмларида» деган сўзлар «биринчи, учинчи ва тўртинчи қисмларида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

5) **18-модданинг:**

биринчи қисмидаги «Олий ҳарбий божхона» деган сўзлар «Божхона» деган сўз билан алмаштирилсин;

тўртинчи қисмидаги «Олий ҳарбий божхона» деган сўзлар «Божхона» деган сўз билан алмаштирилсин;

6) **22-модданинг ўн олтинчи қисмидаги** «Олий ҳарбий божхона» деган сўзлар «Божхона» деган сўз билан алмаштирилсин;

7) **23-модданинг тўртинчи ва ўн саккизинчи қисмларидаги** «Олий ҳарбий божхона» деган сўзлар «Божхона» деган сўз билан алмаштирилсин;

8) **26-модданинг биринчи қисмидаги** «Олий ҳарбий божхона» деган сўзлар «Божхона» деган сўз билан алмаштирилсин;

9) **32-модданинг иккинчи қисмидаги** «Олий ҳарбий божхона» деган сўзлар «Божхона» деган сўз билан алмаштирилсин.

4-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 29 августда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида»ги 522–II-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, № 9-10, 136-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 4, 163-модда, № 7, 326-модда; 2008 йил, № 12, 637-модда; 2009 йил, № 4, 136-модда; 2011 йил, № 4, 101-модда; 2013 йил, № 4, 95-модда; 2014 йил, № 4, 86-модда, № 5, 130-модда; 2015 йил, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 9, 276-модда; 2017 йил, № 6, 300-модда, № 9, 510-модда; 2018 йил, № 1, 4-модда, № 4, 224-модда, № 7, 431-модда; 2019 йил, № 1, 1-модда, № 3, 157-модда) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **6-модда учинчи қисмининг:**

тўртинчи хатбошиси чиқариб ташлансин;

бешинчи, олтинчи ва еттинчи хатбошилари тегишинча **тўртинчи, бешинчи ва олтинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин;

тўртинчи хатбошисидаги «масъул кўмитанинг» деган сўзлар «қонун лойиҳасини дастлабки тарзда кўриб чиқиш учун масъул бўлган кўмитанинг (бундан буён матнда масъул кўмита деб юритилади)» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **7-модданинг учинчи қисмидаги** «қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари» деган сўзлар «коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3) **8¹-модда** чиқариб ташлансин;

4) **13-модданинг биринчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Қонунчилик палатаси Спикери масъул кўмитани белгилайди, қонун лойиҳасини ҳамда унга илова қилинган материалларни масъул кўмитага ва, бир вақтнинг ўзида, фракцияларга (депутатлар гуруҳларига) топширади, шунингдек фракциялар (депутатлар гуруҳлари) томонидан фикрлар ва таклифларни ҳамда масъул кўмита томонидан хулосани тақдим этиш муддатини белгилайди»;

5) **14-модданинг учинчи қисмидаги** «агар Қонунчилик палатаси Кенгаши томонидан бошқа муддат белгиланган бўлмаса» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

6) **19-модданинг учинчи қисмидаги** «Қонунчилик палатаси Кенгаши Мувофиқлаштирувчи гуруҳнинг ахборотини эшитиб» деган сўзлар «Қонунчилик палатаси Спикери» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

5-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 29 августда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Регламенти тўғрисида»ги 523–II-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, № 9-10, 137-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 4, 163-модда; 2009 йил, № 4, 136-модда; 2011 йил, № 4,

101-модда; 2014 йил, № 4, 86-модда; 2015 йил, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 9, 276-модда; 2017 йил, № 6, 300-модда, № 9, 510-модда; 2018 йил, № 1, 4-модда, № 4, 224-модда, № 7, 431-модда; 2019 йил, № 1, 1-модда, № 3, 157-модда) қўйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **7-модданинг учинчи қисмидаги** «қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари» деган сўзлар «суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **32¹-модданинг тўртинчи қисмидаги** «Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари» деган сўзлар «Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3) **32⁸-модданинг тўртинчи қисмидаги** «Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари» деган сўзлар «Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

6-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 26 декабрда қабул қилинган ЎРҚ–360-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2013 йил, 12-сонга 1-илова; 2014 йил, № 9, 244-модда; 2015 йил, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 12, 383, 385-моддалар; 2017 йил, № 6, 300-модда, № 10, 605-модда, № 12, 772-модда; 2018 йил, № 1, 1, 4-моддалар, № 7, 431, 433-моддалар; 2019 йил, № 1, 1-модда) **70-моддаси биринчи қисми 3-бандининг еттинчи хат-бошисидаги** «Соф ичимлик суви» деган сўзлар «Сув таъминоти ва канализация тизимларини ривожлантириш» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

7-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 11 апрелда қабул қилинган **«Парламент назорати тўғрисида»**ги ЎРҚ–403-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2016 йил, № 4, 123-модда; 2017 йил № 6, 300-модда; 2018 йил, № 1, 4-модда, № 4, 224-модда; 2019 йил, № 1, 1-модда, № 3, 157-модда) қўйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **10-модданинг бешинчи қисмидаги** «Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари» деган сўзлар «Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **19-модданинг тўртинчи қисмидаги** «Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари» деган сўзлар «Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

8-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси: ҳуқуқат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин; давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин;

ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

9-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2019 йил 22 май,
ЎРҚ-540-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

384 **Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида***

Қонунчилик палатаси томонидан
2019 йил 26 апрелда қабул қилинган

Сенат томонидан 2019 йил 3 майда
маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 24 январда қабул қилинган ЎРҚ-461-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2018 йил, 1-сонга 2-илова, № 7, 433-модда, № 10, 672-модда; 2019 йил, № 3, 161-модда) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **162-модданинг иккинчи қисми** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Ишни суд муҳокамасига тайёрлаш бўйича ҳаракатлар даъво аризасини иш юритишга қабул қилиш ва иш қўзғатиш тўғрисидаги ажримда баён этилиши мумкин, бундан ишни суд муҳокамасига тайёрлаш чоғида судгача мажлис ўтказиш ҳоллари мустасно»;

2) **163-модда** қуйидаги мазмундаги **учинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Ишни суд муҳокамасига тайёрлаш чоғида судья фуқаролик ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низолар бўйича, бундан соддалаштирилган иш юритиш тартибида кўриладиган ишлар мустасно, даъво аризаси иш

* Ушбу Қонун «Халқ сўзи» газетасида 2019 йил 24 майда эълон қилинган.

юритишга қабул қилинган ва иш қўзғатилган кундан эътиборан ўн кун ичида ушбу Кодексда белгиланган тартибда судгача мажлис ўтказиши мумкин»;

3) қуйидаги мазмундаги **163¹-модда** билан тўлдирилсин:

«163¹-модда. Судгача мажлис

Судгача мажлис ўтказиш чоғида судья:

1) даъвогарни ўзи арз қилган талабларнинг моҳияти бўйича сўроқ қилади, ундан жавобгар билдириши мумкин бўлган эътирозларни аниқлайди ва, агар бу зарур бўлса, даъвогарга қўшимча далиллар тақдим этишни таклиф қилади, шунингдек арз қилинган талабларидан воз кечиш ҳуқуқини ҳамда воз кечишнинг ҳуқуқий оқибатларини тушунтиради;

2) ишнинг ҳолатлари бўйича жавобгарни сўроқ қилади, даъвогарнинг талабларига қарши унинг қандай эътирозлари борлигини ва бу эътирозлар қандай далиллар билан тасдиқланиши мумкинлигини аниқлайди, шунингдек жавобгарга даъвогарнинг талабларини тан олиш ёхуд қарши талаблар қўзғатиш ҳуқуқини тушунтиради, жавобгарга иш юзасидан ёзма тушунтиришлар тақдим этишни таклиф қилади. Жавобгарнинг ёзма тушунтиришларни ва далилларни тақдим этмаганлиги, шунингдек суд мажлисига келмаганлиги ишни ишдаги мавжуд далиллар бўйича кўриш учун тўсқинлик қилмайди;

3) тарафлардан келишув битимини тузиш эҳтимолини ёки низони ҳал қилишнинг муқобил усуллари эҳтимолини аниқлайди ва уларнинг ҳуқуқий оқибатларини тушунтиради;

4) ишнинг мураккаблигини ҳисобга олган ҳолда суд муҳокамасининг прогноз қилинаётган, шу жумладан низони ҳал қилиш учун аҳамиятга эга бўлган илтимосномалар ва ҳужжатларни судга топшириш, гувоҳлар мавжуд бўлганда уларнинг рўйхатларини алмашиш муддатларини назарда тутовчи жадвалини аниқлайди;

5) суд мажлисида ҳозир бўлган тарафлар ва бошқа манфаатдор шахслардан улар ўртасида ушбу ишнинг судга тааллуқлилиги масаласи бўйича келишув, ушбу Кодекснинг 163-моддасида назарда тутилган бошқа ҳаракатларни амалга ошириш зарурияти мавжудлигини аниқлайди.

Судгача мажлиснинг вақти ва жойи тўғрисида тарафлар ва бошқа манфаатдор шахслар хабардор қилинганлик фактини қайд этишни таъминлайдиган суд чақирув қоғозлари, буюртма хатлар, телефонограммалар, телеграммалар ва бошқа алоқа воситалари орқали хабардор қилинади.

Судгача мажлис ўтказилганлиги тўғрисида баённома тузилиб, унда қуйидагилар кўрсатилади: судгача мажлис ўтказилган йил, ой, сана ва жой; ишни юритаётган суднинг номи; судьянинг ва мажлис котибининг (судья ёрдамчисининг ёки катта ёрдамчисининг) фамилияси ҳамда исми-шарифининг бош ҳарфлари; тарафлар, бошқа манфаатдор шахслар ҳақидаги ва уларга процессуал ҳуқуқ ва мажбуриятлари тушунтирилганлиги тўғрисидаги маълумотлар; тарафлар томонидан берилган тушунтиришлар.

Тарафлар келмаган тақдирда, судья ушбу Кодекс 163-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида кўрсатилган ҳаракатларни амалга оширади. Бундай ҳолда судгача мажлис баённомаси тузилмайди.

Ушбу Кодексда назарда тутилган асослар мавжуд бўлган тақдирда, судгача мажлисда иш юритиш тўхтатиб турилиши ёки тугатилиши, даъво аризаси кўрмасдан қолдирилиши мумкин»;

4) **171-модданинг матни** куйидаги тахрирда баён этилсин:

«Суд кутилмаган ва фавқулодда ҳолатларда ишни суд мажлисида кўриш мумкин бўлмаган тақдирда, шу жумладан:

тарафнинг илтимосномаси бўйича, у низони келишув йўли билан ҳал қилиш мақсадида суддан кўмаклашишни сўраб мурожаат қилган тақдирда;

агар суд мажлисининг вақти ва жойи ҳақида тегишли тарзда хабардор қилинган ишда иштирок этувчи шахс суд мажлисига кела олмаслиги сабабларини асослаган ҳолда суд муҳокамасини кейинга қолдириш тўғрисида илтимоснома билан мурожаат қилган бўлса ва башарти ушбу шахснинг иштирокисиз ишни кўриш мумкин бўлмаса;

ишда иштирок этувчи шахснинг ўз вакили суд мажлисига узрли сабабга кўра кела олмаганлиги муносабати билан қилган илтимосномаси бўйича;

суд процесси иштирокчиларидан бирортаси, агар суд ишни ушбу шахснинг иштирокисиз кўриш мумкин эмас деб ҳисобласа, келмаган тақдирда;

тарафнинг қўшимча далиллар тақдим этиш ёки учинчи шахслардан талаб қилиб олиш зарурати билан боғлиқ ҳолда суд муҳокамасини кейинга қолдириш тўғрисидаги илтимосномаси бўйича;

суд мажлиси видеоконференцалоқа режимида ўтказилаётганда видео-конференцалоқа ўрнатиш имкони бўлмаган тақдирда;

суд процесси иштирокчиларидан бирортаси келмаган ва кўрсатилган шахснинг суд муҳокамасининг вақти ва жойи ҳақида тегишли тарзда хабардор қилинганлиги тўғрисида далиллар мавжуд бўлмаган тақдирда;

ишга дахлдор бўлмаган жавобгарни ишга дахлдор бўлган жавобгар билан алмаштириш зарур бўлган тақдирда;

низолни ҳуқуқий муносабатдан чиқиб кетган тарафни унинг ҳуқуқий вориси билан алмаштириш зарур бўлган тақдирда;

иккинчи жавобгарни ёки учинчи тарафни ишда иштирок этиш учун жалб этиш зарур бўлган тақдирда суд муҳокамасини кейинга қолдиришга ҳақли.

Суд муҳокамаси уни кейинга қолдиришга асос бўлиб хизмат қилган ҳолатларни бартараф этиш учун зарур бўлган муддатга ушбу Кодексда суд муҳокамаси учун назарда тутилган муддат доирасида, бироқ кўпи билан ўн кунга қолдирилиши мумкин.

Суд муҳокамасини кейинга қолдиришлар сони уч мартадан ошмаслиги керак.

Суд муҳокамасини кейинга қолдириш тўғрисида ажрим чиқарилади.

Агар суд мажлисида тарафлар ҳозир бўлса, суд келган гувоҳларни суд

муҳокамаси кейинга қолдирилгунига қадар сўроқ қилишга ҳақли. Бу гувоҳларнинг кўрсатувлари янги суд мажлисида ўқиб эшиттирилади. Ушбу гувоҳларни янги суд мажлисига такроран чақириш фақат зарур ҳолларда амалга оширилади.

Ишда иштирок этувчи, аммо суд мажлисига келмаган шахслар ушбу Кодекснинг 127-моддасида назарда тутилган тартибда янги суд мажлисининг вақти ва жойи тўғрисида хабардор қилинади. Суд мажлисига келган ишда иштирок этувчи шахслар иш материалларига кўшиб қўйиладиган тилхат орқали хабардор қилинади.

Суд муҳокамаси кейинга қолдирилганидан сўнг давом эттирилади.

Зарур бўлган тақдирда ишнинг муҳокамаси у қолдирилганидан кейин бошидан бошланади».

2-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси: ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштиради; давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин;

ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

3-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2019 йил 23 май,
ЎРҚ-541-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

385 Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига жиноят процесси иштирокчиларининг ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини таъминлаш билан боғлиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида*

Қонунчилик палатаси томонидан
2019 йил 18 февралда қабул қилинган

Сенат томонидан 2019 йил 28 февралда
маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1991 йил 14 июнда қабул қилинган «**Кооперация тўғрисида**»ги 295–XII-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1991 йил, № 8, 193-модда; 1994 йил, № 2, 52-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, № 9, 181-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2017 йил, № 6, 300-модда) **3-моддасининг 3-бандидаги** «шунингдек суриштирув» деган сўзлар «шунингдек терговга қадар текширувни амалга оширувчи органлар, суриштирув» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 2 июлда қабул қилинган «**Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида**»-ги 632–XII-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1992 йил, № 9, 338-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2015 йил, № 8, 310-модда; 2016 йил, № 9, 276-модда) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **21-модда иккинчи қисмининг ўзбекча матнидаги** «идораларига» деган сўз «органларига» деган сўз билан алмаштирилсин;

2) **33-модда биринчи қисмининг ўзбекча матнидаги** «идоралари» деган сўз «органлари» деган сўз билан алмаштирилсин;

3) **34-модда тўртинчи қисмининг ўзбекча матнидаги** «идораси» деган сўз «органи» деган сўз билан алмаштирилсин;

4) **35-модда биринчи қисмининг ўзбекча матнидаги** «идорасига» деган сўз «органига» деган сўз билан алмаштирилсин;

5) **36-модда биринчи ва иккинчи қисмларининг ўзбекча матнидаги** «идоралари» деган сўз «органлари» деган сўз билан алмаштирилсин;

6) **37-модда биринчи қисмининг ўзбекча матнидаги** «идораси» деган сўз «органи» деган сўз билан алмаштирилсин;

7) **41-модданиннг матнидаги** «идоралари» деган сўз «бўлинмалари» деган сўз билан алмаштирилсин;

* Ушбу Қонун «Халқ сўзи» газетасида 2019 йил 24 майда эълон қилинган.

8) **42-модда ўзбекча матнининг:**

биринчи қисмидаги «идоралари» деган сўз «органлари» деган сўз билан алмаштирилсин;

иккинчи қисмидаги «идораси» деган сўз «органи» деган сўз билан алмаштирилсин.

3-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 3 июлда қабул қилинган «**Гувоҳлар, жабрланувчилар, экспертлар, мутахассислар, таржимонлар ва ҳолисларнинг қилган харажатларини тўлаш тартиби ва миқдорлари тўғрисида**»ги 661–XII-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1992 йил, № 9, 359-модда; 1994 йил, № 11-12, 285-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 6, 118-модда) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **1-моддадаги** «Суриштирув органига» деган сўзлар «Терговга қадар текширувни амалга оширувчи органнинг мансабдор шахси, суриштирувчи» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **2-моддадаги** «суриштирув органига» деган сўзлар «терговга қадар текширувни амалга оширувчи органнинг мансабдор шахси, суриштирувчи» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3) **5-модданинг биринчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:
«Экспертлар, мутахассислар ва таржимонлар бажарган ишлари учун терговга қадар текширувни амалга оширувчи органларнинг, суриштирув ёки дастлабки тергов органларининг қарорига ёхуд суднинг ажримига биноан ҳақ оладилар»;

4) **9-моддадаги** «Суриштирув органига» деган сўзлар «Терговга қадар текширувни амалга оширувчи органнинг мансабдор шахси, суриштирувчи» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

4-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 9 декабрда қабул қилинган «**Прокуратура тўғрисида**»ги 746–XII-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 августда қабул қилинган 257–II-сонли Қонуни таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, № 9-10, 168-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 6, 249-модда; 2008 йил, № 9, 487-модда, № 12, 636-модда; 2011 йил, № 4, 101-модда; 2012 йил, № 9/2, 244-модда; 2015 йил, № 8, 310-модда; 2016 йил, № 9, 276-модда; 2017 йил, № 3, 47-модда, № 6, 300-модда, № 9, 510-модда, № 10, 605-модда; 2018 йил, № 4, 218-модда, № 7, 431-модда; 2019 йил, № 1, 1, 5-моддалар) қуйидаги қўшимча ва ўзгартишлар киритилсин:

1) **4-модданинг бешинчи хатбошиси** «тезкор-қидирув фаолиятни» деган сўзлардан кейин «терговга қадар текширувни» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

2) **8-модданинг биринчи қисми** «тезкор-қидирув фаолиятни» деган

сўзлардан кейин «терговга қадар текширувни» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

3) **28-модданинг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Қонунларнинг жиноятчиликка қарши курашишни амалга оширувчи органлар томонидан ижро этилиши устидан назорат қилиш жараёнида прокурор ўз ваколатлари доирасида:

суриштирув ва дастлабки тергов органларидан, шунингдек терговга қадар текширувни ёки тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органлардан жиноят ишларини, терговга қадар текширув, тезкор-қидирув фаолияти, суриштирув ва дастлабки тергов ҳужжатлари ва материалларини ҳамда бошқа маълумотларни текшириш учун талаб қилади;

содир этилган ёки тайёрланаётган жиноятлар ҳақидаги аризалар ва хабарларни қабул қилиш, рўйхатдан ўтказиш ҳамда ҳал этиш тўғрисидаги қонун талабларининг ижросини ҳар ойда камида бир марта текширади;

терговчилар ва суриштирувчиларнинг, шунингдек терговга қадар текширувни амалга оширувчи орган мансабдор шахсининг қонунга хилоф ҳамда асоссиз қарорларини бекор қилади;

жиноятларни тергов қилиш, эҳтиёт чорасини танлаш, ўзгартириш ёки бекор қилиш, жиноят тавсифини белгилаш, айбланувчи тарикасида ишда иштирок этишга жалб қилиш, айрим тергов ҳаракатларини бажариш ва жиноят содир этиб яширинган шахсларни қидириш тўғрисида ёзма кўрсатмалар беради;

терговга қадар текширувни ёки тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органларга ушлаш, мажбурий келтириш, қидириш, тинтув ўтказиш, олиб қўйиш тўғрисидаги қарорларни ва суднинг қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш ҳақидаги ажримини ижро этишни, бошқа тергов ҳаракатларини, шу жумладан прокурорнинг ёки прокуратура терговчисининг иш юритувида бўлган ишлар юзасидан тергов ҳаракатларини бажаришни топширади, жиноятларни очиш ва жиноят содир этган шахсларни топиш учун зарур чоралар кўриш тўғрисида кўрсатмалар беради;

суриштирувда, дастлабки терговда иштирок этади ҳамда зарур ҳолларда, жиноят-процессуал қонунга мувофиқ ҳар қандай иш бўйича айрим тергов ҳаракатларини шахсан бажаради ёки терговни тўла ҳажмда амалга оширади;

суриштирув, дастлабки тергов муддатини узайтиради, эҳтиёт чораси сифатида қамоқда сақлаш ёки уй қамоғи ва айбланувчининг тиббий муассасада бўлиши муддатини узайтириш тўғрисида судга илтимоснома кирилади;

жиноят ишларини суриштирув ва дастлабки тергов органларига қўшимча тергов ўтказиш тўғрисидаги ўз кўрсатмалари билан қайтаради;

жиноят ишини суриштирув органидан терговчига, прокуратуранинг бир терговчисидан бошқасига, жиноят-процессуал қонунда белгиланган ҳолларда ва тартибда эса бир дастлабки тергов ва суриштирув органидан бошқа дастлабки тергов ва суриштирув органига ўтказилади;

суриштирувчини ёки терговчини, агар у ишни тергов қилиш чоғида қонун бузилишига йўл қўйган бўлса, суриштирувни ёхуд дастлабки терговни давом эттиришдан четлатади;

қонунда назарда тутилган ҳолларда, тергов ҳаракатларини олиб боришга санкция беради, қамоққа олиш ёки уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисида, айбланувчини лавозимидан четлаштириш ҳақида, шахс-ни тиббий муассасага жойлаштириш тўғрисида, мурдани эксгумация қилиш ҳақида, почта-телеграф жўнатмаларини хатлаш тўғрисида судга илтимоснома киритади ёки илтимосномага розилик беради; жиноят ишини қўзғатишни рад қилиш ҳақида ёки жиноят ишини амнистия актига асосан тугатиш тўғрисида судга илтимоснома киритади;

жиноят ишларини қўзғатади ёки уларни қўзғатишни рад этади, жиноят ишларини тугатади ёхуд улар юзасидан иш юритилишини тўхтатади;

қонунда назарда тутилган ҳолларда терговчининг ва суриштирувчининг ишни тугатишига розилик беради;

айблов ҳулосасини ёки айблов далолатномасини ёхуд қарорини тасдиқ-лайди, ишни судга юборади;

қонунга мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

Прокурорнинг жиноят-процессуал қонун ҳужжатларида назарда тутил-ган тартибда берган терговга қадар текширув ўтказиш, жиноят ишларини қўзғатиш ва тергов қилиш билан боғлиқ кўрсатмалари терговга қадар тек-ширувни ва тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органлар, суриш-тирув ва дастлабки тергов органлари учун мажбурийдир»;

4) **34-модданинг иккинчи қисмидаги** «Айблов ҳулосасини» деган сўзлар «Айблов ҳулосасини, айблов далолатномасини» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

5) **43-модданинг биринчи қисми** «терговчилар» деган сўздан ке-йин «суриштирувчилар» деган сўз билан тўлдирилсин;

6) **49-модданинг биринчи қисмидаги** «ва терговчига» деган сўзлар «терговчи ва суриштирувчига» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

5-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 9 декабрда қабул қилинган «**Сурункали алкоголизм, гиёҳвандлик ёки заҳарвандлик-ка мубтало бўлган беморларни мажбурий даволаш тўғрисида**»-ги 753–XII-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, № 1, 36-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 6, 121-модда; 1997 йил, № 2, 69-модда; 1998 йил, № 1, 17-модда; 1999 йил, № 1, 5-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **2-модда иккинчи қисмининг ўзбекча матнидаги** «идоралари-нинг» деган сўз «органларининг» деган сўз билан алмаштирилсин;

2) **3-модданинг ўзбекча матнидаги** «идоралари» деган сўз «орган-лари» деган сўз билан алмаштирилсин;

3) **4-модда иккинчи қисмининг ўзбекча матнидаги** «идорала-ри» деган сўз «органлари» деган сўз билан алмаштирилсин;

4) **6-модданинг ўзбекча матнидаги** «идоралари» деган сўз «органлари» деган сўз билан алмаштирилсин.

6-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 10 декабрда қабул қилинган «**Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси тўғрисида**»ги 768–XII-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, № 1, 52-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2010 йил, № 12, 473-модда; 2017 йил, № 6, 300-модда; 2018 йил, № 7, 431-модда) куйидаги ўзгаришлар киритилсин:

1) **8-модданинг учинчи хатбошиси** куйидаги тахрирда баён этилсин:

«ички ишлар органларида ижро этиш, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси ижро этилаётган пайтда ички ишлар органларининг оддий аскарлар, сержантлар ва офицерлар таркибидан бўлган шахсларнинг салом бериши — Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг буйруқлари билан белгиланадиган қоидалар билан»;

2) **11-модданинг ўзбекча матнидаги** «идораларида» деган сўз «органларида» деган сўз билан алмаштирилсин.

7-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 7 майда қабул қилинган 864–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Ҳаво кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, № 6, 247-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, № 3, 38-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2008 йил, № 7, 350-модда; 2012 йил, № 9/2, 246-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда; 2014 йил, № 5, 130-модда, № 9, 244-модда, № 12, 343-модда; 2015 йил, № 6, 228-модда; 2017 йил, № 4, 137-модда) **92-моддасининг биринчи қисмидаги** «милиция органлари» деган сўзлар «ички ишлар органлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

8-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2012–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 1, 3-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 165-модда; 2002 йил, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 314-модда, № 12, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 12, 656-модда; 2007 йил,

№ 4, 158, 166-моддалар, № 6, 248-модда, № 9, 416, 422-моддалар, № 12, 607-модда; 2008 йил, № 4, 187, 188, 189-моддалар, № 7, 352-модда, № 9, 485, 487, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 4, 128-модда, № 9, 329, 334, 335, 337-моддалар, № 12, 470-модда; 2010 йил, № 5, 176, 179-моддалар, № 9, 341-модда, № 12, 471, 477-моддалар; 2011 йил, № 1, 1-модда; 2012 йил, № 4, 108-модда, № 9/1, 242-модда, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 5, 130-модда, № 9, 244-модда, № 12, 343-модда; 2015 йил, № 6, 228-модда, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 383, 385-моддалар; 2017 йил, № 3, 47-модда, № 6, 300-модда, № 9, 506, 510-моддалар; 2018 йил, № 1, 4-модда, № 4, 218, 224-моддалар, № 7, 430-модда, № 10, 679-модда; 2019 йил, № 1, 3, 5-моддалар) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **234-модда биринчи қисмининг диспозициясидаги** «суриштирувчи» деган сўз «терговга қадар текширувни амалга оширувчи органнинг мансабдор шахси, суриштирувчи» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **238-модда биринчи қисмининг диспозициясидаги** «худди шунингдек бир тилдан иккинчи тилга била туриб нотўғри таржима қилиш» деган сўзлар «худди шунингдек таржимоннинг бир тилдан иккинчи тилга била туриб нотўғри таржима қилиши» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3) **240-модда биринчи қисмининг диспозициясидаги** «Суриштирув олиб бориш» деган сўзлар «Терговга қадар текширув, суриштирув олиб бориш» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

9-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2013–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 2, 5-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 12, 269-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда, № 7-8, 217-модда; 2001 йил, № 1-2, 11, 23-моддалар, № 9-10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 12, 418-модда; 2006 йил, № 6, 261-модда; 2007 йил, № 4, 166-модда, № 6, 248, 249-моддалар, № 9, 422-модда, № 12, 594, 595, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 177, 187-моддалар, № 9, 482, 484, 487-моддалар, № 12, 636, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 4, 136-модда, № 9, 335-модда, № 12, 469, 470-моддалар; 2010 йил, № 6, 231-модда, № 9, 334, 336, 337, 342-моддалар, № 12, 477-модда; 2011 йил, № 4, 103, 104-моддалар, № 9, 252-модда, № 12/2, 363-модда; 2012 йил, № 1, 3-модда, № 9/2, 244-модда, № 12, 336-модда; 2014 йил, № 9, 244-модда; 2015 йил, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда, № 9, 276-мод-

да, № 12, 385-модда; 2017 йил, № 3, 47-модда, № 6, 300-модда, № 9, 510-модда; 2018 йил, № 1, 1-модда, № 4, 218, 224-моддалар, № 7, 430, 431-моддалар, № 10, 679-модда; 2019 йил, № 1, 3, 5-моддалар) қуйидаги қўшимча ва ўзгартишлар киритилсин:

1) қуйидаги мазмундаги **91¹ — 91⁴-моддалар** билан тўлдирилсин:

«91¹-модда. Тергов ҳаракатларини видеоконференцалоқа режимида ўтказиш

Гувоҳлар, жабрланувчилар, гумон қилинувчилар ва айбланувчилар иштирокидаги тергов ҳаракатлари (сўрок, шахсларни ва нарсаларни таниб олиш, юзлаштириш) мазкур шахсларни улар турган жойдаги ёки яшаш жойидаги вилоятнинг ёки туманнинг ёхуд шаҳарнинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органига ёки судига чақирган, техник воситалардан фойдаланган ҳолда видеоконференцалоқа режимида ўтказилиши мумкин. Видеоконференцалоқа жараёнида тергов ҳаракати иштирокчилари тергов ҳаракати жараёни ва натижаларини тўғридан-тўғри трансляция орқали бевосита кузатиб боради.

Тергов ҳаракатларини видеоконференцалоқа режимида ўтказиш тўғрисидаги қарор суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суд томонидан ўз ташаббуси билан ёхуд жиноят процесси иштирокчиларининг илтимосномасига кўра қабул қилинади.

Тергов ҳаракатларини видеоконференцалоқа режимида ўтказишда фойдаланиладиган техник воситалар ва ускуналар қуйидаги минимал талабларга жавоб бериши зарур:

тасвир сифати бўйича — ўлчами 1920 x 1080, секундига 50 та кадр;

овоз сифати бўйича — частота диапазони 100 — 12 000 Гц;

ахборот хавфсизлигини таъминлаш бўйича — VPT химояланган алоқа каналидан фойдаланган ҳолда.

91²-модда. Тергов ҳаракатларини видеоконференцалоқа режимида ўтказиш асослари

Тергов ҳаракатлари қуйидаги ҳолларда видеоконференцалоқа режимида ўтказилади:

1) шахснинг жиноят ишини тергов қилаётган органга ёки тергов ҳаракати ўтказилаётган жойга соғлиғининг ҳолатига ёки бошқа узрли сабабларга кўра бевосита келиш имконияти бўлмаганда;

2) жиноят процесси иштирокчиларининг хавфсизлигини таъминлаш зарурати туғилганда;

3) кечиктириб бўлмайдиган тергов ҳаракатлари ўтказилганда;

4) тергов ҳаракатини ўтказиш қийинлашиши ёки ортиқча харажатлар келтириб чиқариши мумкинлиги ҳақида асосли сабаблар мавжуд бўлганда.

Ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган асослар мавжуд бўлганда суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суд тегишли қарор чиқаради.

91³-модда. Тергов ҳаракатларини видеоконференцалоқа режимида ўтказиш шартлари ва тартиби

Муайян тергов ҳаракатини видеоконференцалоқа режимида ўтказиш ҳақида қарор қабул қилинган тақдирда суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суд жиноят процессининг муайян иштирокчисини чақиртиришни ва тергов ҳаракатини видеоконференцалоқа режимида ўтказишни ташкил этишни сўраб тегишли органга ушбу Кодекс талабларига мувофиқ топширик юборди.

Суриштирувчининг, терговчининг, прокурорнинг ёки суднинг топширини бажарувчи мансабдор шахс чақиртирилган жиноят процесси иштирокчисининг шахсини тасдиқловчи ҳужжатларини текшириши, унинг ушбу Кодексда назарда тутилган ҳуқуқларини таъминлаши ва тергов ҳаракати тугаллангунига қадар унинг ёнида бўлиши керак.

Тергов ҳаракатини видеоконференцалоқа режимида ўтказиш учун мутахассислар жалб қилиниши мумкин.

Видеоконференцалоқа режимида сўрок, шахсларни ёки нарсаларни таниб олиш ёхуд юзлаштириш ушбу Кодекснинг 96 — 108, 112 — 131-моддалари талабларига риоя этган ҳолда амалга оширилади. Тергов ҳаракати иштирокчиларига видеоконференцалоқада иштирок этаётган шахсларга саволлар бериш ва улардан жавоблар олиш, ушбу Кодексда назарда тутилган процессуал ҳуқуқлар ва мажбуриятларни амалга ошириш имконияти таъминланиши керак.

91⁴-модда. Видеоконференцалоқа режимида ўтказилган тергов ҳаракати жараёни ва натижаларини қайд қилиш

Видеоконференцалоқа режимида ўтказилган тергов ҳаракати жараёни ва натижалари электрон маълумотларни ташувчи тегишли воситаларга баённома тузилган ҳолда ёзилади ва қайд этилади.

Тергов ҳаракатининг баённомаси суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суд ва топширикни бажарувчи мансабдор шахс томонидан тузилади. Видеоконференцалоқа материаллари баённомага қўшиб қўйилади.

Тергов ҳаракатининг баённомаси ушбу Кодексда назарда тутилган умумий қоидаларга риоя қилинган ҳолда тузилади ва унда жиноят процесси иштирокчилари кўрсатувларининг моҳияти акс этирилади.

Видеоконференцалоқа ёзувининг вақти ўтказилган тергов ҳаракатининг аниқ вақтига мос келиши керак. Видеоконференцалоқа жараёнидаги танаффуслар юзасидан изоҳ берилиши ҳамда улар видеоёзувда ва баённомада акс этирилиши керак.

Видеоконференцалоқа режимида ўтказилган тергов ҳаракати баённомаси суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суд, топширикни бажараётган мансабдор шахс ҳамда тергов ҳаракатининг бошқа иштирокчилари томонидан имзоланади. Топширикни бажараётган мансабдор шахс томонидан тузилган баённома суриштирувчига, терговчига, прокурорга ёки судга юборилади»;

2) **121-модда** қуйидаги мазмундаги **учинчи** — **олтинчи қисмлар** билан тўлдирилсин:

«Жинсий эркинликка қарши, ўн саккиз ёшга тўлмаган шахслар савдосига оид жиноят ишлари бўйича вояга етмаган гувоҳни ёки жабрланувчини сўроқ қилиш, шунингдек бошқа ҳолатларда сўроқ қилиш, агар буни одил судловнинг ёки вояга етмаган шахснинг манфаатлари талаб этса, стенография, видеокузатув, шунингдек аудио- ва видео қайд этиш тизимлари билан жиҳозланган махсус хонада қонуний вакил, педагог ёки психолог иштирокида ўтказилиши мумкин.

Сўроқни стенография, видеокузатув, шунингдек аудио- ва видео қайд этиш тизимлари билан жиҳозланган махсус хоналарда ўтказиш тартиби суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд томонидан белгиланади.

Зарур бўлган ҳолларда, химоячи, вояга етмаган шахснинг қонуний вакили, педагог ёки психолог саволларни суриштирувчининг, терговчининг, прокурорнинг ёки суднинг рухсати билан қайта тузиш ҳуқуқига эга, бунда саволларнинг моҳияти ўзгартирилмайди.

Вояга етмаган гувоҳни ёки жабрланувчини сўроқ қилиш стенографияси, улар кўрсатувларининг аудио- ва видеоёзувлари ушбу моддага мувофиқ баённомага илова қилинади»;

3) **127-модда** қўйидаги мазмундаги **олтинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Таниб олувчининг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида шахсни таниб олиш учун кўрсатиш суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суднинг қарорига кўра таниб олинувчининг таниб олувчини кўриб туриши истисно этиладиган шароитларда ўтказилиши мумкин. Бу ҳолда ҳолислар таниб олувчи турган жойда бўлади»;

4) **131-модда:**

қўйидаги мазмундаги **учинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Агар шахсни таниб олиш кўриб туришни истисно этадиган шароитларда ўтказилган бўлса, баённомага бу ҳақда тегишли ёзув киритилиши керак»;

учинчи ва **тўртинчи қисмлари** тегишинча **тўртинчи** ва **бешинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

5) **318-модда биринчи қисмининг 7¹-банди** қўйидаги тахрирда баён этилсин:

«7¹) суриштирув, дастлабки тергов ёки суд мажлисини видеоконференцалоқадан фойдаланган ҳолда ўтказиш чоғида қилинган харажатлардан»;

6) **345-модданинг бешинчи қисмидаги** «278-моддаси иккинчи ва тўртинчи қисмларида» деган сўзлар «278-моддаси биринчи ва иккинчи қисмларида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

7) **361-модда биринчи қисмининг биринчи хатбошисидаги** «терговчи» деган сўз «суриштирувчи, терговчи» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

8) **381²-модда биринчи қисмининг 1-бандидаги** «278-моддаси биринчи ва учинчи қисмларида» деган сўзлар «278-моддаси учинчи ва тўртинчи қисмларида» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

10-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2015–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг **Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 3, 6-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 9, 193-модда, № 12, 269-модда; 1996 йил, № 5-6, 69-модда, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 4-5, 126-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда, № 7-8, 217-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда, № 12, 413, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 9, 498-модда, № 10, 536-модда, № 12, 656, 659-моддалар; 2007 йил, № 4, 158, 159, 164, 165-моддалар, № 9, 416, 421-моддалар, № 12, 596, 604, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 181, 189, 192-моддалар, № 9, 486, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 9, 334, 335, 337-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 462, 468, 470, 472, 474-моддалар; 2010 йил, № 5, 175, 179-моддалар, № 6, 231-модда, № 9, 335, 339, 341-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 468, 473, 474-моддалар; 2011 йил, № 1, 1-модда, № 4, 104, 105-моддалар, № 9, 247, 252-моддалар, № 12/2, 365-модда; 2012 йил, № 4, 108-модда, № 9/1, 242-модда, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 5, 130-модда, № 9, 244-модда, № 12, 341, 343-моддалар; 2015 йил, № 6, 228-модда, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 1, 2-модда, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 383, 385-моддалар; 2017 йил, № 4, 137-модда, № 6, 300-модда, № 9, 510-модда, № 10, 605-модда; 2018 йил, № 1, 1, 4-моддалар, № 4, 224-модда, № 7, 430, 431-моддалар, № 10, 673, 679-моддалар; 2019 йил, № 1, 1, 3, 5-моддалар) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **126-модданинг матни** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Техник регламентга мувофиқ бўлмаган кўзгусимон ва (ёки) туси ўзгартирилган (қорайтирилган) ойнали транспорт воситаларидан, худди шунингдек ҳайдовчининг ўрnidан теварак-атрофни кўришни чеклайдиган қўшимча нарсалар ўрнатилган ёки қопламалар суртилган транспорт воситаларидан фойдаланиш, бундан ойналар тусини ўзгартириш (қорайтириш) учун тегишли рухсатнома берилган транспорт воситалари мустасно, —

энг кам иш ҳақининг йигирма беш баравари миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.

Худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, —

энг кам иш ҳақининг қирқ баравари миқдорида жарима солишга сабаб бўлади»;

2) **128-модданинг биринчи қисмидаги** «128³, 128⁵, 128⁶ ва 130-моддаларида» деган сўзлар «128³-моддасида, 128⁴-моддасининг биринчи қисмида, 128⁵, 128⁶ ва 130-моддаларида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3) **128⁴-модда** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«128⁴-модда. Транспорт воситалари ҳайдовчиларининг светофорнинг тақиқловчи сигналига ёки йўл ҳаракатини тартибга солувчининг тақиқловчи ишорасига бўйсунмасдан тўхташ чизигини босиб кириши ва ўтиши

Светофорнинг тақиқловчи сигналида ёки йўл ҳаракатини тартибга солувчининг тақиқловчи ишорасида йўлнинг қатнов қисмидаги йўл чизиқлари ёки йўл белгилари билан белгиланган тўхташ чизигини босиб кириш, —
энг кам иш ҳақининг иккидан бир баравари миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.

Транспорт воситалари ҳайдовчиларининг светофорнинг тақиқловчи сигналига ёки йўл ҳаракатини тартибга солувчининг тақиқловчи ишорасига бўйсунмасдан ўтиши, —

энг кам иш ҳақининг икки баравари миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.

Ушбу модданинг иккинчи қисмида назарда тутилган ўша ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, —

энг кам иш ҳақининг беш баравари миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.

Ушбу модданинг иккинчи қисмида назарда тутилган ўша ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо икки марта қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, —

транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан бир йил муддатга маҳрум этишга сабаб бўлади»;

4) **194-модданинг:**

номидаги «Милиция ходимининг» деган сўзлар «Ички ишлар органлари ходимининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

биринчи қисми диспозицияси қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Ички ишлар органлари ходимининг ҳуқуқбузарликни тўхтатиш, ҳужжатларни текшириш учун тақдим этиш, ички ишлар органларига бориш ёки кўрсатилган муддатда ички ишлар органларида бўлиш тўғрисидаги қонуний талабларини узрли сабабларсиз бажармаслик, транспорт воситасини тўхтатиш, жабрланувчиларга ёрдам кўрсатиш ҳақидаги қонуний талабларини бажармаслик ёхуд ички ишлар органлари ходимининг қонуний талабларига бошқача тарзда бўйсунмаслик, худди шунингдек жамоат тартибини сақлаш ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш вазифаларини амалга ошираётган бошқа шахсларнинг қонуний талабларини бажармаслик»;

5) **195-модданинг:**

номидаги «Милиция ходимларининг» деган сўзлар «Ички ишлар органлари ходимларининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин; **диспозицияси** қўйидаги тахрирда баён этилсин:

«Ички ишлар органлари ходимининг ўз вазифаларини бажариши билан боғлиқ қонуний талабларини бажармасликка омма олдида ҳар қандай шаклда даъватлар қилиш, худди шунингдек ички ишлар органлари ходимларига оммавий равишда бўйсунмасликни келтириб чиқариш мақсадида била туриб сохта уйдирмаларни тарқатиш»;

6) 196-модданинг:

номидаги «милициянинг» деган сўз «ички ишлар органларининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

диспозициясидаги «милициянинг» деган сўз «ички ишлар органларининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

7) 199-модданинг диспозициясидаги «Милиция» деган сўз «Ички ишлар органи» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

8) 242-модда биринчи қисмининг 4-бандидаги «(милиция)» деган сўз чиқариб ташлансин;

9) 245-модданинг биринчи қисмидаги «128⁴-моддасининг учинчи қисмида» деган сўзлар «128⁴-моддасининг тўртинчи қисмида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

10) 248-модда қўйидаги тахрирда баён этилсин:

«248-модда. Ички ишлар органлари

Ички ишлар органларига ушбу Кодекснинг 56¹-моддасида, 113-моддасининг биринчи, иккинчи, тўртинчи ва бешинчи қисмларида, 114, 115-моддаларида, 116-моддасининг биринчи, учинчи ва тўртинчи қисмларида, 121, 122, 123, 125-моддаларида, 125¹-моддасининг биринчи қисмида, 126-моддасида, 127-моддасининг биринчи қисмида, 128-моддасининг биринчи, иккинчи ва учинчи қисмларида, 128¹-моддасининг биринчи қисмида, 128²-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида, 128³-моддасининг биринчи, иккинчи ва учинчи қисмларида, 128⁴-моддасининг биринчи, иккинчи ва учинчи қисмларида, 128⁵-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида, 128⁶-моддасида, 129-моддасининг биринчи қисмида, 130-моддасининг биринчи қисмида, 135, 135¹-моддаларида, 136-моддасининг учинчи қисмида, 138, 139, 140, 141-моддаларида, 142-моддасининг биринчи ва учинчи қисмларида, 144, 145-моддаларида, 146-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида, 147, 156, 161, 183-моддаларида, 187-моддасининг биринчи қисмида, 192, 204, 205-моддаларида, 220-моддасининг учинчи ва тўртинчи қисмларида, 221, 223, 223¹, 223³, 224-моддаларида, 225-моддасининг иккинчи ва учинчи қисмларида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар тааллуқлидир.

Ички ишлар органлари номидан маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни қўриб чиқишга ва маъмурий жазо қўллашга қўйидагилар ҳақли:

1) ушбу Кодекснинг 56¹-моддасида, 114-моддасида, 116-моддасининг

биринчи, учинчи ва тўртинчи қисмларида, 121, 122, 123-моддаларида, 142-моддасининг биринчи ва учинчи қисмларида, 144, 145-моддаларида, 146-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида, 156, 183, 192, 204, 205-моддаларида, 220-моддасининг учинчи ва тўртинчи қисмларида, 221, 223, 223¹, 223³, 224-моддаларида, 225-моддасининг иккинчи ва учинчи қисмларида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар учун — туманлар, шаҳарлар, шаҳарлардаги туманлар ички ишлар бўлимларининг (бошқармаларининг) бошлиқлари ёки бошлиқ ўринбосарлари, шунингдек транспортда хавфсизликни таъминлаш бошқармаларининг (бўлимларининг) бошлиқлари;

2) ушбу Кодекснинг 56¹-моддасида, 113-моддасининг биринчи қисмида, 114-моддасининг биринчи қисмида, 115-моддасида, 121-моддасининг иккинчи қисмида, 122, 123, 156, 183-моддаларида, 187-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар учун — метрополитенни муҳофаза қилиш бўйича ички ишлар бўлимининг бошлиғи ёки бошлиғи ўринбосарлари;

3) ушбу Кодекс 225-моддасининг иккинчи ва учинчи қисмларида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар учун — темир йўл вокзаллари ва аэропортлардаги бўлинмаларнинг, ички ишлар органларининг миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлимларининг (бошқармаларининг) бошлиқлари ва бошлиқ ўринбосарлари;

4) ушбу Кодекснинг 56¹-моддасида, 113-моддасининг биринчи, иккинчи, тўртинчи ва бешинчи қисмларида, 122, 123-моддаларида, 127-моддасида (мақсадсиз овозли сигнал беришга доир қисмида), 161-моддасида (фуқароларга нисбатан), 187-моддасининг биринчи қисмида, 192, 221-моддаларида, 223-моддасининг биринчи қисмида, 223¹, 223³-моддаларида, 224-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар учун — ички ишлар органлари таянч пунктларининг профилактика катта инспекторлари ва инспекторлари»;

5) ушбу Кодекснинг 125-моддасида, 125¹-моддасининг биринчи қисмида, 126-моддасида, 127-моддасининг биринчи қисмида, 128-моддасининг биринчи, иккинчи ва учинчи қисмларида, 128¹-моддасининг биринчи қисмида, 128²-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида, 128³-моддасининг биринчи, иккинчи ва учинчи қисмларида, 128⁴-моддасининг биринчи, иккинчи ва учинчи қисмларида, 128⁵-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида, 128⁶-моддасида, 129-моддасининг биринчи қисмида, 130-моддасининг биринчи қисмида, 135, 135¹-моддаларида, 136-моддасининг учинчи қисмида, 138, 139, 140, 141, 147-моддаларида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар учун — йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармасининг (Бош бошқармасининг) бошлиғи, унинг ўринбосарлари, йўл-патруль хизматини ҳамда маъмурий амалиётни ташкил этиш ва мувофиқлаштириш бўлимининг бошлиғи, муҳим топшириқлар бўйича бош инспектор, инспектор (маъмурий амалиёт бўйича), маъмурий амалиёт бўлимасининг (бўлимининг) бошлиғи, маъмурий ҳуқуқбузарликлар материалларини кўриб чиқиш бўйича бош инспектор, катта инспектор (инспектор), йўл ҳаракати хавфсизлиги бўлимининг (бўлин-

масининг) бошлиғи, давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматининг катта инспектори ва йўл ҳаракати хавфсизлиги гуруҳининг маъмурий амалиёт бўйича инспектори, улар йўқлигида эса ички ишлар бўлимининг бошлиғи ёки унинг ўринбосари;

6) ушбу Кодекснинг 125-моддасида, 125¹-моддасининг биринчи қисмида, 126-моддасида, 127-моддасининг биринчи қисмида, 128-моддасининг биринчи, иккинчи ва учинчи қисмларида, 128¹-моддасининг биринчи қисмида, 128²-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида, 128³-моддасининг биринчи, иккинчи ва учинчи қисмларида, 128⁴-моддасининг биринчи, иккинчи ва учинчи қисмларида, 128⁵-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида, 128⁶-моддасида, 129-моддасининг биринчи қисмида, 130-моддасининг биринчи қисмида, 135-моддасининг биринчи қисмида, 135¹-моддасида, 138-моддасининг биринчи, иккинчи, учинчи ва тўртинчи қисмларида, 147-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар учун — йўл-патруль хизмати бригадаси (батальони, дивизиони, отряди, сафарбар гуруҳи) командири ёки командирининг ўринбосари;

7) ушбу Кодекс 125-моддасининг биринчи, иккинчи ва учинчи қисмларида, 126-моддасининг биринчи қисмида, 127-моддасининг биринчи қисмида, 128-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида, 128²-моддасининг биринчи қисмида, 128³-моддасининг биринчи, иккинчи ва учинчи қисмларида, 128⁴-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида, 135-моддасининг биринчи қисмида, 135¹-моддасининг биринчи қисмида, 138-моддасининг биринчи, иккинчи, учинчи ва тўртинчи қисмларида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар учун — йўл-патруль хизматининг катта инспектори (инспектори) ва йўл ҳаракати қоидаларига ҳамда йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашга оид бошқа норматив ҳужжатларга риоя этилиши ус-тидан назоратни амалга оширувчи бошқа ходимлар»;

11) **258-модда иккинчи қисмининг учинчи хатбошиси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги тиббиёт бошқармасининг бош санитария врачлари ва унинг ўринбосари (санитария-эпидемиология назорати бош марказининг бошлиғи), Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги тиббиёт бўлимининг бош санитария врачлари ва унинг ўринбосари (санитария-эпидемиология назорати марказининг бошлиғи), Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармаси, вилоятлар ички ишлар бошқармалари тиббиёт бўлимларининг бош санитария врачлари ҳамда уларнинг ўринбосарлари (санитария-эпидемиология назорати марказларининг бошлиқлари)»;

12) **284-модданинг:**

биринчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома тузиш мақсадида, агар баённома тузиш шарт бўлиб, уни жойнинг ўзида тузишнинг имкони бўлмаса, ички ишлар органи ходими ёки маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома тузишга ваколатли бошқа шахс ҳуқуқбузарни ички ишлар органига ёхуд фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи биносига келтириши мумкин»;

иккинчи, учинчи ва тўртинчи қисмларидаги «милицияга» ва «милиция ходимлари» деган сўзлар тегишинча «ички ишлар органларига» ва «ички ишлар органлари ходимлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

13) **290-модданинг еттинчи қисмидаги** «милиция ходимлари» деган сўзлар «ички ишлар органлари ходимлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

14) **291-модданинг:**

биринчи қисми «а» кичик бандидаги «милиция ходимининг» деган сўзлар «ички ишлар органи ходимининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

иккинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Йўл ҳаракати қоидаларини бузганлик учун жарима солиш ҳақида қарор чиқарилган кундан эътиборан олтмиш кун ичида жарима тўланмаган тақдирда, транспорт воситаси жарима солиш тўғрисида қарор чиқарган ваколатли орган раҳбарининг ёзма кўрсатмасига биноан жарима солиш тўғрисидаги қарорнинг ижроси юзасидан иш юритиш тугагунига қадар ушлаб турилади»;

15) **294-модданинг учинчи қисмидаги** «(милиция)» деган сўз чиқариб ташлансин;

16) **326-модданинг учинчи қисмидаги** «332-моддаси биринчи қисмида белгилаб қўйилган» деган сўзлар «332-моддасида белгиланган» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

17) **332-модданинг иккинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Йўл ҳаракати қоидаларини бузганлик учун солинган жаримани ҳуқуқбузар жарима солиш тўғрисидаги қарор чиқарилган кундан эътиборан олтмиш кундан кечиктирмай, бундай қарор хусусида шикоят берилган ёки протест билдирилган ҳолларда эса, шикоят ёки протест қаноатлантирилмай қолдирилганлиги тўғрисида хабар берилган кундан эътиборан ўттиз кундан кечиктирмай тўлаши керак».

11-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 21 декабрда қабул қилинган 161–I-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, 1-сонга илова; 1997 йил, № 2, 65-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 112, 124-моддалар, № 9, 229-модда; 2001 йил, № 5, 89-модда, № 9-10, 182-модда; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда; 2009 йил, № 12, 470, 471-моддалар; 2010 йил, № 12, 472-модда; 2012 йил, № 9/1, 238-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда; 2015 йил, № 8, 312-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда, № 12, 383-модда; 2017 йил, № 9, 510-модда, № 10, 605-модда; 2018 йил, № 1, 1, 4-моддалар, № 4, 224-модда, № 7, 431-модда, № 10, 677-модда; 2019 йил, № 1, 3-модда) **165-моддасидаги** «суриштирув орга-

нига, терговчи» деган сўзлар «терговга қадар текширувни амалга оширувчи органга, суриштирувчи, терговчи» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

12-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 21 декабрда қабул қилинган 163–I-сонли ва 1996 йил 29 августда қабул қилинган 256–I-сонли қонунлари билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, 2-сонга илова, № 11-12; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 9, 229-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 182-модда; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 4, 154-модда, № 9, 494, 498-моддалар; 2007 йил, № 1, 3, 5-моддалар, № 4, 156, 164-моддалар, № 8, 367-модда, № 9, 416-модда, № 12, 598, 608-моддалар; 2008 йил, № 4, 192-модда, № 12, 640-модда; 2009 йил, № 9, 337-модда; 2010 йил, № 9, 335, 337, 340-моддалар; 2011 йил, № 12/2, 363, 364, 365-моддалар; 2012 йил, № 4, 106, 109-моддалар, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 5, 130-модда, № 12, 343-модда; 2015 йил, № 8, 310, 312-моддалар; 2016 йил, № 4, 125-модда; 2017 йил, № 4, 137-модда, № 9, 510-модда; 2018 йил, № 1, 4-модда, № 4, 224-модда, № 7, 433-модда, № 10, 673-модда) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **192-модданинг:**

учинчи қисмидаги «топилма тўғрисида милицияга» деган сўзлар «топилма тўғрисида ички ишлар органига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

тўртинчи қисмидаги «сақлаш учун милиция» деган сўзлар «сақлаш учун ички ишлар органи» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **193-модданинг биринчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Агар йўқолган ашёни олишга ҳақли бўлган шахс топилма тўғрисида ички ишлар органига ёки тегишли давлат органига хабар қилинган пайдан эътиборан олти ой мобайнида аниқланмаса ҳамда ашёни топган шахсга ёхуд ички ишлар органига, тегишли давлат органига ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органига ушбу ашёга бўлган ўз ҳуқуқи тўғрисида арз қилмаса, ашёни топиб олган шахс унга эгалик ҳуқуқини олади»;

3) **195-модданинг:**

биринчи қисмидаги «милицияга» деган сўз «ички ишлар органига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

иккинчи қисмидаги «милиция» деган сўз «туман ва шаҳар ободонлаштириш бошқармалари ҳузуридаги қаровсиз ҳайвонларни тутиш бўлимлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

4) **991-модданинг:**

номидаги «Суриштирув» деган сўз «**Терговга қадар текширувни амалга оширувчи органлар, суриштирув**» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

биринчи қисмидаги «суриштирув» деган сўз «терговга қадар текши-

рувни амалга оширувчи органлар, суриштирув» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

иккинчи қисмидаги «Суриштирув» деган сўз «Терговга қадар текширувни амалга оширувчи органлар, суриштирув» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

5) **1001-модданинг учинчи қисмидаги** «Суриштирув» деган сўз «Терговга қадар текширувни амалга оширувчи органлар, суриштирув» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

6) **1061-модданинг:**

номидаги «суриштирув» деган сўз «**терговга қадар текширув, суриштирув**» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

матнидаги «суриштирув» деган сўз «терговга қадар текширув, суриштирув» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

13-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 29 августда қабул қилинган «**Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида**»ги 265–I-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 9, 128-модда; 1999 йил, № 5, 124-модда; 2001 йил, № 5, 89-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 10, 536-модда; 2007 йил, № 10, 473-модда; 2010 йил, № 5, 177-модда; 2016 йил, № 12, 383-модда; 2017 йил, № 6, 300-модда; 2018 йил, № 1, 1-модда) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **30-модданинг бешинчи қисмидаги** «Милиция» деган сўз «Ички ишлар органлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **39-модданинг биринчи қисмидаги** «суриштирув ўтказётган шахс» деган сўзлар «терговга қадар текширувни амалга оширувчи органнинг мансабдор шахси, суриштирувчи» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3) **45-модда учинчи қисмининг тўртинчи хатбошиси** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«терговга қадар текширувни амалга оширувчи органларнинг, суриштирув, тергов органларининг, прокуратуранинг ва суднинг ишни судга қадар юритиш ёки суд текшируви ўтказилиши муносабати билан сўрови бўйича».

14-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 27 декабрда қабул қилинган «**Адвокатура тўғрисида**»ги 349–I-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, № 2, 48-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда; 2008 йил, № 12, 641-модда; 2009 йил, № 9, 337-модда; 2018 йил, № 10, 673-модда; 2019 йил, № 1, 3-модда) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **7-модданинг иккинчи қисмидаги** «ишни дастлабки тергов қилишда» деган сўзлар «ишни суриштирув ёки дастлабки тергов шаклида тергов қилишда» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **8-модданинг учинчи қисмидаги** «суриштирув, дастлабки тер-

гов органларида» деган сўзлар «терговга қадар текширувни амалга оширувчи органларда, суриштирув, дастлабки тергов органларида» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

15-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 25 апрелда қабул қилинган 409–I-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-ижроия кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, № 6, 175-модда; 2003 йил, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 6, 248-модда, № 9, 422-модда, № 12, 595-модда; 2008 йил, № 4, 187-модда, № 12, 636, 641-моддалар; 2009 йил, № 4, 136-модда, № 12, 470-модда; 2010 йил, № 9, 334-модда; 2012 йил, № 9/1, 238-модда; 2014 йил, № 9, 244-модда; 2015 йил, № 8, 310-модда; 2017 йил, № 3, 47-модда, № 10, 605-модда) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **18-модданинг иккинчи қисми** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Шикоятларни кўриб чиқиш, шунингдек фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилганлиги ҳолларини ўз ташаббуси билан текшириш чоғида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил жазони ижро этиш муассасаларига монеликсиз кириш ҳуқуқига эга»;

2) **76-модда** қуйидаги мазмундаги **тўққизинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинганларга ҳимояланган алоқа каналлари бўйича видеоконференция тизими орқали масофали видео-учрашув берилиши мумкин»;

тўққизинчи қисми ўнинчи қисм деб ҳисоблансин;

3) **79-модда:**

иккинчи қисмидаги «шунингдек Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) номига жўнатиладиган хатлар ва бошқа жўнатмалар» деган сўзлар чиқариб ташлансин; қуйидаги мазмундаги **бешинчи** ва **олтинчи қисмлар** билан тўлдирилсин:

«Маҳкумларнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилининг (омбудсманнинг) ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакилнинг номига юборилган мурожаатлари муассаса маъмурияти томонидан кўздан кечирилиши мумкин эмас ҳамда йигирма тўрт соатдан кечиктирмай тегишли вакилга юборилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя

қилиш бўйича вакилнинг жавоби кўздан кечирилиши мумкин эмас ҳамда аризага дархол етказиб берилади»;

бешинчи ва олтинчи қисмлари тегишинча **еттинчи ва саккизинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

4) **88-модданинг учинчи қисмидаги** «шу муассасаларнинг» деган сўзлар «жазони ижро этиш муассасалари ва улар ташкилотларининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

5) **113-модда учинчи қисмининг тўртинчи хатбошиси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«ёпиқ турдаги тиббиёт муассасаларида махсус даволаниш талаб этиладиган юкумли касалликларга чалинган беморлар».

16-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 29 августда қабул қилинган «**Давлат солиқ хизмати тўғрисида**»ги 474–I-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, № 9, 232-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда; 1999 йил, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 7-8, 217-модда; 2001 йил, № 5, 89-модда, № 9-10, 182-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда; 2004 йил, № 9, 171-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 5, 152-модда, № 9, 312-модда, № 12, 415-модда; 2006 йил, № 10, 536-модда; 2007 йил, № 12, 608-модда; 2008 йил, № 12, 640-модда; 2009 йил, № 12, 474-модда; 2010 йил, № 9, 336-модда; 2012 йил, № 4, 105-модда; 2014 йил, № 9, 244-модда; 2015 йил, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 12, 385-модда; 2017 йил, № 6, 300-модда, № 12, 773-модда; 2018 йил, № 1, 1, 4-моддалар; 2019 йил, № 1, 1, 5-моддалар) **5-моддаси биринчи қисмининг 17-бандидаги** «ҳамда суриштирув ўтказиб» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

17-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 25 декабрда қабул қилинган «**Реклама тўғрисида**»ги 723–I-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, № 1, 14-модда; 2002 йил, № 9, 164-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 12, 413-модда; 2006 йил, № 4, 154-модда, № 10, 536-модда; 2008 йил, № 4, 186-модда; 2010 йил, № 9, 339-модда, № 10, 380-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда; 2018 йил, № 1, 1-модда, № 4, 224-модда; 2019 йил, № 1, 3-модда) **19-моддасининг тўртинчи қисмидаги** «Милиция» деган сўз «Ички ишлар органлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

18-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 15 апрелда қабул қилинган «**Темир йўл транспорти тўғрисида**»ги 766–I-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, № 5, 118-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 4, 157-модда; 2011 йил, № 9, 246-модда;

2015 йил, № 6, 228-модда) **22-моддасининг тўртинчи қисмидаги** «Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг ички қўшинлари бўлинмалари» деган сўзлар «ички ишлар органларининг транспортда хавфсизликни таъминлаш бўлинмалари» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

19-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 19 августда қабул қилинган «**Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида**»ги 813–I-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, № 9, 210-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 10, 536-модда; 2015 йил, № 8, 312-модда; 2017 йил, № 4, 138-модда, № 6, 300-модда; 2018 йил, № 10, 679-модда) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **35-модданинг учинчи қисмидаги** «суриштирув» деган сўз «терговга қадар текширувни амалга оширувчи органлар, суриштирув» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **42-модданинг иккинчи қисмидаги** «Суриштирув» деган сўз «Терговга қадар текширувни амалга оширувчи органлар, суриштирув» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

20-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 20 августда қабул қилинган «**Телекоммуникациялар тўғрисида**»ги 822–I-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, № 9, 219-модда; 2004 йил, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 311-модда; 2006 йил, № 4, 157-модда; 2007 йил, № 9, 414-модда; 2011 йил, № 12/2, 366-модда; 2012 йил, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда) **14-моддасининг учинчи қисмидаги** «милиция» деган сўз «ички ишлар органлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

21-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 августда қабул қилинган «**Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида**»ги 258–II-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, № 9–10, 169-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 8, 367-модда, № 12, 598-модда; 2008 йил, № 4, 184, 187-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда; 2010 йил, № 9, 337, 340-моддалар; 2012 йил, № 12, 336-модда; 2014 йил, № 5, 130-модда; 2015 йил, № 8, 312-модда, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 9, 276-модда; 2017 йил, № 9, 510-модда; 2018 йил, № 1, 1, 4, 5-моддалар) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **15-модданинг иккинчи қисми** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Судьялар, прокурорлар, терговчилар, суриштирувчилар, терговга қадар текширувни амалга оширувчи органларнинг мансабдор шахслари, давлат ижрочилари ва суд аппарати ходимлари ижро ишини юритишда вакиллик қилиши мумкин эмас. Бу қоида мазкур шахслар ижро ишини юритишда

тегишли суднинг, прокуратура, тергов, суриштирув органининг ва терговга қадар текширувни амалга оширувчи органнинг ваколатли вакили ёки қонуний вакил сифатида иштирок этадиган ҳолларга нисбатан татбиқ этилмайди»;

2) **42¹-модданинг иккинчи қисмидаги** «ички ишлар органларининг кириш, чиқиш ва фуқаролик бўлимига (бошқармасига)» деган сўзлар «ички ишлар органларининг миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлимига (бошқармасига)» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

22-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2006 йил 20 июлда қабул қилинган «**Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида**»ги ЎРҚ–42-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 7, 372-модда; 2011 йил, № 12/2, 363-модда; 2012 йил, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 10, 263-модда; 2018 йил, № 4, 224-модда) **30-моддасига** қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

номидаги «суриштирув» деган сўз «**терговга қадар текширув, суриштирув**» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

матнидаги «суриштирув» деган сўз «**терговга қадар текширув, суриштирув**» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

23-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2006 йил 6 декабрда қабул қилинган «**Ўзбекистон Республикаси ички ишлар идоралари ходимлари кунини белгилаш тўғрисида**»ги ЎРҚ–65-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 12, 651-модда) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **номидаги «ички ишлар идоралари ходимлари»** деган сўзлар «**ички ишлар органлари ходимлари**» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **1-моддадаги** «Ички ишлар идоралари ходимлари» деган сўзлар «Ички ишлар органлари ходимлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

24-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 17 апрелда қабул қилинган «**Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида**»ги ЎРҚ–154-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2008 йил, № 4, 190-модда; 2017 йил, № 9, 510-модда) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **7-модда:**

биринчи қисмининг иккинчи хатбошисидаги «суриштирув» деган сўз «**терговга қадар текширув**» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

иккинчи қисмининг учинчи хатбошисидаги «суриштирув» деган сўз «**терговга қадар текширув**» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **12-модданинг:**

биринчи қисмидаги «Суриштирувчи» деган сўз «**Терговга қадар текширувни амалга оширувчи органнинг мансабдор шахси**» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

иккинчи қисмидаги «суриштирувчининг» деган сўз «терговга қадар текширувни амалга оширувчи орган мансабдор шахсининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

учинчи қисми иккинчи хатбошисидаги «суриштирув» деган сўз «терговга қадар текширув» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

25-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 1 июнда қабул қилинган «**Суд экспертизаси тўғрисида**»ги ЎРҚ–249-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотнома-си, 2010 йил, № 6, 230-модда; 2016 йил, № 9, 276-модда; 2017 йил, № 9, 510-модда) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **10-модданинг олтинчи қисмидаги** «Суриштирув, дастлабки тергов органлари» деган сўзлар «Терговга қадар текширувни амалга оширувчи органлар, суриштирув, дастлабки тергов органлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **14-модда биринчи қисмининг тўртинчи хатбошиси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«била туриб нотўғри хулоса берганлиги, терговга қадар текширув, суриштирув ёки дастлабки тергов маълумотларини терговга қадар текширувни амалга оширувчи орган мансабдор шахсининг, суриштирувчининг, терговчининг ёхуд прокурорнинг рухсатисиз ошкор қилганлиги, шунингдек хулоса беришни рад этганлиги ёки бу ишдан бўйин товлаганлиги учун жиноий жавобгарлик тўғрисида суд экспертини огоҳлантириши, ундан тегишли тилхат олиши ва мазкур тилхатни суд экспертизасини тайинлаган органга (шахсга) хулоса билан бирга юбориши»;

3) **17-модданинг биринчи қисмидаги** «Суриштирувчининг» деган сўз «Терговга қадар текширувни амалга оширувчи орган мансабдор шахсининг, суриштирувчининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

4) **23-модда иккинчи қисмининг олтинчи хатбошиси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«била туриб нотўғри хулоса берганлиги, терговга қадар текширув, суриштирув ёки дастлабки тергов маълумотларини терговга қадар текширувни амалга оширувчи орган мансабдор шахсининг, суриштирувчининг, терговчининг ёхуд прокурорнинг рухсатисиз ошкор қилганлиги, шунингдек хулоса беришни рад этганлиги ёки бу ишдан бўйин товлаганлиги учун суд эксперти жиноий жавобгарлик тўғрисида огоҳлантирилганлиги».

26-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 29 сентябрда қабул қилинган «**Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида**»ги ЎРҚ–263-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотнома-си, 2010 йил, № 9, 343-модда; 2016 йил, № 12, 383-модда; 2017 йил, № 9, 510-модда; 2018 йил, № 7, 431-модда) **21-моддасининг тўртинчи хатбошисидаги** «суриштирувчи» деган сўз «терговга қадар текширувни амалга оширувчи органнинг мансабдор шахси, суриштирувчи» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

27-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 29 сентябрда қабул қилинган «**Жиноят ишени юритиш чоғида қамокда сақлаш тўғрисида**»ги ЎРҚ–298-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2011 йил, № 9, 251-модда; 2012 йил, № 9/1, 238-модда) қуйидаги ўзгартишлар ва қўшимча киритилсин:

1) 19-модда:

учинчи қисмидаги «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) ёки қамокда сақлаш жойларини текшириш ҳуқуқига эга бўлган бошқа давлат органлари номига» деган сўзлар «ёки қамокда сақлаш жойларини текшириш ҳуқуқига эга бўлган давлат органлари номига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги **тўртинчи** ва **бешинчи қисмлар** билан тўлдирилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилининг (омбудсманнинг) ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакилнинг номига юборилган шикоятлар муассаса маъмурияти томонидан кўздан кечирилиши мумкин эмас ҳамда олувчига йигирма тўрт соатдан кечиктирмай юборилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилининг (омбудсманнинг) ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакилнинг жавоби муассаса маъмурияти томонидан кўздан кечирилиши мумкин эмас ва аризага дархол етказиб берилади»;

тўртинчи — еттинчи қисмлари тегишинча **олтинчи — тўққизинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

олтинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Терговга қадар текширувни амалга оширувчи орган мансабдор шахсининг, суриштирувчининг ёки терговчининг ҳаракатлари ва қарорлари устидан берилган шикоятлар берилган кундан кейинги иш кунидан кечиктирмай қамокда сақлаш жойи маъмурияти томонидан терговга қадар текширувни амалга оширувчи органга, суриштирув органига, тергов органининг бошлиғига ёхуд прокурорга, прокурорнинг ҳаракатлари ва қарорлари устидан берилган шикоятлар эса юқори турувчи прокурорга юборилди ёки топширилади»;

2) 23-модда қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«23-модда. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилининг (омбудсманнинг) ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакилнинг қамокда сақлаш жойларига бориши

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича

вакили (омбудсман) ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил қамокда сақлаш жойларига монеликсиз кириш, шунингдек ушлаб турилган ёки қамокқа олинган шахс билан учрашиш ва суҳбатлар ўтказиш ҳуқуқига эга.

Қамокда сақлаш жойининг маъмурияти Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилига (омбудсманга) ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакилга ушлаб турилганлар ва қамокқа олинганлар билан монеликсиз ва холи учрашиш ҳамда суҳбатлашиш учун зарур шарт-шароитларни таъминлаши шарт.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилининг (омбудсманнинг) ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакилнинг ушлаб турилганлар ва қамокқа олинганлар билан учрашувлари ва суҳбатлари қамокда сақлаш жойи ходимлари уларни кўриб турадиган, лекин эшитмайдиган шароитларда холи ўтказилади»;

3) **33-модданинг биринчи қисмидаги** «айблов хулосаларининг» деган сўзлар «айблов хулосаларининг ва айблов далолатномаларининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

28-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 23 сентябрда қабул қилинган **«Одамнинг иммунитет танқислиги вируси келтириб чиқарадиган касаллик (ОИВ инфекцияси) тарқалишига қарши курашиш тўғрисида»**ги ЎРҚ–353-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2013 йил, № 9, 239-модда; 2016 йил, № 12, 383-модда; 2018 йил, № 1, 1-модда) **16-моддасидаги** «суриштирувчининг» деган сўз «терговга қадар текширувни амалга оширувчи орган мансабдор шахсининг, суриштирувчининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

29-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майда қабул қилинган **«Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»**ги ЎРҚ–371-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2014 йил, № 5, 129-модда; 2015 йил, № 8, 310-модда; 2016 йил, № 12, 383-модда; 2017 йил, № 9, 510-модда; 2018 йил, № 1, 1-модда; 2019 йил, № 1, 5-модда) **20-моддаси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«20-модда. Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш бўйича идоралараро комиссиялар

Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш бўйича идоралараро комиссиялар ўз ваколатлари доирасида:

қонунийликни ва ҳуқуқ-тартиботни, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, юридик шахсларнинг, жамият ва давлатнинг қонун билан қўриқладиган манфаатларини ҳуқуқбузарликлардан ҳимоя қилишни таъминлашни;

ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасидаги давлат дастурлари ва бошқа дастурлар ишлаб чиқилишини ҳамда амалга оширилишини, шунингдек уларнинг ижроси устидан назоратни ташкил этишни;

ваколатли органлар ва муассасаларнинг фаолияти самарадорлигини, яқин ҳамкорлигини ва уюшган ҳолда ишлашини таъминлаш мақсадида уларнинг фаолиятини мувофиқлаштиришни;

ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш бўйича кўрилатган чораларни баҳолашни, мониторинг қилишни ва уларнинг самарадорлигини оширишни;

жиноятларни фош этиш, тергов қилиш, уларнинг олдини олиш ва уларга барҳам бериш амалиётини ўрганишни;

жиноятларнинг фош этилишини ҳамда суриштирув, тергов органларидан ва суддан яширинган шахсларнинг қидирувини таъминлаш мақсадида тезкор-қидирув ва профилактика тадбирлари самарадорлигини оширишни;

тизимли камчиликлар юзага келишига имкон бераётган сабаблар ва шарт-шароитларни аниқлашни, таҳлил қилишни ҳамда уларни ҳуқуқни қўллаш амалиёти ва қонун ҳужжатларини такомиллаштириш йўли билан бартараф этишни;

органлар ва муассасаларнинг ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва уларга барҳам бериш борасидаги ҳамкорлигини яхшилаш, шунингдек ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиш сабаблари ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш юзасидан чораларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишни;

ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашишга доир ахборотни тўплашни, сақлашни, уларга ишлов беришни, уларни таҳлил қилишни, шунингдек тегишли органлар ва муассасалар фаолияти самарадорлигини ошириш мақсадида ушбу ахборотдан фойдаланишни амалга оширади.

Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш бўйича идоралараро комиссиялар қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш бўйича идоралараро комиссияларнинг фаолиятини ташкил этиш тартиби қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланади».

30-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 20 январда қабул қилинган ЎРҚ–400-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2016 йил, 1-сонга илова; 2017 йил, № 9, 510-модда; 2018 йил, № 4, 224-модда, № 7, 433-модда, № 10, 670-модда; 2019 йил, № 1, 5-модда) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **215-модда биринчи қисмининг учинчи хатбошисидаги** «суриштирувчининг» деган сўз «терговга қадар текширувни амалга оширувчи орган мансабдор шахсининг, суриштирувчининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **242-модданинг биринчи қисмидаги** «суриштирув ўтказади» деган сўзлар «терговга қадар текширув ўтказади» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

31-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 16 сентябрда қабул қилинган «**Ички ишлар органлари тўғрисида**»ги ЎРҚ–407-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2016 йил, № 9, 272-модда; 2017 йил, № 6, 300-модда, № 9, 510-модда) қўйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **4-модданинг:**

тўртинчи хатбошисидаги «тезкор-қидирув фаолиятини» деган сўзлар «терговга қадар текширувни, тезкор-қидирув фаолиятини» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

еттинчи хатбошисидаги «шахсларни қидириш» деган сўзлар «шахсларни қидириш бўйича ишларни ташкил этиш» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **13-модданинг:**

биринчи қисми қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ички ишлар органларининг тизими Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармаси, вилоятлар ички ишлар бошқармалари, туманлар ва шаҳарлар ички ишлар бошқармалари (бўлимлари), транспортда хавфсизликни таъминлаш бошқармалари (бўлимлари), жазони ижро этиш муассасалари, ички ишлар органларининг ўта муҳим ва тоифаланган объектлардаги бўлинмалари, шаҳарча ички ишлар бўлинмалари ва ички ишлар органларининг таянч пунктлари, шунингдек таълим ва тиббиёт муассасалари, ички ишлар органлари зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун ташкил этиладиган бошқа бўлинмалар ва ташкилотлардан иборатдир»;

иккинчи қисми «қоровул қўшинлари» деган сўзлардан кейин «ҳамда халқаро аэропортларда хавфсизликни таъминлаш бўйича қўшинлар» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

3) **14-модданинг тўртинчи ва бешинчи қисмлари** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Вилоятлар ички ишлар бошқармаларининг бошлиқлари Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод этилади.

Туманлар ва шаҳарлар ички ишлар бошқармаларининг (бўлимларининг) бошлиқлари Қорақалпоғистон Республикаси ички ишлар вазирининг, Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг ўринбосари — Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармаси бошлиғининг, вилоятлар ички ишлар бош-

қармалари бошлиқларининг тақдимномалари бўйича Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод этилади»;

4) 16-модда биринчи қисмининг:

ўнинчи хатбошисидаги «суриштирув ва тергов органларига» деган сўзлар «терговга қадар текширувни амалга оширувчи органларга, суриштирув ва тергов органларига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

ўн тўртинчи хатбошисидаги «ва суриштирувчининг» деган сўзлар «суриштирувчининг ва терговга қадар текширувни амалга оширувчи орган мансабдор шахсининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

йигирманчи хатбошисидаги «ахлоқ тузатиш ишлари, қамоқ» деган сўзлар «мажбурий жамоат ишлари, ахлоқ тузатиш ишлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

йигирма учинчи хатбошисидаги «ёки қамоққа олишга» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

5) 17-модда биринчи қисмининг йигирма биринчи хатбошисидаги «суриштирув, тергов органларидан» деган сўзлар «терговга қадар текширувни амалга оширувчи органлардан, суриштирув, тергов органларидан» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

6) 26-модданинг:

биринчи қисмидаги «Ёши ўн саккиздан кичик ва ўттиздан катта бўлмаган» деган сўзлар «Ўн саккиздан ўттиз ёшгача, шу жумладан ўттиз ёшдаги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

тўққизинчи қисми қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб топилган, хизматни ўташга тўсқинлик қиладиган касаллиги ёки жисмоний нуқсонлари бўлган, бошқа давлат органларидан салбий сабабларга кўра бўшатишган фуқаролар, шунингдек содир этган жинояти учун қўлланилган жазо туридан, судланганлик ҳолати тугалланганлигидан ёки олиб ташланганлигидан ва амнистия акти қўлланилганлигидан қатъи назар муқаддам судланган фуқаролар ички ишлар органларига хизматга қабул қилиниши мумкин эмас»;

7) 30-модданинг:

ўн биринчи ва **ўн иккинчи қисмлари** қуйидаги мазмундаги **ўн биринчи қисм** билан алмаштирилсин:

«Ички ишлар органларида хизматда бўлишнинг чекланган ёши сафдорлар ва сержантлар таркиби ходимлари учун эллик ёшни, офицерлар таркиби учун — эллик беш ёшни, генераллар таркиби учун — олтмиш ёшни, аёлларга эса (мавжуд унвонидан қатъи назар) — эллик ёшни ташкил этади»;

ўн учинчи — **ўн еттинчи қисмлари** тегишинча **ўн иккинчи** — **ўн олтинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

ўн учинчи қисми қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Юксак касбий тайёргарликка, эгаллаб турган лавозимида иш тажрибасига эга бўлган ва соғлигининг ҳолатига кўра хизматни ўташга яроқли

ходимларнинг хизмат муддати Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирлиги томонидан белгиланган тартибда ушбу ходимларнинг розилиги билан беш йилгача, бошлиқлар таркибидаги, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги таълим муассасаларида профессор-ўқитувчилик лавозимларини эгаллаб турган ва илмий даражага эга бўлган шахсларнинг хизмат муддати эса ўн йилгача бўлган муддатга узайтирилиши мумкин»;

8) **31-модданинг иккинчи қисми** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Ички ишлар органлари учун профессионал кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, ходимларнинг малакасини ошириш, қоида тариқасида, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги таълим муассасалари томонидан амалга оширилади, бундан ушбу муассасаларда ўқитилмайдиган ихтисосликлар мустасно»;

9) **32-модда биринчи қисмининг:**

иккинчи хатбошиси «ўзининг хоҳиши» деган сўзлардан кейин «(пенсия олиш ҳуқуқини берадиган хизмат муддатини ўтамаганларга) — ходимнинг билдиргиси асосида» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

тўртинчи хатбошиси қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«пенсия олиш ҳуқуқини берадиган хизмат муддатини ўтаганлиги — ходимнинг билдиргиси асосида»;

олтинчи хатбошисидаги «ички ишлар органларидаги» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

саккизинчи хатбошиси қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«дастлабки синов муддати давомида хизматга яроқсизлиги»;

ўн иккинчи хатбошиси қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«содир этган жинояти учун суднинг ҳукми, ажрими, қарори қонуний кучга кирганлиги»;

ўн учинчи хатбошисидаги «ички ишлар органи ходимида» деган сўзлар «ходимда» деган сўз билан алмаштирилсин;

ўн тўртинчи хатбошиси қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«бошқа турдаги давлат хизматига ўтганлиги (кадрларнинг амалдаги захирасига киритилмаган ҳолда)»;

10) қуйидаги мазмундаги **34¹-модда** билан тўлдирилсин:

«34¹-модда. Ички ишлар органлари тергов бўлинмалари ходимларининг дахлсизлиги

Ички ишлар органларининг тергов бўлинмалари суриштирувчиларига, терговчиларига ва раҳбарларига нисбатан жиноят ишлари Қорақалпоғистон Республикаси прокурори, Тошкент шаҳар, вилоятлар прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорлар томонидан, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳузуридаги Тергов департаментининг терговчиларига, бўлинмалари раҳбарларига ва бошлиғига нисбатан эса Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ёки унинг ўринбосарлари томонидан қўзғатилади».

32-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 3 январда қабул қилинган «**Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида**»ги ЎРҚ-419-сонли

Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2017 йил, № 1, 1-модда; 2019 йил, № 1, 5-модда) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **9-модда биринчи қисмининг тўртинчи хатбошисидаги** «суриштирувни» деган сўз «терговга қадар текширувни, суриштирувни» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **10-модда биринчи қисмининг учинчи хатбошисидаги** «суриштирувни» деган сўз «терговга қадар текширувни» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3) **11-модда биринчи қисмининг учинчи хатбошисидаги** «суриштирувни» деган сўз «терговга қадар текширувни, суриштирувни» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

33-модда. Қуйидагилар ўз кучини йўқотган деб топилсин:

1) Ўзбекистон Республикасининг 1990 йил 31 октябрда қабул қилинган «**Милиция ходимларини ижтимоий ва ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилишни кучайтириш тўғрисида**»ги 136–ХII-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1990 йил, № 31–33, 355-модда);

2) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1995 йил 6 майда қабул қилинган «**Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида**»ги 73–I-сонли Қарорининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 6, 121-модда) 230-банди.

34-модда. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Бош прокуратураси, Адлия вазирлиги манфаатдор ташкилотлар билан биргаликда ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

35-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин;

давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

36-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2019 йил 23 май,
ЎРҚ–542-сон

ИККИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

386 Ўзбекистон Республикасида заргарлик тармоғини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида*

Мамлакатда маҳаллий заргарлик тармоғини тиклаш ва ривожлантириш бўйича изчил саъй-ҳаракатлар амалга оширилмоқда. Ишлаб чиқарувчиларга қимматбаҳо металлдан фойдаланиш имкониятининг берилиши ишлаб чиқарилаётган маҳаллий заргарлик маҳсулотлари ҳажмини кенгайтириш имконини яратди.

Шу билан бирга, соҳада тизимли камчиликларнинг мавжудлиги инвестицияларни фаол жалб қилиш, сифатли заргарлик маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича фаолият юритаётган қувватларни модернизация қилиш ва янгиларини ташкил этиш, ушбу маҳсулотлар экспортини кенгайтиришга тўсқинлик қилиб, тармоқ ривожига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Сифатли ва рақобатбардош заргарлик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш, тармоққа чет эл инвестицияларини фаол жалб этиш, рақобатбардош ва сифатли заргарлик буюмларини тайёрлашда маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, шунингдек республика заргарлик тармоғини жадал ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси ва «Ўзбекзаргарсаноати» уюшмасининг 2019 йил 1 июлдан бошлаб қўйидаги тартибни жорий этиш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин:

заргарлик буюмлари ишлаб чиқариш учун лицензияга эга бўлган маҳаллий ишлаб чиқарувчиларга ишлаб чиқарувчининг рўйхатдан ўтказилган шахсий тамғасини буюмга босиш шarti билан давлат асиллик даражаси белгисини мажбурий равишда қўймасдан ўзи ишлаб чиқарган, заргарлик ҳамда қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлардан ясалган бошқа буюмларнинг (кейинги ўринларда — заргарлик буюмлари) асиллик даражасини мустақил белгилаш ва уларга белгиланган намунадаги асиллик даражаси белгиси изларини қўйиш ҳуқуқи берилсин.

Бунда тамғалаш ва асиллик даражаси белгисини қўйиш тартибини бузган ҳамда кўрсатилган намунага мувофиқ келмайдиган заргарлик буюмларини сотувчи маҳаллий ишлаб чиқарувчилар заргарлик тармоғидаги ноҳалол тадбиркорлик субъектлари реестрига киритилади, уларга нисбатан

* Ушбу Фармон «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 20 майда эълон қилинган.

қонун ҳужжатларида белгиланган, шу жумладан лицензия ёки рухсат берувчи бошқа ҳужжатнинг амал қилишини тўхтатиш бўйича таъсир чоралари қўлланилади;

заргарлик буюмлари ишлаб чиқариш учун лицензияга эга бўлган якка тартибдаги тадбиркорлар ўзлари ишлаб чиқарган маҳсулотни мустақил равишда чакана тартибда сотиш, шунингдек, аҳолидан қимматбаҳо металл парчалари, қимматбаҳо тошлар ва улардан ясалган буюмларни ишлаб чиқариш мақсадларида сотиб олиш ҳуқуқига эга;

устав фондида давлат улуши бўлмаган ёки давлат улуши 50 фоиздан кам бўлган юридик шахслар, шунингдек, якка тартибдаги тадбиркорлар ишлаб чиқаришда қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошларни сарфлаш, ҳисобини юритиш ва сақлаш тартибини мустақил равишда белгилайдилар;

жисмоний шахсларга қиймати 5 000 (беш минг) АҚШ долларидан ортиқ бўлган тайёр заргарлик буюмларини йўловчи божхона декларациясини тўлдирган ҳолда Ўзбекистон Республикасидан ташқарига олиб чиқишга рухсат берилади;

заргарлик буюмларининг чакана савдоси айрим турдаги товарлар билан чакана савдо қилиш ҳуқуқи учун йиғим объекти ҳисобланмайди;

тадбиркорлик субъектлари олтин изловчилик фаолияти доирасида заргарлик буюмлари ишлаб чиқарувчиларни таъминлаш учун қимматбаҳо ва ярим қимматбаҳо тошларни қазиб олиши мумкин;

заргарлик буюмлари ишлаб чиқариш учун лицензияга эга бўлган якка тартибдаги тадбиркорлар «Ўзбекзаргарсаноати» уюшмасида ихтиёрий асосда ягона ташкилотга бирлашиш орқали иштирок этган тақдирда, уларга нисбатан қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳуқуқ ва мажбуриятлар, шунингдек, уюшма аъзоларининг имтиёз ва преференциялари татбиқ этилади.

2. Тижорат банклари ва заргарлик буюмлари ишлаб чиқарувчиларга қуйидаги ҳуқуқлар берилсин:

«Навой КМК» ДК ва «Олмалиқ КМК» АЖдан қимматбаҳо металлларни (олтин ва кумуш) ўлчов пластиналари кўринишида, шунингдек, 5 грамм ва ундан ортиқ бўлган оғирликдаги гранулаларни (қимматбаҳо металллар соф оғирлигига қайта ҳисоблаганда) Лондон қимматбаҳо металл биржасининг тонгги фиксинги асосида миллий валютада сотиб олиш;

сотиб олинган қимматбаҳо металлларни бошқа заргарлик буюмлари ишлаб чиқарувчиларига сотиш.

«Ўзстандарт» агентлиги «Ўзбекзаргарсаноати» уюшмаси, «Навой КМК» ДК ва «Олмалиқ КМК» АЖ билан биргаликда бир ой муддатда мазкур бандни амалга ошириш имкониятини таъминлашни инобатга олган ҳолда Қимматбаҳо металллар (олтин ва кумуш) ўлчов пластиналари ҳамда гранулаларининг давлат стандартини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

3. 2019 йил 1 июндан бошлаб қимматбаҳо металлларни сотиб олиш учун берилган миллий валютадаги тижорат банклари кредитлари бўйича фоиз харажатларини Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қайта молиялаштириш ставкасидан ошадиган, бироқ кредитлар бўйича 5 фоизлик

пунктдан ортиқ бўлмаган қисмида қоплаш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси томонидан компенсация қилиш орқали маҳаллий заргарлик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш механизми жорий этилсин.

Молия вазирлиги заруратга қараб, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш давлат жамғармасига мазкур бандда кўрсатилган мақсадлар учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағларидан 2019-2020 йилларда 40 миллиард сўмгача миқдорда маблағ ажратсин.

4. Ўзбекистон Банклар ассоциацияси тижорат банклари билан биргаликда заргарлик буюмлари ишлаб чиқарувчилар қимматбаҳо металлларни сотиб олиши учун қисқа муддатли револьвер (қайта тикланувчи) кредитларни ажратиш амалиётини кенгайтирсин.

5. 2022 йилнинг 1 июлига қадар:

қимматбаҳо металллар ва маҳаллий заргарлик буюмларини ишлаб чиқариш ва реализация қилиш обороти қўшилган қиймат ва акциз солиғидан;

белгиланган тартибда шакллантириладиган рўйхатлар бўйича Ўзбекистон Республикасига олиб кириладиган қимматбаҳо ва ярим қимматбаҳо тошлар божхона тўловларидан (божхона йиғимлари бундан мустасно) озод қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — молия вазири Ж.А. Қўчқоров янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси лойиҳасига мазкур бандда назарда тутилган солиқ имтиёзларини киритсин.

6. 2019 йил 1 июлдан бошлаб навбатдаги йилга Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрлари шакллантирилаётганда миқдорини ҳар йили индексация қилган ҳолда, олтидан ясалган заргарлик буюмларини чакана савдода сотганлик учун 1 граммга 1 000 (бир минг) сўм миқдоридан йиғим жорий этилсин.

7. 2019 — 2023 йилларда Ўзбекистон Республикасида заргарлик тармоғини ривожлантириш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури 1-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

8. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, «Ўзбекзаргарсаноати» уюшмаси билан биргаликда 2020 йилнинг охирига қадар тадбиркорлик субъектлари иштирокида ҳар бир ҳудудда камида иккита, Тошкент шаҳрида эса — камида ўн та тайёр заргарлик буюмларини ишлаб чиқаришдан сотишгача бўлган тўлиқ жараёни ўз ичига олувчи замонавий заргарлик савдо-ишлаб чиқариш марказларини ташкил этсин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси икки ой муддатда аниқ ташаббускорлар, жойлаштириш манзили, молиялаштириш манбалари, зар-

* 1-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

гарлик буюмларини ишлаб чиқариш (сотиш) ҳажмларини кўрсатган ҳолда замонавий заргарлик савдо-ишлаб чиқариш марказларини ташкил этиш жадвалини тасдиқлаш, шунингдек мазкур марказларни ташкил этиш бўйича бошқа зарур ташкилий чора-тадбирларни назарда тутувчи ҳукумат қарорини қабул қилсин.

Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги бир ой муддатда 2-иловага* мувофиқ заргарлик савдо-ишлаб чиқариш марказлари фаолиятини ташкил этиш учун объектларни «Ўзбекзаргарсаноати» уюшмасига топширсин.

9. «Ўзбекзаргарсаноати» уюшмаси, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги ҳамда Молия вазирлигининг «Ўзбекзаргарсаноати» уюшмаси қошида юридик шахс ташкил этмаган ҳолда Заргарлик тармоғини ривожлантириш жамғармасини (кейинги ўринларда — Жамғарма) ташкил этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

10. Қўйидагилар Жамғарма маблағларини шакллантириш манбалари этиб белгилансин:

2019 йилда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 5 миллиард сўм миқдоридagi маблағлари, 2020-2021 йилларда эса Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети шакллантириладиганда олтидан ясалган заргарлик буюмларини чакана савдода сотганлик учун йиғимнинг 50 фоизидан кам бўлмаган миқдори тушиши ҳисобига зарур маблағларни назарда тутиш;

халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотларининг грантлари;

қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

11. Белгилансинки, Жамғарманинг маблағларидан қўйидагилар учун фойдаланилади:

заргарлик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларни ҳар томонлама, шу жумладан истиқболли инвестиция лойиҳаларининг лойиҳаолди ва лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқишни молиялаштириш орқали қўллаб-қувватлаш;

истеъмол бозорида сифати паст, контрафакт заргарлик буюмларининг сотилиши, шунингдек уларнинг ноқонуний муомаласига йўл қўймаслик учун жамоатчилик назоратини ўрнатиш;

заргарлик тармоғи мутахассисларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича ўқув марказларини ташкил этиш;

маҳаллий заргарлик брендларини илгари суришга, шу жумладан мамлакатимизда ва хорижда заргарлик кўргазмалари ва ярмаркаларини ташкил этиш, шунингдек, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг шундай тадбирларда кенг иштирокини таъминлаш орқали қўмаклашиш;

ўзини ўзи молиялаштириш шартларида, шу жумладан тадбиркорлик субъектлари томонидан амалга ошириладиган қимматбаҳо металллар ва заргарлик буюмларини таҳлил қилиш ва асиллик даражасини назорат қилиш шохобчаларини (мини-лабораторияларини) ташкил этиш;

заргарлик тармоғидаги хорижий маслаҳатчилар ва экспертларни жалб

* 2-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

қилиш, «Ўзбекзаргарсаноати» уюшмасининг аъзолари ва ходимларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш;

«Ўзбекзаргарсаноати» уюшмасининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, шу жумладан унинг ходимларини иш ҳақи билан таъминлаш.

12. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳузуридаги Қимматбаҳо металллар агентлигининг Давлат асиллик даражасини белгилаш палатаси (кейинги ўринларда — Асиллик даражасини белгилаш палатаси) Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги тасарруфига ўтказилсин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда Асиллик даражасини белгилаш палатасининг фаолиятини ташкил этиш бўйича ҳукумат қарорини қабул қилсин.

13. Тадбиркорлик субъектларига ваколатли давлат органи томонидан бериладиган лицензия асосида аффинаж фаолияти билан шуғулланиш, шу жумладан қўйидаги ҳуқуқлар берилсин:

қимматбаҳо металлларни сотиб олиш ва сотиш учун биржа савдоларида иштирок этиш;

аҳолидан қимматбаҳо металлларни, шу жумладан олтин изловчилар усулида қазиб олинган қимматбаҳо металлларни, заргарлик буюмларини, уларни ишлаб чиқаришдан ҳосил бўлган парчалар ва чиқиндиларни сотиб олиш;

қимматбаҳо металлларни сотиб олиш ва сотиш шохобчаларини, шу жумладан мамлакатимиз ҳудудларида очиш.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда аффинаж фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқласин.

14. Белгилансинки, давлат даромадига қаратилган қимматбаҳо металлларнинг парчалари ҳамда қимматбаҳо металллар, ярим қимматбаҳо ва қимматбаҳо тошлар ҳамда марвариддан ясалган буюмлар кўринишидаги бойликлар, эгасиз бойликлар, хазиналар, шунингдек, мулкдорлар томонидан давлат даромадига бепул топширилган бойликлар (археологик ва музей буюмлари ёки музей коллекциялари ҳамда маданий қимматга эга бўлган буюмлар бундан мустасно) заргарлик тармоғининг манфаатдор қатнашчиларига олдиндан тўлиқ ҳақ тўлаш шарти билан қўйидаги тартибда сотилади:

қимматбаҳо металллар — тўлов ҳисоби ёзилган санадаги Лондон қимматбаҳо металллар биржасининг эрталабки фиксинг нархи ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг курси бўйича;

ярим қимматбаҳо ва қимматбаҳо тошлар ҳамда марварид — тегишли харажатлар харидорлар томонидан қопланган ҳолда, баҳолаш ташкилотлари томонидан белгиланган тартибда амалга оширилган баҳолаш асосида.

15. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги «Ўзбекзаргарсаноати» уюшмасининг буюртманомалари асосида 2019/2020 ўқув йилидан бошлаб Тошкент давлат техника университетиде «Заргарлик буюмлари дизайни» йўналиши бўйича алоҳида гуруҳларни ташкил этган ҳолда заргарлик тармоғи учун кадрлар, шунингдек, касб-ҳунар коллежларида заргарлик тармоғи мутахассислари тайёрланишини таъминласин.

16. 2020 йилдан бошлаб хорижий мамлакатларнинг заргарлик тармоғи вакиллари, хорижий инвесторлар, экспертлар ва мутахассисларни жалб

этган ҳолда «Uzbek Jewellery Fair» заргарлик саноатининг замонавий асбоб-ускуналари, технологиялари ва буюмларининг йиллик халқаро кўргазма-савдосини ўтказиш амалиёти жорий этилсин.

«Ўзбекзаргарсаноати» уюшмаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги билан биргаликда ташкил этиладиган кўргазмаларда юридик шахслар ва яқка тартибдаги тадбиркорлар томонидан заргарлик буюмлари сотилишининг соддалаштирилган тартибини назарда тутган ҳолда бир ой муддатда кўргазма-савдони ташкил этиш ва ўтказиш бўйича ҳукумат қарори лойиҳасини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

17. Давлат солиқ қўмитаси Олий суд, Бош прокуратура ва Адлия вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда қўйидагиларни қўллаган ҳолда асиллик даражасини белгилаш ва тамғалашнинг белгиланган тартибини бузган ҳолда, шунингдек, қирим қилинмаган заргарлик буюмларини сотганлик учун жавобгарликни назарда тутувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқсин ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин:

ҳуқуқбузарлик биринчи марта содир этилганда — заргарлик буюмини мусодара қилмаган ҳолда унинг қийматининг 50 фоизи миқдорида жарима солиш кўринишидаги молиявий жазо;

ушбу ҳуқуқбузарлик бир йил давомида такроран содир этилганда — заргарлик буюмини мусодара қилиш ёки унинг қийматининг 100 фоизи миқдорида жарима солиш кўринишидаги молиявий жазо.

18. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси икки ой муддатда тўғридан-тўғри амал қилувчи «Қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлар тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси қайта ишланишини таъминласин ва унда қўйидагиларни назарда тутсин:

қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлар муомаласи соҳасидаги муносабатларни комплекс ҳуқуқий тартибга солиш;

заргарлик буюмлари асиллик даражасини белгилаш ва тамғалаш тизими, шунингдек, уларнинг сифатини назорат қилиш тартиб-таомилларини, шу жумладан давлат-хусусий шериклик механизмини қўллаган ҳолда такомиллаштириш;

қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлар муомаласи соҳасидаги давлат органлари ва бошқа иштирокчиларнинг ваколатлари ва жавобгарлик соҳасини аниқ чегаралаш;

тармоққа инвестициялар, шу жумладан хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш учун қулай шароит яратиш ва рақобат муҳитини яхшилаш.

19. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси Бош прокуратура ҳузуридаги Иқтисодий жинойятларга қарши курашиш департаменти, Давлат божхона қўмитаси, Асиллик даражасини белгилаш палатаси, «Ўзбекзаргарсаноати» уюшмаси ва бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда бир ой муддатда заргарлик буюмлари ноқонуний муомаласига чек қўйиш, шу жумладан тегишли тарзда тамғаланмаган ва асиллик даражаси бўлмаган қалбаки буюмларнинг чакана савдода сотилишига йўл қўймаслик бўйича ҳамкорликдаги ҳаракатларнинг комплекс режасини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

20. «Ўзбекзаргарсаноати» уюшмаси Ўзбекистон Республикаси Миллий телерадиокомпанияси, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда заргарлик тармоғида яратилган қулай имкониятлар, қабул қилинган қонун ҳужжатларининг моҳияти ва мазмуни тўғрисида кенг тушунтириш ишларини олиб борсин.

21. Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси:

икки ой муддатда олтин изловчилар усулида қазиб олиш фаолиятини амалга ошириш учун республикада мавжуд бўлган қимматбаҳо ва ярим қимматбаҳо тошларнинг конларини хатловдан ўтказсин;

минерал-хом ашё базасини ривожлантириш ва такрор ишлаб чиқариш йиллик дастури доирасида заргарлик ва бадий товарларнинг саноат эҳтиёжлари учун яроқлилигини ҳисобга олган ҳолда қимматбаҳо ва ярим қимматбаҳо тошларни разведка қилиш бўйича лойиҳаларни амалга оширсин.

22. Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги Молия вазирлиги ҳамда Монополияга қарши курашиш қўмитаси билан биргаликда халқаро тажрибани ўрганиш асосида икки ой муддатда республикада металллар билан боғлиқ битимларни тузишга ихтисослашган товар биржасини ташкил этишга доир таклифни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

23. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Марказий банк билан биргаликда икки ой муддатда Марказий банк ҳузуридаги Қимматбаҳо металллар агентлигининг заргарлик тармоғини тартибга солиш бўйича айрим функциялари ва ваколатлари Асиллик даражасини белгилаш палатасига берилганлигини инобатга олиб, мазкур агентликнинг фаолияти самардорлигини янада ошириш юзасидан таклифлар киритсин.

24. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига 3-иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

25. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорлари 4-иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

26. Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги Марказий Банк, Молия вазирлиги, «Ўзбекзаргарсаноати» уюшмаси ва манфаатдор идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

27. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ж.А. Қўчқоров зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2019 йил 18 май,
ПФ-5721-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2019 йил 18 майдаги
ПФ-5721-сон Фармониغا
3-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига киритиладиган ўзгартириш ва қўшимчалар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 31 октябрдаги «Қимматбаҳо металллар харид қилиш, сақлаш ва сотиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги ПФ-3346-сон Фармонида:

а) 2-банднинг иккинчи, бешинчи — еттинчи хатбошилари чиқариб ташлансин;

б) 3-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«3. Белгилаб қўйилсинки:

Қимматбаҳо металллар агентлиги Ўзбекистон Республикаси Марказий банки муассасаси мақомига эгадир;

Агентлик фаолиятини молиялаш Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки томонидан белгиланган тартибда амалга оширилади;

Қимматбаҳо металллар агентлиги бош директори мақомига кўра вазир ўринбосари лавозимига тенглаштирилади ва белгиланган тартибда тайинланади».

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2019 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари ҳамда 2020-2021 йилларга бюджет мўлжаллари тўғрисида»ги ПҚ-4086-сон қарорига 21-илованинг (Маҳаллий йиғимларнинг чегараланган ставкалари) 3-қатори ва изоҳининг учинчи хатбошиси чиқариб ташлансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 декабрдаги «Хорижий давлатларда кўргазма тадбирларини ўтказиш учун мўлжалланган товарларни олиб чиқиш тартибини соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3451-сон қарорига:

а) 1-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«1. Тадбиркорлик субъектларига хорижий давлатларда ўтказиладиган кўргазма ва ярмаркаларда намойиш этиш учун мўлжалланган қиймати эквивалентдаги беш минг АҚШ долларигача, заргарлик буюмлари бўйича эса эквивалентдаги эллик минг АҚШ долларигача бўлган товарларни экспорт контракти тузмасдан ҳамда божхона юк декларациясини расмийлаштирмасдан, товарларнинг юк ҳужжатларига мувофиқ олиб чиқишга рухсат этилсин, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 3 ноябрдаги «Ташқи савдо фаолиятини янада эркинлаштириш ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3351-сон қарорининг иловасида қайд этилган товарлар бундан мустасно»;

б) қуйидаги мазмундаги 3¹-банд билан тўлдирилсин:

«3¹. Тадбиркорлик субъектларига хорижий давлатларда ўтказиладиган кўргазма ва ярмаркаларда сотилмаган товарларнинг қайтариб олиб кели-

ниши, шунингдек сотишдан тушган маблағларнинг тўлиқ келиб тушиши юзасидан жавобгарлик юклатилсин».

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 августдаги «Заргарлик саноатини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–3199-сон қарорининг рус тилидаги матни 2-банди қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«2. Установить, что производство ювелирных и других изделий из драгоценных металлов (далее — ювелирные изделия) юридическими лицами и индивидуальными предпринимателями осуществляется на основе лицензии, выдаваемой Государственной пробирной палатой».

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2019 йил 18 майдаги
ПФ–5721-сон Фармониға
4-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ўз кучини йўқотган деб эътироф этилаётган баъзи қарорлари РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 28 августдаги «Замонавий заргарлик буюмлари ишлаб чиқариш бўйича инвестиция лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–3921-сон қарори.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 августдаги «Заргарлик саноатини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–3199-сон қарорининг 9 ва 11-бандлари.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

387 Ўзбекистон-Амирликлар инвестиция компанияси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 январдаги «2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили»да амалга оширишга оид давлат

* Ушбу Фармон «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 21 майда эълон қилинган.

дастури тўғрисида»ги ПФ–5635-сон Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 2 апрелдаги «Ўзбекистон Республикаси ва Бирлашган Араб Амирликлари ўртасида икки томонлама ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш ва кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–4256-сон қарорига асосан, шунингдек республика иқтисодиётига тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш ҳажмларини янада кенгайтириш мақсадида:

1. Қўйидагилар:

Ўзбекистон Республикасининг Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси ҳамда Абу Даби ривожланиш жамғармаси (БАА) ўртасида 2019 йил 24 мартда устав фонди миқдори 10 миллион АҚШ долларини ташкил этувчи масъулияти чекланган жамият шаклидаги Ўзбекистон-Амирликлар инвестиция компаниясини ташкил этиш тўғрисидаги таъсис шартномаси имзоланганлиги ва компания инвестиция портфели шаклланиб боришига мувофиқ устав фондининг босқичма-босқич 1 миллиард АҚШ долларига тенг бўлган миқдорга етказилиши;

кўрсатиб ўтилган компаниянинг капиталини шакллантиришда Абу Даби ривожланиш жамғармасининг (БАА) улуши 75 фоизни ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг улуши 25 фоизни ташкил қилиши, белгиланган тартибда қўшимча иштирокчиларни жалб қилиш мумкинлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Белгилаб қўйилсинки:

Ўзбекистон-Амирликлар инвестиция компанияси, шунингдек унинг таъсисчилари даромад солиғи, шу жумладан дивиденд ва фоизлар кўринишидаги даромадлар, мол-мулк солиғи ва ер солиғидан, шунингдек, унинг мол-мулки ва активларини реализация қилишда қўшилган қиймат солиғидан истисно тариқасида 10 йил муддатга озод қилинади;

Ўзбекистон-Амирликлар инвестиция компаниясининг бошқарув органларида Ўзбекистон Республикасининг Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси манфаатларини Ўзбекистон Республикасининг Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси ижрочи директори ифодалайди.

3. Ўзбекистон Республикасининг Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси уч ой муддатда Ўзбекистон-Амирликлар инвестиция компаниясининг қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилишини таъминласин.

4. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Ўзбекистон Республикасининг Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси буюртманомаларига асосан Ўзбекистон-Амирликлар инвестиция компаниясига ёлланиб ишлаш мақсадида жалб этилган хорижий мутахассисларга ҳамда уларнинг оила аъзоларига консуллик ва бошқа йиғимларни ундирмасдан белгиланган тартибда кириш визаларининг расмийлаштирилишини таъминласин.

5. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ўзбекистон Республикасининг Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси буюртманомаларига биноан Ўзбекистон-Амирликлар инвестиция компаниясига ёлланиб ишлаш мақсадида жалб этилган хорижий мутахассисларга ҳамда уларнинг оила аъзоларига

давлат бојини ундирмасдан белгиланган тартибда кўп марталик визалар беришни ва узайтиришни, вақтинча яшаш жойи бўйича вақтинча прописка қилишни ва вақтинча пропискани узайтиришни таъминласин.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

7. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазинининг ўринбосари Э.М. Ганиев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2019 йил 20 май,
ПФ-5722-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2019 йил 20 майдаги
ПФ-5722-сон Фармони
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим
ҳужжатларига киритилаётган ўзгартиришлар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 январдаги «2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида»ги ПФ-5635-сон Фармонида:

13-банднинг иккинчи хатбошидаги «5» рақами «10» рақами билан алмаштирилсин;

14-банднинг иккинчи хатбоши чиқариб ташлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 29 сентябрдаги «Ўмон Султонлиги билан инвестициявий ҳамкорликни кенгайтириш чоратадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-1197-сон қарорининг рус тилидаги матни 4-банди биринчи хатбошидаги «на 10 лет» сўзлари «до 1 января 2030 года» сўзлари билан алмаштирилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ФАРМОНИ**388** **Меҳнатга ҳақ тўлаш, пенсиялар ва бошқа тўловлар миқдорларини аниқлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида***

Меҳнатга ҳақ тўлаш миқдорларини аниқлаш тартибини такомиллаштириш ҳамда меҳнатга ҳақ тўлаш, пенсиялар тайинлаш ҳамда солиқлар, давлат божлари, жарималар, йиғимлар ва бошқа тўловларни ундириш ўртасидаги шартларнинг боғлиқлигини бартараф этиш мақсадида:

1. 2019 йил 1 сентябрдан бошлаб иш ҳақининг энг кам миқдори ўрнига: 577 170 сўм миқдорида меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори; 202 730 сўм миқдорида базавий ҳисоблаш миқдори;

202 730 сўм миқдорида пенсияни ҳисоблашнинг базавий миқдори жорий этилсин.

2. Белгилаб қўйилсинки:

а) меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори:

1,0 тариф коэффиценти бўйича Меҳнатга ҳақ тўлашнинг ягона тариф сеткаси биринчи разряди бўйича ойлик тариф ставкасининг пулдаги ифодаси ҳисобланади;

меҳнат муносабатлари соҳасида лавозим маоши, устамалар, қўшимча ҳақ, гонорар, қўшимча иш учун компенсация тўловлари ва рағбатлантирувчи тусдаги тўловларнинг бошқа турлари, шунингдек, қонунчиликда белгиланган ушланмалар, илгари энг кам иш ҳақига нисбатан белгилаб қўйилган бошқа тўловлар миқдорини аниқлашда ҳамда оилаларнинг ижтимоий қўллаб-қувватлашга муҳтожлиги ва ишсизлик бўйича нафақалар миқдорини аниқлашда қўлланилади;

белгиланган меҳнат нормаларини тўлиқ бажарган ходимлар меҳнатига ҳақ тўлашнинг қўйи чегараси сифатида ташкилий-ҳуқуқий шакли ва меҳнат муносабатларидан қатъи назар барча иш берувчилар учун мажбурий ҳисобланади;

б) базавий ҳисоблаш миқдори:

солиқлар, йиғимлар, жарималар, давлат божлари ва кўрсатилаётган давлат хизматлари учун бошқа тўловларнинг миқдорларини;

тадбиркорлик фаолиятининг муайян тури билан шуғулланиш учун патент, лицензия ва бошқа тўловларнинг қиймати, ташкилотларнинг устав ва бошқа фондлари (капитали) миқдори, пулсиз шаклда тўланадиган акциялар, бошқа қимматли қоғозларнинг қиймати, юридик шахслар активларининг баланс қиймати, микрокредитлар ва лизинг, шунингдек, бошқа молиявий-иқтисодий кўрсаткичларнинг чекланган миқдорини аниқлашда қўлланилади;

в) пенсияни ҳисоблашнинг базавий миқдори пенсия таъминоти соҳасида пенсиялар, устамалар, қўшимча ҳақ ва компенсация тўловлари, шунингдек,

* Ушбу Фармон «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 21 майда эълон қилинган.

ходимларнинг меҳнатда майиб бўлиши, касб касаллигига чалиниши ёки улар ўзлари меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ ҳолда соғлиғининг бошқача тарзда шикастланиши сабабли етказилган зарарни қоплашда қўлланади.

3. Белгилансинки:

энг кам иш ҳақига нисбатан белгиланган устамалар, қўшимча ҳақ, мукофотлар ҳамда бошқа компенсация ва рағбатлантирувчи тусдаги тўловларнинг барча турлари мазкур тўловларнинг сўмда ифодаланган амалдаги миқдорларини сақлаб қолган ҳолда қайта ҳисоб-китоб қилинади (зарур ҳолларда кўп томонга яхлитланади);

конун ҳужжатларида мазкур Фармоннинг 2-бандида назарда тутилган меҳнатга ҳақ тўлаш, пенсиялар ва бошқа тўловлар миқдорларини аниқлашнинг бошқа тартиби ўрнатилиши мумкин.

4. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги Молия вазирлиги ва Адлия вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда:

Меҳнатга ҳақ тўлашнинг ягона тариф сеткасини қайта кўриб чиқиш ҳамда нафақалар, компенсациялар ва тўловларнинг алоҳида турлари миқдорларини мутлақ суммада белгилаш бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин;

мазкур Фармон талабларидан келиб чиққан ҳолда Меҳнатга ҳақ тўлашнинг ягона тариф сеткасини қўллаш ҳамда ташкилотларда меҳнатга соатбай ҳақ тўлаш тизимини белгилаш бўйича методик тавсияларни ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

5. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда уч ой муддатда конун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

Вазирлик ва идоралар уч ой муддатда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ушбу Фармонга мувофиқлаштирсин.

6. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ж.А. Қўчқоров зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2019 йил 21 май,
ПФ-5723-сон

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACI ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**389 Рақамли иқтисодиёт ва «электрон ҳукумат» тизими инфратузилмаларини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида***

Рақамли иқтисодиёт ва «Электрон ҳукумат» тизимини такомиллаштириш соҳасидаги ислохотларнинг асосий йўналишларини изчил амалга ошириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 ноябрдаги «Рақамли иқтисодиётни ривожлантириш мақсадида рақамли инфратузилмани янада модернизация қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4022-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида 2019 — 2021 йилларда «Universal Mobile Systems» МЧЖни ривожлантириш Концепцияси тасдиқланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги (кейинги ўринларда — Агентлик), Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги ҳамда Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг:

«Рақамли ишонч» рақамли иқтисодиётни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан «UZINFOCOM давлат ахборот тизимларини яратиш ва қўллаб-қувватлаш бўйича ягона интегратор» МЧЖнинг устав капиталидаги давлат улушини камида 51 фоизга оширишни таъминлаш чораларини кўриш;

«UZINFOCOM давлат ахборот тизимларини яратиш ва қўллаб-қувватлаш бўйича ягона интегратор» МЧЖ устав капиталидаги давлат улушини кейинчалик «Universal Mobile Systems» МЧЖга (кейинги ўринларда — оператор) устав капиталини кўпайтириш ҳисобига белгиланган тартибда ўтказиш таклифи маъқуллансин.

3. Белгилаб қўйилсинки:

а) «Электрон ҳукумат» ва рақамли иқтисодиёт тизимини ривожлантириш доирасида идоралараро ва идоравий ахборот тизимлари, маълумотлар базалари, дастурий маҳсулотларни яратиш ва жорий этиш бўйича қарорлар буюртмачини мажбурий тарзда белгилаш, шунингдек, ахборот тизимлари ва маълумотлар базаларини яратиш ва кейинчалик қўллаб-қувватлашда молиялаштириш манбаларини аниқ кўрсатган ҳолда қабул қилинади;

б) «Электрон ҳукумат» ва рақамли иқтисодиёт тизими доирасидаги лойиҳаларни амалга ошириш:

давлат бошқарувида ахборот тизимларини жорий этиш, ушбу соҳада ягона давлат сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш ҳамда давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштириш қисмида — Агентлик;

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 20 майда эълон қилинган.

давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг электрон ҳамкорлигини таъминлаш учун идоравий ва идоралараро маълумотлар узатиш тармоқларини ривожлантириш ва фаолият юритиш қисмида — Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги;

давлат органлари ва бошқа ташкилотларда ахборот тизимларини назорат қилиш ва ахборот хавфсизлигини таъминлаш тизимини такомиллаштириш қисмида — Ўзбекистон Республикаси Ахборотлаштириш ва телекоммуникациялар соҳасида назорат бўйича давлат инспекцияси;

идоравий ахборот тизимлари ва ахборот ресурсларининг узлуксиз ишлашини таъминлаш, электрон давлат хизматлари кўрсатиш тизимини ривожлантириш қисмида — вазирликлар, идоралар ва бошқа ташкилотлар томонидан таъминланади.

4. Белгилансинки:

а) операторга ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги харидларнинг техник топшириқларини фақат «Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги қошидаги Электрон ҳукумат ва рақамли иқтисодиёт лойиҳаларини бошқариш маркази» ДУК билан келишган ҳолда амалга ошириш ҳуқуқи берилади;

б) давлат органларига «Электрон ҳукумат» тизимини ривожлантириш доирасида ўз маълумотларни қайта ишлаш марказларини ташкил этиш ва қуриш таққиланади, Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорлари билан белгиланган ҳоллар бундан мустасно;

в) Агентликка хорижий инвестицияларни жалб қилиш билан боғлиқ тадбирларни амалга ошириш, шу жумладан инвестициялар масалалари бўйича хорижий компаниялар вакиллари билан музокаралар ўтказиш ва ҳамкорлик қилиш ҳуқуқи берилади;

г) оператор 2022 йил 1 январга қадар:

оператор зиммасига юклатилган вазифаларни амалга ошириш учун олиб кириладиган, Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилмайдиган товарлар божхона тўловларидан (қўшилган қиймат солиғи ва божхона йиғимларидан ташқари) озод этилади;

Агентлик билан келишилган ҳолда ҳаракатдаги уяли алоқа база станцияларини қуриш (ўрнатиш) бўйича қурилиш-монтаж ишларини параллел равишда лойиҳалаштириш билан бирга амалга ошириш, шунингдек, радиоэлектрон воситалар ва юқори частотали қурилмаларни фойдаланишга қабул қилиш ва улардан фойдаланиш учун рухсатномалар олиш далолатномаларини параллел равишда расмийлаштирган ҳолда ҳаракатдаги уяли алоқа хизматларини кўрсатиш ҳуқуқига эга;

энг яхши таклифларни танлаб олиш орқали суммасидан қатъи назар товарлар (ишлар, хизматлар)ни сотиб олиш учун шартномалар, шу жумладан импорт шартномалари тузишга ҳақли;

д) телекоммуникация объектларини қуриш (жойлаштириш) учун операторга ер участкаларини доимий фойдаланиш ҳуқуқи асосида бериш Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари томонидан аукцион ўтказмасдан амалга оширилади.

5. Агентлик Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

6. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2019 йил 18 май,
ПҚ-4321-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ

390 Давлат корхоналари ва устав капиталида давлат иштирок этаётган тижорат банкларини реструктуризация ва ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида*

Мамлакатимизда давлат корхоналари, хусусан, устав капиталида давлат улуши 50 фоиз ва ундан кўп бўлган акциядорлик жамиятлари ва тижорат банклари (кейинги ўринларда — давлат иштирокидаги корхоналар ва банклар)ни реструктуризация ҳамда ислоҳ қилишга қаратилган кенг қўламли иқтисодий ислохотлар ва таркибий ўзгартиришлар изчил амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, жорий ҳолатни ўрганиш шуни кўрсатдики, давлат иштирокидаги аксарият корхоналар ва банклар паст рентабеллик билан фаолият юритмоқда, улардан баъзилари ресурсларга харажатларнинг ортиб бораётганлиги ҳамда ўзлари ишлаб чиқараётган товарлар ва кўрсатаётган хизматларнинг нархлари ва тарифларини тартибга солиш механизмлари такомиллашмаганлиги оқибатида сезиларли зарар кўрмоқда. Давлат иштирокидаги корхоналар ва банклардаги бошқарув тузилмаси улар фаолиятининг самарадорлигини ошириш учун реал стимулларга эга эмас.

Давлат иштирокидаги корхоналар ва банкларнинг рақобатбардошлиги ҳамда самарадорлигини ошириш, фаолияти натижаларини тижоратлаштиришни таъминлаш, шунингдек ушбу корхоналар ва банкларда корпоратив бошқарувни янада такомиллаштириш мақсадида:

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 22 майда эълон қилинган.

1. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Марказий банки ва Давлат активларини бошқариш агентлиги (кейинги ўринларда — Агентлик)нинг Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги зиммасига давлат иштирокидаги корхоналар ва банкларни реструктуризация ва ислоҳ қилишни мувофиқлаштириш функциясини юклаш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги тузилмасида Саноатнинг базавий тармоқлари, ёқилғи-энергетика мажмуи ва геологияни ривожлантириш молияси ва тарифни тартибга солиш бош бошқармаси негизида Тариф сиёсати ва давлат корхоналарини ислоҳ қилиш бош бошқармаси ҳамда вазирлик бошқарув ходимларининг умумий штат бирликлари доирасида Давлат иштирокидаги тижорат банкларини ислоҳ қилишни мувофиқлаштириш бошқармаси ташкил этилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги зиммасига:

а) давлат иштирокидаги корхоналарни ислоҳ қилиш ва тариф жиҳатдан тартибга солиш масалалари қисмида:

давлат иштирокидаги корхоналарни ислоҳ қилиш, шу жумладан давлат корхоналари, хўжалик бирлашмаларининг хўжалик ва бошқариш функцияларини ажратиш орқали уларни реструктуризация қилиш ишларини амалга ошириш масалаларида вазирлик ва идораларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш;

Агентлик билан биргаликда давлат иштирокидаги корхоналарни бошқариш, ислоҳ қилиш ва самарали эгаллик қилишни таъминлаш бўйича ўрта муддатли даврга мўлжалланган ягона стратегияни ишлаб чиқиб ҳамда уни амалга ошириш;

давлат иштирокидаги корхоналарнинг товарлари ва хизматларига нархлар ҳамда тарифларни эркин шакллантириш, давлат иштирокидаги корхоналар учун мавжуд барча афзалликлар ва имтиёзларни ялпи хатловдан ўтказиш ва уларни бекор қилиш бўйича таклифлар киритиш ҳамда шундай корхоналарни замонавий корпорациялар этиб қайта ташкил қилиш орқали уларнинг хусусий сектор билан тенг бозор шароитларида тўлақонли фаолият юритишига ўтишини таъминлаш;

давлат иштирокидаги корхоналар томонидан тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш учун қулай шарт-шароитларни яратиш, Агентлик билан биргаликда уларни хусусийлаштиришдан олдин тайёрлашни таъминлаш;

ишончли хорижий ва халқаро институтлар билан биргаликда давлат иштирокидаги йирик корхоналарни ислоҳ қилиш бўйича ишларни самарали ташкил қилиш ва амалга ошириш, Агентлик билан биргаликда уларнинг бошқаруви таркибига юқори малакали хорижий мутахассисларни жалб этиш;

б) давлат иштирокидаги тижорат банкларини ислоҳ қилиш масалалари қисмида:

Марказий банк ва Агентлик билан биргаликда халқаро молия ташкилотларининг экспертларини жалб этган ҳолда тижорат банкларида давлат

иштирокини босқичма-босқич қисқартириб боришни назарда тутиб, уларни бошқариш, ислоҳ қилиш ва самарали эғалик қилишни таъминлаш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

давлат иштирокидаги тижорат банкларининг рақобатбардошлиги, рентабеллиги, фаолиятининг тижоратлашганлиги ҳолатини, шу жумладан улар томонидан кўрсатилаётган хизматлар улушининг замонавий бозор шароитларига мос келиши нуқтаи назаридан таҳлил қилиш, шунингдек, банклардаги корпоратив бошқарув тизимининг самарадорлигини баҳолаш;

давлат иштирокидаги тижорат банкларини ислоҳ қилиш жараёнларининг самарали мувофиқлаштирилишини таъминлаш;

Марказий банк ва Агентлик билан биргаликда давлат иштирокидаги тижорат банкларини хусусийлаштиришдан олдин тайёрлаш билан боғлиқ ташкилий-амалий чора-тадбирлар ҳамда зарур тартиб-таомилларни ўз вақтида ва тўла-тўқис амалга ошириш;

давлат иштирокидаги тижорат банкларини ислоҳ қилиш, шу жумладан Агентлик билан биргаликда уларнинг бошқаруви таркибига юқори малакали чет эллик мутахассисларни фаол жалб этиш жараёнлари доирасида хорижий ва халқаро институтлар билан ишларни самарали ташкил этиш юзасидан қўшимча вазифалар юклансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги марказий аппаратининг янгиланган тузилмаси иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

5. Давлат иштирокидаги корхоналар ва банкларни ислоҳ қилиш вазифаларини самарали амалга ошириш ҳамда давлат активларини бошқаришнинг таъсирчан механизмларини жорий этишни таъминлаш мақсадида ушбу қарор билан юклатилган вазифалар қисмида Агентликнинг бевосита Ўзбекистон Республикаси Президентига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирга бўйсунуши ва ҳисобот беришини сақлаб қолган ҳолда, Вазирлар Маҳкамасининг Макроиктисодий таҳлил, таркибий ўзгартиришлар, молия-банк тизими ва хусусий тадбиркорлик масалалари котибиятга бириктирилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

7. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — молия вазири Ж.А. Қўчқоров зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2019 йил 21 май,
ПҚ-4325-сон

* Илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**391 «Электрон ҳукумат» тизими доирасида ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш сифатини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида***

«Электрон ҳукумат» тизими доирасида ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишнинг самарали ва шаффоф механизмларини яратиш, мазкур соҳадаги лойиҳаларни, лойиҳа ва техник ҳужжатларни сифатли экспертизадан ўтказиш мақсадида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 10 январдаги «Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5624-сон Фармониغا мувофиқ:

1. «Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги қошидаги Электрон ҳукумат ва рақамли иқтисодиёт лойиҳаларини бошқариш маркази» ДУКнинг (кейинги ўринларда — Марказ) қўшимча вазифалари этиб қуйидагилар белгилансин:

«Электрон ҳукумат» тизимини ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш доирасида лойиҳалар (кейинги ўринларда — лойиҳалар)нинг амалга оширилишини мувофиқлаштириш;

иқтисодиётнинг турли тармоқларида «ақлли» ва бошқа истиқболли технологияларни, шунингдек, катта ҳажмдаги маълумотларни қайта ишлаш технологияларини жорий этишнинг концептуал ва услубий асосини шакллантириш;

жаҳон стандартлари талабларига мувофиқ «Электрон ҳукумат» тизимининг ривожланиш даражасини тавсифловчи статистик маълумотларни тўплаш, қайта ишлаш ва ҳисобга олиш тизимини юритиш;

тадқиқотлар ўтказиш ва иқтисодиёт тармоқларини ахборотлаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш, ахборот-коммуникация технологияларини жорий этишнинг ягона технологик сиёсатини таъминлаш;

«Электрон ҳукумат» тизимининг инфратузилмасини, Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари порталини (кейинги ўринларда — ЯИДХП) ва давлат хизматлари кўрсатилганлиги учун тўланган давлат божлари ва йиғимлар суммаси ҳисобини юритувчи Ягона биллинг тизимини (кейинги ўринларда — Ягона биллинг тизими), шу жумладан давлат-хусусий шериклик шартлари асосида янада ривожлантиришни таъминлаш;

лойиҳаларни амалга оширишни молиялаштиришга йўналтириладиган Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари, беғараз техник кўмаклашиш маблағлари (грантлар), халқаро молия

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 22 майда эълон қилинган.

институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотлари имтиёзли кредитларининг самарали ишлатилиши устидан мониторинг олиб боришда ваколатли органларга кўмаклашиш.

2. «Электрон ҳукумат» тизими ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш доирасида идоралараро ва идоравий ахборот тизимлари, маълумотлар базалари, дастурий маҳсулотлар яратиш ва жорий этиш бўйича лойиҳалар ҳамда ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги бошқа лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низом иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

3. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

Марказ фаолияти давлат ва хўжалик бошқаруви органларига, устав фондида давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган хўжалик юритувчи субъектларга, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг ривожланиш давлат дастурлари доирасида амалга оширилаётган барча лойиҳаларга татбиқ этилади. Бунда бошқа лойиҳалар ташаббускорлари (бюртмачилар) шартнома асосида техник топшириқ ёки тендер ҳужжатларини экспертизадан ўтказиш учун мустақил равишда Марказга мурожаат қилишлари мумкин;

Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари, беғараз техник кўмаклашиш (грантлар) маблағлари, халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотларининг имтиёзли кредитлари ҳисобидан лойиҳаларни ишлаб чиқишни, амалга оширишни ва қўллаб-қувватлашни молиялаштириш Марказ билан келишилган ҳолда амалга оширилади;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 августдаги «Ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида лойиҳа бошқаруви тизimini янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–3245-сон қарорида назарда тутилган давлат хизматлари учун тўланган давлат божлари ва йиғимлар суммасининг 10 фоизи миқдоридаги маблағлар, шунингдек, ЯИДХП орқали кўрсатиладиган давлат хизматларидан ташқари, Ягона биллинг тизими орқали давлат хизматлари кўрсатилганлиги ва бошқа тўловларни амалга ошириш учун тўланган давлат божлари ва йиғимлар суммасининг 1 фоизи миқдоридаги маблағлар Марказнинг ваколатли банкдаги махсус ҳисоб рақамига ўтказилади;

2019 йил 1 июндан бошлаб қийматидан қатъи назар, нарх кўрсаткичларининг ўртача бозор даражасини ўрганиш яқунлари бўйича дастлабки ҳисоб-китоблар асосида шакллантириладиган лойиҳанинг чекланган қиймати белгиланган ҳолда лойиҳаларнинг техник топшириқлари ва тендер ҳужжатлари Марказга экспертизага киритилади. Бунда, лойиҳаларнинг техник топшириқлари ва тендер ҳужжатлари Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлигида келишилмайди ва экспертизадан ўтказилмайди;

лойиҳанинг техник топшириғини ёки тендер ҳужжатларини экспертизадан ўтказиш учун қўшилган қиймат солиғини ҳисобга олмаган ҳолда, лойиҳа чекланган қийматининг 0,5 фоизи миқдорида (тендер ҳужжатлари

* Илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

бўйича — ҳар бир лот суммасидан), бироқ энг кам ойлик иш ҳақининг 100 бараваридан ортик бўлмаган миқдорда тўлов ундирилади. Бунда, ушбу экспертиза 100 фоиз олдиндан ҳақ тўлаш шарти билан амалга оширилади; юклатилган вазифаларни бажаришда Марказ давлат ва нодавлат ташкилотлар, шу жумладан лойиҳа институтлари, инжиниринг ва консалтинг компаниялари, илмий-таълим муассасалари, шунингдек, халқаро, хорижий ва маҳаллий ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлик қилади.

4. Марказ фаолиятини молиялаштириш манбалари этиб қўйидагилар белгилансин:

қонун ҳужжатларига мувофиқ кўрсатиладиган хизматлардан, шу жумладан лойиҳаларнинг техник топшириғи ёки тендер ҳужжатларини экспертизадан ўтказишдан олинган даромадлар;

электрон ҳукуматнинг ахборот тизимлари ва ресурсларини жорий этиш ва ривожлантириш бўйича лойиҳаларни амалга ошириш, унинг моддий-техника базасини сақлаш, шакллантириш ва мустаҳкамлаш, меҳнатга ҳақ тўлаш ва ходимларни қўшимча моддий рағбатлантириш мақсадида давлат хизматлари учун ЯИДХП орқали тўланган давлат божлари ва йиғимлар суммасининг 10 фоизи миқдоридаги маблағлар, шунингдек, ЯИДХП орқали кўрсатиладиган давлат хизматларидан ташқари, Ягона биллинг тизими орқали давлат хизматлари кўрсатилганлиги ва бошқа тўловларни амалга ошириш учун тўланган давлат божлари ва йиғимлар суммасининг 1 фоизи миқдоридаги маблағлар;

«Рақамли ишонч» рақамли иқтисодиётни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари;

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги (кейинги ўринларда — Агентлик) томонидан Марказ таъминоти учун топшириладиган мулк ва маблағлар;

Марказнинг вақтинча бўш маблағларини банкларда жойлаштиришдан олинган даромадлар;

халқаро молия ташкилотлари ва институтлари, шунингдек, донор мамлакатларнинг грантлари ва кредитлари;

юрidik ва жисмоний шахсларнинг, шу жумладан хорижий шахсларнинг хайриялари;

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

5. Марказ 2022 йил 1 январга қадар ягона ижтимоий тўловдан ташқари барча турдаги солиқлар ва мажбурий тўловлар тўлашдан озод этилсин, бўшайдиган маблағлар моддий-техника базасини мустаҳкамлашга, шунингдек, ходимларни моддий рағбатлантиришга мақсадли тарзда йўналтирилсин.

6. Марказ директорига Агентлик билан келишилган ҳолда Марказга юклатилган вазифаларни сифатли бажариш мақсадида шартнома асосида мустақил хорижий, миллий консультант ва экспертларни жалб этиш ҳуқуқи берилсин.

7. Марказ Агентлик биносида беғараз фойдаланиш ҳуқуқи асосида жойлаштирилсин.

8. Агентлик бир ой муддатда юклатилган вазифаларни самарали бажариш учун Марказни мебель, компьютер техникаси, алоқа воситалари ва бошқа зарур моддий-техник ресурслар билан жиҳозлашни таъминласин.

9. Агентлик манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартиришлар ва қўшимчалар тўғрисида таклифлар киритсин.

10. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш. Низомиддинов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2019 йил 21 май,
ПҚ-4328-сон

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**

392 Ўзбекистон Республикаси аҳоли пунктларида телекоммуникация инфратузилмасини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида*

Мамлакатимизда телекоммуникация инфратузилмасини модернизация қилиш ва кенгайтириш бўйича кўрилаётган комплекс ташкилий-техник чоралар телекоммуникация хизматларининг сифатини яхшилаш ва турларини ошириш, шу жумладан мобил алоқа қамровини кенгайтиришга имкон бермокда.

Шу билан бирга, олис ва қишлоқ аҳоли пунктларида, туристик ва рекреацион ҳудудларда, магистрал автомобиль ва темир йўллари бўйида телекоммуникация инфратузилмасини, шунингдек, Интернет тармоғига симсиз кенг полосали уланиш тармоқларини ривожлантириш суръатлари етарли эмас.

Телекоммуникация тармоқларини жадал ривожлантиришга салбий таъсир этувчи омилларни бартараф этиш, электрон давлат хизматларининг оммабоплигини таъминлаш, шунингдек, ҳудудларда рақамли иқтисодиётнинг ривожланиши учун зарур инфратузилмани яратиш мақсадида:

1. Белгилаб қўйилсинки:

телекоммуникация тармоқлари, қурилмалари, воситалари ва объектла-

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 23 майда эълон қилинган.

ри, операторлар ва провайдерларнинг мобил алоқа базавий станциялари, шу жумладан ижарага берувчиларнинг худудларида ижара асосида ўрнатилган станциялар (кейинги ўринларда — телекоммуникация объектлари) мулкчилик шаклидан қатъи назар, муҳандислик-коммуникация инфратузилмаси объектлари ҳисобланади;

муҳандислик-коммуникация инфратузилмаси объектлари, шу жумладан кабель канализацияси, паст токли кабель шахталари, телекоммуникация қурилмаларини ўрнатиш учун майдонлар ва инфратузилмалар билан таъминланмаган жамоат, саноат, турар-жой, маъмурий бинолар ва иншоотларни қуриш ҳамда фойдаланишга қабул қилишга йўл қўйилмайди, лойиҳа-смета ҳужжатлари 2019 йил 1 июлгача тасдиқланган бинолар ва иншоотлар бундан мустасно;

телекоммуникация объектларини кўчириш, қайта ўрнатиш, шунингдек, уларнинг фаолиятига учинчи шахслар томонидан ҳар қандай аралashiш юзага келган муаммоларни ҳал этишнинг бошқа имкониятлари мавжуд бўлмаган ҳоллардагина ҳамда фақат мазкур объектларнинг эгаси билан келишилган ҳолда амалга оширилади. Бунда телекоммуникация операторлари ва провайдерларининг телекоммуникация объектларини кўчириш ёки қайта ўрнатиш, уларни соzлаш ишларини амалга ошириш бўйича харажатлари мазкур ўзгаришларнинг ташаббускори томонидан тўлиқ ҳажмда қопланади;

бинода яшовчилардан телекоммуникация хизматларини тақдим этишга ариза мавжуд бўлганда хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари телекоммуникация операторлари ва провайдерларига бино ичида телекоммуникация тармоқларини паст токли кабель шахталари, телекоммуникация қурилмаларини ўрнатиш учун майдонлар ва инфратузилмадан беғараз асосда фойдаланган ҳолда ўтказишни рад этишга ёки тўсқинлик қилишга ҳақли эмаслар, мобил алоқа база станцияларини ўрнатиш бундан мустасно.

2. 2019 йил 1 августдан шундай тартиб жорий этилсинки, унга мувофиқ:

а) давлат-хусусий шериклик шартларида олис ва қишлоқ аҳоли пунктларида жойлашган бюджет ташкилотлари учун телекоммуникация инфратузилмасини яратишни таъминлаган телекоммуникация операторлари ва провайдерларига, мобил алоқа операторларидан ташқари, 10 йил давомида қуйидагилар кафолатланади:

уларнинг хизматларидан олис ва қишлоқ аҳоли пунктларидаги бюджет ташкилотлари ва давлат унитар корхоналари фойдаланиши;

«Ўзбектелеком» АК томонидан Интернет тармоғига кириш хизматини уланиш жойидан қатъи назар ягона тариф бўйича тақдим этилиши;

олис ва қишлоқ аҳоли пунктларидаги бюджет ташкилотлари ва давлат унитар корхоналари томонидан мазкур ташкилотларга, шунингдек, ушбу худуддаги аҳоли ва бошқа юридик шахсларга хизмат кўрсатишга мўлжалланган телекоммуникация воситаларини ўрнатиш учун майдонлар ва инфратузилмаларни беғараз асосда тақдим этиш;

б) телекоммуникация операторлари ва провайдерларининг фойда солиғи ҳамда ягона солиқ тўловини ҳисоблашда солиқ солинадиган база олис ва қишлоқ аҳоли пунктларидаги бюджет ташкилотлари ва давлат унитар кор-

хоналари учун муҳандислик-коммуникация инфратузилмаси объектларини яратишга йўналтирилган маблағлар суммасига камайтиради.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги олис ва қишлоқ аҳоли пунктларидаги бюджет ташкилотларига, улар телекоммуникация тармоқларига уланганидан сўнг, уларнинг буюртмалари бўйича телекоммуникация хизматларидан фойдаланишлари учун зарур маблағларни ажратсин.

3. Белгилансинки:

Wi-Fi технологияси бўйича симсиз маълумотлар узатиш учун сигнал қувватидан қатъи назар 2400 — 2483,5 МГц ва 5000 — 5999 МГц радиочастота полосаларида эксплуатацион йиғим ва радиочастота спектридан фойдаланганлик учун тўлов ундирилмайди;

давлат кўчмас мулкидан телекоммуникация объектларини ўрнатиш учун фойдаланганлик учун ижара тўловининг энг кам ставкалари, оширувчи коэффициентларни қўлламаган ҳолда, «симли электр алоқаси»дан фойдаланиш мақсади бўйича ставкага тенг миқдорда қўлланилади.

4. Телекоммуникация операторлари ва провайдерларига 2019 йил 1 июлдан бошлаб давлат субдоменида (gov.uz) жойлаштирилган ахборот ресурсларига киришда ишлатиладиган трафик учун ҳақ олмаслик тавсия этилсин.

5. Телекоммуникация операторлари ва провайдерларига 2022 йил 1 январга қадар телекоммуникация объектларини қуриш-монтаж ишларини, радиоэлектрон воситаларни ўрнатиш майдончаларини (жойларини) ўрнатилган тартибда келишгандан сўнг, лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш билан параллель равишда амалга оширишга истисно тариқасида рухсат этилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда жамоат, маъмурий, турар-жой ва саноат мақсадларидаги бинолар ва иншоотларни лойиҳалашга топшириқларни ҳамда лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва келишиш босқичларида мажбурий тартибда қуйидаги талабларни кўзда тутсинлар:

биноларда телекоммуникация объектларини ўрнатиш учун тегишли майдонлар ва инфратузилмаларни, уларга электр таъминотини келтирган ҳолда, ажратилишини;

бинолар ичида телефония, маълумотлар узатиш ва Интернет тармоқлари, кабель телевидение ва эфир телевидениесини жамоавий қабул қилиш тизимлари, шунингдек, «хавфсиз уй» ва қўриқлаш сигнализацияси кабелларини ўтказиш учун паст токли кабель шахталари мавжудлигини;

турар-жой, жамоат, маъмурий ва саноат ҳудудларида телекоммуникация линияларини ётқизиш ва телекоммуникация объектларини (телекоммуникация шкафлари, антенна миноралари, мачталари ва бошқалар) ўрнатиш учун тегишли ер участкалари ажратилишини.

7. Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги:

телекоммуникация операторлари ва провайдерларига телекоммуникация объектларини ўрнатишга ҳар тарафлама кўмак берсин, шунингдек, заруратга

кўра, уларнинг темир йўллар бўйидаги электр тармоқларига уланишини таъминласин;

йўл-транспорт инфратузилмасини қуриш ва капитал таъмирлашда бир вақтда темир йўллари бўйлаб, шунингдек, заруратга кўра, автомобиль йўллари бўйлаб келгусида телекоммуникация операторлари ва провайдерларига ижарага бериш учун телекоммуникация каналлашмасини қуришни кўзда тутсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги:

Молия вазирлиги ҳузуридаги Давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш агентлиги билан биргаликда икки ой муддатда телекоммуникация инфратузилмасини яратиш ҳамда олис ва қишлоқ аҳоли пунктларидаги бюджет ташкилотларга, шунингдек, аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларга хизмат кўрсатиш бўйича лойиҳаларни давлат-хусусий шериклик шартлари асосида амалга ошириш тартибини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

икки ой муддатда Қорақалпоғистон Республикаси ва ҳар бир вилоят марказларида тадбиркорлик субъектлари, шу жумладан телекоммуникация операторлари ва провайдерларининг сервер ҳамда телекоммуникация қурилмаларини замонавий майдончаларда жойлаштириш бўйича хизматлар мажмуасини тақдим этувчи хостинг ва трафик алмашуви марказларини ташкил этиш бўйича «Йўл харитаси»ни ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

ҳар чоракда Ўзбекистон Республикаси Очиқ маълумотлар порталида кенг поласали уланиш ва мобил Интернет қамрови зоналари тўғрисида ҳудудлар кесимидаги маълумотларни чоп этиб борсин.

9. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари телекоммуникация операторлари ва провайдерларининг мурожаатлари асосида олис ва қишлоқ аҳоли пунктларида, туристик ва рекреацион зоналарда, магистрал автомобиль ва темир йўллари бўйларида доимий фойдаланиш (ёки узоқ муддатли ижара) ҳуқуқида телекоммуникация тармоқларини, шу жумладан оптик-толали алоқа линияларини, антенна минора ва мачталарини ҳамда телекоммуникация объектларини ўрнатиш хоналарини қуриш учун ер участкаларининг ўз вақтида ажратилишини таъминласин.

10. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда уч ой муддатда илғор халқаро тажрибадан келиб чиққан ҳолда мобил алоқа ва симсиз уланиш қурилмаларидан турли частоталардаги электромагнит нурланиши таъсири хавфсизлигининг санитария қоидалари ва меъёрларини қайта кўриб чиқсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги «Ўзбекэнерго» АЖ билан биргаликда олис ва қишлоқ аҳоли пунктларида, туристик ва рекреацион зоналарда, магистрал автомобиль ва темир йўллар бўйларида қуйидагиларни ўз вақтида таъминлаб борсин:

телекоммуникация операторлари ва провайдерлари мурожаатлари бўйича телекоммуникация объектларини электр тармоқларига улаш;

вилоятлар ва туманлар марказларидаги мобил алоқа тармоқлари база-

вий станцияларини ҳамда телекоммуникация операторлари ва провайдерларининг марказий боғламаларини, телерадиоэшиттириш объектларини электр тармоқларидан ўчирилмайдиган тоифали объектлар қаторига киритиш;

электр тармоқлари таянч устунларига телекоммуникация тармоқларини беғараз асосда ўрнатишга (осишга) рухсат бериш.

12. 2022 йил 1 январга қадар юридик шахслар томонидан олиб кирилдиган телекоммуникация воситалари иловага* мувофиқ божхона тўловларини тўлашдан (қўшилган қиймат солиғи ва божхона расмийлаштируви учун йиғимлардан ташқари) озод этилсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси, Маданият вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда Самарқанд, Бухоро ва Хива шаҳарларидаги туристик объектларда босқичма-босқич, шу жумладан 2019 йилда давлат-хусусий шериклик шартларида Интернет тармоғидан симсиз фойдаланиш бўйича оммавий нуқталарни ташкил этсин.

14. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги телекоммуникация инфратузилмасини ривожлантириш учун товарлар (ишлар, хизматлар)ни харид қилишга техник топшириқларни комплекс экспертизадан ўтказиш ва тегишли хулоса беришни улар киритилган санасидан бошлаб икки ҳафта муддатда таъминласин.

15. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда уч ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига:

илғор халқаро тажрибани инобатга олган ҳолда телекоммуникация объектларини олиб кириш, лойиҳалаш, қуриш ва фойдаланишга қабул қилишда рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан такомиллаштириш ва қисқартириш;

қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида таклифлар киритсин.

16. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари А.Ж. Раматов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2019 йил 22 май,
ПҚ-4329-сон

* Илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**393 Ўзбекистон Республикаси ва хорижий мамлакатлар ўртасида икки томонлама ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро комиссиялар (қўмиталар, кенгашлар ва ишчи гуруҳлар)нинг Ўзбекистонга оид қисмлари фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида***

Ўзбекистон Республикасининг ташқи иқтисодий сиёсатини амалга ошириш, хорижий инвестициялар ва илғор технологияларни жалб қилиш, маҳаллий товарлар ва хизматлар экспорти ҳажмларини ошириш, хорижий мамлакатлардан туристик оқимни жалб қилиш, республиканинг транспорт-транзит имкониятларини кенгайтириш масалаларида давлат ва хўжалик бошқарув органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг идоралараро мувофиқлаштириш ва ҳамкорлик тизимини самарали ташкил этиш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ва хорижий мамлакатлар ўртасида икки томонлама ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро комиссиялар (қўмиталар, кенгашлар ва ишчи гуруҳлар)нинг (кейинги ўринларда — ҳукуматлараро комиссиялар) Ўзбекистонга оид қисмлари фаолияти самарадорлигини ошириш мақсадида:

1. Қуйидагилар хорижий мамлакатлар билан ҳамкорлик қисмидаги фаолиятнинг асосий вазифалари ва йўналишлари этиб белгилансин:

а) ҳукуматлараро комиссиялар:

савдо ҳамкорлигини ривожлантириш, маҳаллий экспортёрлар учун хорижий мамлакатларда қулай савдо режимларини шакллантириш, шу жумладан савдо тўсиқларини олиб ташлаш ва божхона тартиб-таомилларини соддалаштириш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш;

савдо-иқтисодий, инвестициявий, технологик, молиявий-техник, илмий-техник, туристик ва маданий-гуманитар соҳаларда ҳамда бошқа устувор йўналишларда икки томонлама ҳамкорликни кенгайтириш;

ташқи иқтисодий фаолиятда маҳаллий иштирокчилар томонидан амалга ошириладиган ташқи савдо ва инвестициявий лойиҳаларни илгари суриш ва қўллаб-қувватлаш;

олий ва юқори даражадаги ташрифлар чоғида эришилган келишувларни амалга ошириш бўйича масъул вазирликлар ва идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятининг комплекс масалаларини ҳал қилиш ва мувофиқлаштириш;

иммиграция, шу жумладан меҳнат миграцияси бўйича муаммоли масалаларни ҳал қилиш;

хорижий мамлакатлар билан икки томонлама ҳамкорлик ҳолатини таҳлил қилиш ҳамда икки томонлама шартномалар ва битимларнинг бажарилишини таъминлаш;

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 24 майда эълон қилинган.

хорижий мамлакатлар билан ҳамкорликни самарали йўлга қўйиш ва ривожлантириш бўйича норматив-ҳуқуқий базани шакллантириш ва такомиллаштириш;

б) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

ҳукуматлараро комиссияларнинг Ўзбекистонга оид қисмлари фаолиятини мувофиқлаштириш;

Ўзбекистон томонидан ҳукуматлараро комиссиялар ҳамраислари даражаси бўйича таклифлар киритиш;

ҳукуматлараро комиссиялар фаолиятини такомиллаштириш бўйича таклифлар киритиш;

Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги томонидан якуний баённомалар ва қабул қилинаётган «йўл хариталари»ни амалга оширишнинг бориши тўғрисида тақдим этиладиган маълумотларни умумлаштириш;

ҳукуматлараро комиссиялар, ҳукуматлараро комиссияларнинг Ўзбекистонга оид қисмлари ҳамраислари ва аъзолари фаолиятининг натижадорлиги ва самарадорлигини, шунингдек, улар томонидан тасдиқланган иш режаларининг бажарилишини таҳлил қилиш;

ҳукуматлараро комиссияларнинг Ўзбекистонга оид қисмлари ҳамраислари ва аъзолари фаолиятини тасдиқланган самарадорлик ва натижадорлик мезонлари бўйича баҳолаш натижалари асосида уларни моддий рағбатлантириш ва интизомий чораларни кўриш;

в) Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги:

хорижий томон билан тадбирларни ўтказиш муддатлари, хорижий делегациялар таркибини, чора-тадбирлар сценарийлари, кун тартиби лойиҳаларини, йиғилиш баёнлари ва имзога тайёрланган икки томонлама ҳужжатларнинг ишлаб чиқилиши ва келишилишини таъминлаш, шунингдек, ташкилий-баённома тусидаги барча масалаларни ҳал қилиш;

ҳукуматлараро комиссияларнинг Ўзбекистонга оид қисмларининг кун тартибларини, якуний баённомалар, иш таркиби ва жадвалларини шакллантириш;

вазирликлар ва идораларнинг хорижий мамлакатлар билан сиёсий, илмий-техник, туристик ва маданий-гуманитар ҳамкорлиги қисмидаги, шунингдек, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги билан биргаликда Ўзбекистон Республикасининг хорижий муассасаларидаги ҳукуматлараро комиссиялар йиғилишлари доирасидаги савдо-иқтисодий масалалар бўйича маслаҳатчиларининг фаолиятини мувофиқлаштириш;

ҳукуматлараро комиссияларнинг Ўзбекистонга оид қисмлари ҳамраисига йиғилишларни ўтказиш учун зарур бўлган материаллар тўпламини (ахборот маълумотномалари, суҳбатлар ва чиқишларга тезислар лойиҳаларини ва бошқаларни) киритиш;

ҳукуматлараро комиссияларнинг Ўзбекистонга оид қисмлари котибияти функцияларини бажариш;

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири томонидан тасдиқланадиган ҳар йилги ҳукуматлараро комиссиялар йиғилишларига тайёргарлик кўриш ва

уни ўтказиш бўйича иш режалари амалга оширилишининг боришини мониторинг қилиш;

хукуматлараро комиссияларнинг Ўзбекистонга оид қисмлари аъзоларини рағбатлантириш ёки интизомий чоралар кўриш бўйича таклифлар билан бирга хукуматлараро комиссиялар йиғилишлари якунлари юзасидан эришилган келишувлар ижроси ҳолати тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ҳар чоракда сиёсий, илмий-техник ва маданий-гуманитар ҳамкорлик бўйича ҳисоботларни киритиш;

г) Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги:

вазирликлар ва идораларнинг инвестициялар, илғор технологияларни жалб қилиш, шунингдек, хукуматлараро комиссиялар йиғилишлари доирасида маҳаллий товарлар ва хизматлар номенклатураси ва экспорт ҳажмларини кенгайтириш фаолиятини мувофиқлаштириш;

хукуматлараро комиссияларнинг савдо-иқтисодий, инвестициявий, банк-молия, транспорт-логистика, саноат-технологик ва техник ҳамкорлик қисмидаги йиғилишлари кун тартиби ва таркиби бўйича таклифлар тайёрлаш;

хукуматлараро комиссияларнинг Ўзбекистонга оид қисмлари аъзоларини рағбатлантириш ёки интизомий чоралар кўриш бўйича таклифлар билан бирга хукуматлараро комиссиялар йиғилишлари якунлари юзасидан эришилган келишувлар ижроси ҳолати тўғрисида савдо-иқтисодий, инвестициявий, банк-молия, саноат-технологик ва техник ҳамкорлик бўйича ҳисоботларни ҳар чоракда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритиш ва умумлаштириш учун Ташқи ишлар вазирлигига жўнатиш;

хукуматлараро комиссиялар йиғилишлари доирасида хорижий ҳамкор-мамлакатлар билан икки томонлама бизнес-форумларни мажбурий тарзда ўтказиш масалаларини тайёрлаш;

манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда хукуматлараро комиссиялар йиғилишлари давомида имзолаш учун қатъий савдо-инвестициявий келишувлар ва шартномалар рўйхатини ишлаб чиқишни таъминлаш;

Комиссиялар йиғилишларининг самарадорлигини ошириш ва натижадорлигини таъминлаш мақсадида Ташқи ишлар вазирлиги билан биргаликда хорижий ҳамкор-мамлакатлар билан (алоқадор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ишлаб чиқилган шартномалар ва келишувлар асосида) хукуматлараро комиссиялар йиғилишлари ўтказилишининг мақсадга мувофиқлиги тўғрисида хулосалар ва асосларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритиш;

хукуматлараро комиссияларнинг якуний баённомаларига киритиш учун Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий манфаатлари ва устуворликларини илгари суришга йўналтирилган аниқ таклифларни ишлаб чиқиш;

аниқ инвестициявий лойиҳалар ва савдо шартномаларини амалга ошириш бўйича битимлар ва келишувларни ишлаб чиқишни мувофиқлаштириш ва хукуматлараро комиссиялар йиғилишлари доирасида имзолашга тайёрлаш;

д) Ўзбекистон Республикасининг хорижий муассасалари:

ҳукуматлараро комиссияларнинг Ўзбекистонга оид қисмларига хорижий муассаса бўлган мамлакатда йиғилишлар ўтказилишида, улар яқунлари бўйича аниқ келишувларга эришишда, шунингдек, уларнинг мониторинги ва ўз вақтида бажарилишини таъминлаш борасида амалий ёрдам кўрсатиш;

ҳукуматлараро комиссиялар кун тартиби ва якуний баённомаларига киритиш учун аниқ таклифлар ишлаб чиқиш, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий манфаатлари ва устуворликларини илгари суришга йўналтирилган келишувлар ва савдо-инвестициявий шартномаларни ишлаб чиқиш;

хорижий муассаса томонидан амалга оширилган ишлар ва хорижий ҳамкорлардан келиб тушган маълумотлар таҳлили асосида, эришилган келишувларни амалга ошириш ҳолати тўғрисида ҳар чоракда ҳисоботлар тайёрлаш;

аниқ лойиҳалар, дастурлар ва келишувларни амалга ошириш бўйича Ўзбекистон Республикаси давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳамда ташриф буюриладиган давлатлар билан амалий ҳамкорлик қилиш;

ташриф буюриладиган мамлакат иқтисодий конъюнктураси ва бозорларининг ривожланиш динамикасини таҳлил қилиш орқали экспортни илгари суриш, инвестицияларни жалб қилиш ва туризмни ривожлантириш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш;

ташқи иқтисодий вазифаларни ҳал этиш мақсадида давлатлараро ҳамкорлик муносабатларини, шу жумладан ташриф буюриладиган мамлакатнинг ишбилармон доиралари билан узвий алоқаларни ўрнатиш ва салоҳиятли ҳамкорларнинг алоқа базасини кенгайтириш орқали мустаҳкамлаш;

республиканинг экспорт, инвестициявий ва туристик салоҳияти ҳақидаги маълумотларни тарқатиш, шунингдек, мамлакатнинг ижобий имиджини ва унинг халқаро рейтинглардаги ўрнини мустаҳкамлаш чораларини кўриш;

е) Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси — ҳукуматлараро комиссиялар йиғилишлари яқунлари бўйича тасдиқланган баённомалар ва «йўл хариталарида» кўрсатилган тадбирларнинг тўлиқ ва ўз вақтида бажарилишини ташкил қилиш ва назоратини амалга ошириш.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Халқаро ҳамкорлик бўлимига қўшимча 3 та штат бирлиги киритилсин.

3. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси ва хорижий мамлакатлар ўртасида икки томонлама ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро комиссиялар (қўмиталар, кенгашлар ва ишчи гуруҳлар)нинг Ўзбекистонга оид қисмлари раислари ва раис ўринбосарлари рўйхати 1-иловага* мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси ва хорижий мамлакатлар ўртасида икки томонлама ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро комиссиялар (қўмиталар, кенгашлар ва ишчи гуруҳлар)нинг Ўзбекистонга оид қисмлари тўғрисидаги низом 2-иловага* мувофиқ;

Хорижий мамлакатлар ва халқаро ташкилотлар билан савдо-иқтисодий,

* 1-2-илловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

инвестициявий ва туристик ҳамкорлик масалалари бўйича идоралараро мувофиқлаштириш ва ўзаро ҳамкорлик тўғрисидаги низом 3-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

4. Белгилаб қўйилсинки:

ҳукуматлараро комиссияларнинг Ўзбекистонга оид қисмлари таркиби Ўзбекистон Республикаси Бош вазири томонидан тасдиқланади;

ҳукуматлараро комиссияларнинг Ўзбекистонга оид қисмлари таркибига мажбурий тартибда Ташқи ишлар вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги вакиллари ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси масъул ходимлари киритилади;

2019 йил 1 июлдан ҳукуматлараро комиссияларнинг Ўзбекистонга оид қисмлари ҳамраислари ва аъзоларига нисбатан, улар фаолиятининг самарадорлиги ва натижадорлигини баҳолаш якунларидан келиб чиққан ҳолда, уларнинг лавозим маошининг 50 фоизигача бўлган миқдорда моддий рағбатлантириш ва интизомий жазо чораларини қўллаш тартиби жорий этилади.

5. Қўйидагилар ҳукуматлараро комиссияларнинг Ўзбекистонга оид қисмлари фаолияти самарадорлиги ва натижадорлигини баҳолашнинг асосий мезонлари этиб белгилансин:

хорижий ҳукуматлар билан мавжуд масалаларни ҳал қилишга йўналтирилган келишувлар сони;

ҳисобот даврида ўтказилган «бизнес форумлар» доирасида жалб қилинган хорижий инвестициялар ҳажми;

ҳисобот даврида ўтказилган «бизнес форумлар» доирасида тузилган экспорт контрактлари ҳажми;

олий ва юқори даражадаги ташрифлар чоғида эришилган келишувларни амалга ошириш бўйича комплекс масалаларнинг ҳал қилиниши.

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда:

ҳукуматлараро комиссиялар йиғилишларини ўтказиш жадвалини;

ҳар бир мамлакат билан ўзаро манфаатли ҳамкорликни кенгайтириш, республиканинг манфаатлари ва ташқи иқтисодий устуворликларини илгари суриш, шунингдек, инвестицияларни жалб қилиш, экспортни ва туристик салоҳиятни илгари суриш бўйича аниқ келишувлар ва битимлар имзолаш масаласини кўриб чиқишга қаратилган амалий таклифлар ва чора-тадбирларни белгилаган ҳолда ҳукуматлараро комиссияларнинг Ўзбекистонга оид қисмлари батафсил иш режаларини;

ҳукуматлараро комиссиялар кесимида баҳолаш мезонларининг бошланғич қийматларини назарда тутган ҳолда ҳукуматлараро комиссияларнинг Ўзбекистонга оид қисмлари ҳамраислари ва аъзоларини моддий рағбатлантириш ва жавобгарлигини ошириш мақсадида уларнинг фаолиятини баҳолаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқласин.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳукуматлараро комиссияларнинг Ўзбекистонга оид қисмлари фаолияти самарадорлигини ва натижадорлигини баҳолаган ҳолда улар иш режалари бажарилишининг

* 3-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

боришини ҳар чоракда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Раёсати мажлисларида кўриб чиқилишини таъминласин.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 28 январдаги «Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ишини ташкил этишнинг сифат жиҳатидан янги тизимини жорий этиш тўғрисида»ги ПҚ–4136-сон қарорига 4-иловага* мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 9 январдаги «Ўзбекистон Республикаси билан хорижий мамлакатлар ўртасида икки томонлама ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро комиссиялар (қўмиталар, кенгашлар ва ишчи гуруҳлар)нинг ўзбек қисмлари таркибларини тасдиқлаш тўғрисида»ги ПҚ–3470-сон қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

10. Ташқи ишлар вазирлиги бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

11. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Хавфсизлик кенгаши котиби В.В. Махмудов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Э.М. Фаниев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2019 йил 23 май,
ПҚ–4331-сон

* 4-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

БЕШИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА КОММУНИКАЦИЯЛАРИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ ВАЗИРИНИНГ
БЎЙРУҒИ

394 Почта алоқаси хизматларини кўрсатиш қоидаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 20 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2219-10

Ўзбекистон Республикасининг «Умумжаҳон почта иттифоқининг Уставига Тўққизинчи қўшимча баённомани (Истанбул, 2016 йил 6 октябрь) ратификация қилиш тўғрисида»ги ва 2018 йил 22 октябрдаги ЎРҚ–503-сон «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига жамоат хавфсизлигини таъминлашга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 ноябрдаги ПҚ–4002-сон «Халқаро шартномаларни тасдиқлаш тўғрисида»ги, 2018 йил 7 декабрдаги ПҚ–4055-сон «Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2019 йил 28 январдаги ПҚ–4136-сон «Ўзбекистон Республикаси Хукумати ишини ташкил этишнинг сифат жиҳатидан янги тизимини жорий этиш тўғрисида»ги, 2019 йил 5 февралдаги ПҚ–4160-сон «Жаҳон банки ва халқаро молия корпорациясининг «Бизнес юритиш» йиллик ҳисоботида Ўзбекистон Республикасининг рейтингини яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорларига ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 12 ноябрдаги 330-сон «Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш, ундан олиб чиқиш ва транзит тарзида ўтказиш тартибини, шунингдек уларнинг муомалада бўлиши юзасидан назоратни такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги бош директорининг 2011 йил 22 февралдаги 1-ю-сон буйруғи (рўйхат рақами 2219, 2011 йил 18 апрель) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й., 16-сон, 167-модда) билан тасдиқланган Почта алоқаси хизматларини кўрсатиш қоидаларига иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 20 майда эълон қилинган.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

Ш. САДИКОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 2 апрель,
195-мҲ-сон

Ўзбекистон Республикаси
ахборот технологиялари ва коммуникацияла-
рини ривожлантириш вазирининг 2019 йил
2 апрелдаги 195-мҲ-сон буйруғига
ИЛОВА

**Почта алоқаси хизматларини кўрсатиш қоидаларига
киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. 3-бандда:

биринчи хатбоши «почта алоқаси хизматларини» сўзларидан кейин «(почта, курьерлик жўнатмаларини қабул қилиш, қайта ишлаш, ташиш ва етказиб бериш)» деган сўзлари билан тўлдирилсин;

тўртинчи хатбоши қуйидаги мазмундаги жумла билан тўлдирилсин:

«Умумжаҳон почта иттифоқининг бланклари ва ҳужжатларидан фақат тайинланган оператор томонидан фойдаланилиши мумкин.».

2. Қуйидаги мазмундаги 40¹ ва 40²-бандлар билан тўлдирилсин:

«40¹. Форматига боғлиқ ҳолда ёзма хат-хабарли жўнатмалар қуйидагиларга ажратилади:

ичида ҳужжатлар бўлган кичик форматдаги хатлар;

ичида ҳужжатлар бўлган катта форматдаги хатлар;

ичида ҳужжатлар бўлган форматга мос бўлмаган хатлар ва ичида то-варлар бўлган майда пакетлар.

40². Жўнатувчи хабарни моддий ёки электрон шаклда қабул қилинадиган, телекоммуникация тармоқларидан фойдаланиб ишлов бериладиган, ёзма хат-хабарли жўнатмага ўзгартириладиган ва олувчига моддий кўринишда топшириш имкониятини берадиган гибрид почта орқали жўнатиши мумкин.».

3. 56-банддаги «Почта маркаларини устма-уст ёпиштириш тақиқланади. Маркалар» деган сўзлар «Жўнатувчи жўнатилаётган ёзма хат-хабарларга кўрсатилаётган почта алоқаси хизматлари учун тўлов суммасидаги почта тўловининг давлат белгиларини туширади. Битта почта тўловининг давлат белгисини бошқа давлат белгисининг устига тушириш тақиқланади. Почта маркалари» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

4. 64-банднинг иккинчи хатбошисидаги «юбориш учун, жўнатувчининг муҳри ёки пломбаси остида ҳам очик, ҳам ёпиқ ҳолда топширилиши мумкин (буюртма хатларни жўнатишда конверт клапанларида жўнатувчилар-

га берилган муҳр изи туширилган ҳолда)» деган сўзлар «юбориш учун ёпик ҳолда топширилади» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

5. 69-бандда:

қуйидаги мазмундаги иккинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«Устама тўловли пул ўтказмаси почта алоқаси объекти томонидан пул ўтказмалари учун белгиланган тартибда амалга оширилади. Устама тўловли пул ўтказмалари бланкларида почта жўнатмасининг штрихли почта идентификаторининг рақами ҳам кўрсатилади.»;

иккинчи ва учинчи хатбошилар тегишли равишда учинчи ва тўртинчи хатбошилар деб ҳисоблансин.

6. 83-бандда:

биринчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«83. Почта жўнатмаларида, посилкаларига илова қилинадиган бланкларда, шунингдек пул ўтказмаларининг бланкларида жўнатувчи томонидан жўнатувчи ва адресат манзиллари ҳамда телефон рақамлари (мавжуд бўлса) кўрсатилади. Манзилда қисқартирилган номлар, шунингдек манзилга тааллуқли бўлмаган белгилар бўлмаслиги керак.»;

қуйидаги мазмундаги иккинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«Шаффоф манзил ойнаси бўлган конвертларда жўнатиладиган оддий ёки буюртма почта жўнатмасининг ўрови остида почта манзилини кўрсатиши мумкин.»;

иккинчи — ўнинчи хатбошилар тегишли равишда учинчи — ўн биринчи хатбошилар деб ҳисоблансин.

7. 84-бандда:

иккинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

учинчи ва тўртинчи хатбошилар тегишли равишда иккинчи ва учинчи хатбошилар деб ҳисоблансин.

8. 90-банднинг «м» кичик банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«м) етказилиши кузатиладиган почта жўнатмаларига — «Avec suivi» (Кузатиладиган) логотипи ёпиштирилади;».

9. 91, 92 ва 93-бандлар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«91. Халқаро почта алмашувида қуйидаги қўшимча хизматлар кўрсатилади:

жавобли халқаро тижорий хат-хабарлар, у жўнатувчиларга уларнинг чет элдаги корреспондентлари томонидан бериладиган жавобли жўнатмалар учун олдиндан ҳақ тўлаш имконини беради. Уларда фақат ёзма хат-хабарлар ва босма нашрлар жўнатилиши мумкин. Бундай жўнатмаларнинг оғирлиги 50 г дан ошмаслиги керак;

битта жўнатувчи томонидан бир ёки бир нечта олувчилар манзилига жўнатиладиган гуруҳлаштирилган «Консигнация» жўнатмалари;

жўнатувчиларнинг почта жўнатмаси етказиб бериш муассасасига келиши билан дарҳол жўнатмани махсус курьер орқали адресат уйига етказиб бериш илтимоси билан қабул қилинадиган, етказилиши кузатиладиган почта жўнатмалари (буюртма почта варақчалари, хатлар, майда пакетлар, секограммалар ва «М» қоплари);

«товарларни қайтариш» хизматига эга майда пакетлар ва посилкаларни олувчи томонидан жўнатувчининг рухсати билан жўнатувчига қайтарилишини билдиради;

адресатга шахсан топширилишини билдирадиган «A remettre en main propre» (Шахсан топширилсин) белгиси бўлган ёзма хат-хабарли буюртма жўнатмалар, қиймати эълон қилинган хатлар ва посилкалар;

жўнатманинг тариф ва йиғимларни ундирмасдан етказиб бериш. Бунда жўнатувчи белгиланган муассасасида адресатдан талаб қилиниши мумкин бўлган бутун суммани тўлаш мажбуриятини ўз зиммасига олади. Зарур бўлганда жўнатувчи олдиндан тўловни амалга ошириши керак.

92. Халқаро почта алмашувида гуруҳлаштирилган «Консигнация» жўнатмалари, электрон тижорий посилкалари («ECOMPRO» посилкалари) ва жавобли халқаро тижорий хат-хабарлар, «товарларни қайтариш» хизматига эга майда пакетлар ва посилкалар фақат икки томонлама битим имзоланган мамлакатларга жўнатиш учун қабул қилинади.

93. Халқаро хатлар, қиймати эълон қилинган посилкалар, мўрт ва катта посилкалар ва халқаро хатлар, етказилиши кузатиладиган почта жўнатмалари, ёзма хат-хабарлар жўнатмалари ва «Frans de taxes et de droits» (Тарифлар ва йиғимлар ундирмасдан) белгили посилкалар, шунингдек «A remettre en main propre» (Шахсан топширилсин) белгили қиймати эълон қилинган буюртма жўнатмалари, хатлар ва посилкалар фақат уларни қабул қилиш рухсат берилган мамлакатларга жўнатиш учун қабул қилинади. Бу мамлакатлар тўғрисидаги маълумотлар Умумжаҳон почта иттифоқининг Халқаро бюроси томонидан хабар қилинади.»

10. 100-бандда:

биринчи хатбоши қуйидаги мазмундаги иккинчи жумла билан тўлдирилсин:

«Бунда қимматли қоғозлар, маълумотномалар, ҳужжатларнинг нотариал тасдиқланган нусхалари, ҳужжатлар бўлган хатнинг эълон қилинган қиймати йўқолган тақдирда бу ҳужжатларни тиклаш бўйича мумкин бўлган харажатлардан ошиб кетиши мумкин эмас.»;

тўртинчи хатбошидан иккинчи жумла чиқариб ташлансин.

11. 103-банднинг иккинчи хатбошисидаги «устама тўловни» деган сўзлар «устама тўловли пул ўтказмаларини» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

12. 108-банд қуйидаги мазмундаги жумла билан тўлдирилсин:

«Бундай жўнатмаларни топшираётганда улар жўнатувчи томонидан рўйхат бўйича шакллантирилиши керак.»

13. 125-бандда:

«е» кичик бандидаги «(«Expres» («С нарочным») деган сўзлар «(«Avec suivi» (Кузатиладиган)» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

«к» кичик банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

14. 127-бандда:

биринчи хатбоши «почта жавонига йўлланган» деган сўзлардан кейин «буюртма хатлар, бандероллар ва» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

«б» кичик бандида:

иккинчи хатбошидаги «Рўйхатга олинадиган почта жўнатмаси» деган сўзлар «Буюртма хатлар, бандероллар, оғирлиги 500 г дан кўп бўлган майда пакетлар, тезкор почта жўнатмалари, «М» қоплари ва посилкалар» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

учинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ушбу Қоидаларнинг 189-бандида кўрсатилган сақлаш муддати тугагандан кейин, адресатлар томонидан олинмаган оддий хатлар, почта варақчалари, секограммалар, «М» қоплари, тегишли ўровдаги босма нашрлар тарқатилмаган почта жўнатмалари қаторига топширилади. Адресатлар томонидан олинмаган рўйхатга олинадиган почта жўнатмалари ва пул ўтказмалари жўнатувчиларнинг ҳисобидан уларга қайтариб юборилади. Белгиланган сақлаш муддати ўтгандан кейин ёки жўнатувчи қайтариб юборилган почта жўнатмаси ёки пул ўтказмасини олиш ва қайтариб жўнатиш ҳақини тўлашни рад этганда, улар вақтинча сақлаш учун тарқатилмаган почта жўнатмалари қаторига топширилади.»

15. 182-банднинг биринчи хатбошиси «пул ўтказмаси» деган сўзлардан кейин «, устама тўлови пул ўтказмасидан ташқари,» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

16. 183-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«183. Почта, курьерлик жўнатмаларини янги манзил бўйича қайта жўнатиш ва қайтариш учун тўлов ундирилади, унинг миқдори қайтариш (янги манзилга қайта жўнатиш) санасида амал қиладиган тарифлар бўйича белгиланади. Пул ўтказмаларини янги манзил бўйича қайта жўнатиш ва қайтариш учун тўлов ундирилмайди. «Chaqiruv qog'ozı. Buyurtma bildirishnoma bilan» — «Повестка. С заказным уведомлением» белгилари буюртма хатларни янги манзил бўйича қайта жўнатиш амалга оширилмайди.

17. 189-бандда:

қўйидаги мазмундаги иккинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«Почта жўнатмаларини (пул ўтказмаларини) сақлаш муддати почта жўнатмаси (пул ўтказмаси) почта алоқаси объектига келган кундан кейинги иш кунидан бошлаб ҳисобланади.»;

иккинчи хатбоши учинчи хатбоши деб ҳисоблансин.

18. Қоидаларнинг 3-иловасида:

а) 1-банднинг «б» кичик банди «ғиёҳвандлик воситалари» деган сўзлардан кейин «ва уларнинг аналоглари» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

б) 3-бандда:

саккизинчи хатбошидаги «Дори воситалари ва тиббий техникалар сифатини назорат қилиш бош» деган сўзлар «Дори воситалари ва тиббий буюмлар муомаласини тартибга солиш» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

тўққизинчи хатбоши «ғиёҳвандлик воситалари» деган сўзлардан кейин «ва уларнинг аналоглари» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

в) «г» кичик банди қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«г) ғиёҳвандлик воситалари ва уларнинг аналоглари, психотроп моддалар ва прекурсорлар, улар Ўзбекистон Республикасида таркибида ғиёҳванд-

лик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорлар бўлган доривор воситаларни рўйхатга олиш ёки қайта рўйхатга олиш учун намуналар сифатида юборилганда. Гиёҳвандлик воситалари ва уларнинг аналоглари, психотроп моддалар ва прекурсорлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ижтимоий ривожланиш масалалари бўйича котибиятининг кўрсатилган юқларнинг гуманитар ёрдамга тегишлилиги тўғрисидаги хулосасига мувофиқ улар Ўзбекистон Республикасидаги муайян юридик шахсларга юборилаётганда, уларни гуманитар ёрдам кўринишида жўнатишга рухсат берилади.».

19. Мазкур ўзгартириш ва қўшимчалар Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитаси билан келишилган.

*Монополияга қарши
курашиш қўмитаси раиси*

Н. ШАРИПОВ

2019 йил 2 апрель

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРИНИНГ
БҮЙРУҒИ

395 **Ўзбекистон Республикаси ИИВ давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати техника назорати бўйича йўриқномага ўзгартиришлар киритиш тўғрисида***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил
20 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1252-3*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 июлдаги ПФ–5490-сон «Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармониغا мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2003 йил 2 майдаги 137-сон буйруғи (рўйхат рақами 1252, 2003 йил 30 июнь) (Ўзбекистон Республикаси вазириликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг меъёрий ҳужжатлари ахборотномаси, 2003 й., 12-сон) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси ИИВ давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати техника назорати бўйича йўриқномага иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 20 майда эълон қилинган.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

П. БОБОЖОНОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 8 апрель,
88-сон

Ўзбекистон Республикаси
ички ишлар вазирининг 2019 йил
8 апрелдаги 88-сон буйруғига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси ИИВ давлат йўл ҳаракати
хавфсизлиги хизмати техника назорати бўйича
йўриқномага киритилаётган ўзгартиришлар**

1. 2-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«2. ДЙХХХ бўлинмалари техника назорати бўйича ўз вазифаларини Ўзбекистон Республикасининг «Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 11 июлдаги ПҚ–3127-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Йўл ҳаракати хавфсизлиги бош бошқармаси тўғрисидаги низом асосида амалга оширади.»

2. 4-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«4. ДЙХХХ бўлинмалари техника назорати бўйича ўз вазифаларини бажаришда ички ишлар органларининг бошқа хизматлари, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Транспорт вазирлиги, давлат идоралари ҳамда фаолияти йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашга боғлиқ бўлган бошқа ташкилотлар билан ҳамкорлик қилади.»

3. 6-банддаги «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 18 майдаги 221-37-сонли қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси ИИВ йўл ҳаракати хавфсизлиги Бош бошқармаси тўғрисида низом» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 11 июлдаги ПҚ–3127-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Йўл ҳаракати хавфсизлиги бош бошқармаси тўғрисидаги низом» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

4. 7-банд, 5, 6, 8 ва 9-боблар ҳамда 7, 13 — 18-иловалар ўз кучини йўқотган деб топилсин.

5. 8-бандда:

биринчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«8. Туман (шаҳар) ички ишлар бошқарма (бўлим)ларининг йўл ҳаракати хавфсизлиги бўлим (бўлинмаси, гуруҳ)лари қуйидаги вазифаларни амалга оширади:»;

«б» кичик бандидан «(Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2003 й., 1-2-сон, 17-модда)» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

6. 10-банддаги «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 18 майдаги 221-37-сонли қарорига» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 11 июлдаги ПҚ–3127-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Йўл ҳаракати хавфсизлиги бош бошқармаси тўғрисидаги низомга» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

7. 20-банднинг биринчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«20. Туман (шаҳар) ички ишлар бошқарма (бўлим)ларининг йўл ҳаракати хавфсизлиги бўлим (бўлимаси, гуруҳ)лари қуйидаги ўрганишларни амалга оширади:».

8. 22-банднинг «б» кичик бандидаги ва 25-банднинг «в» кичик бандидаги «20» рақамлари «15» рақамлари билан алмаштирилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРИНИНГ БУЙРУҒИ

396 Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги тергов ҳибсхоналари ва жазони ижро этиш муассасаларида сақланаётган шахсларнинг тиббий-санитария таъминоти бўйича қоидаларни тасдиқлаш тўғрисида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил
20 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3159*

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-ижроия кодекси ва «Жиноят ишини юритиш чоғида қамокда сақлаш тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги тергов ҳибсхоналари ва жазони ижро этиш муассасаларида сақланаётган шахсларнинг тиббий-санитария таъминоти бўйича қоидалар иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Қуйидагилар ўз кучини йўқотган деб топилсин:

Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2002 йил 3 сентябрдаги 231-сон «Ўзбекистон Республикаси ИИВ тергов ҳибсхоналари ва жазони ижро этиш муассасаларида сақланаётган шахслар тиббий таъминоти бўйича қоидаларни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 1182, 2002 йил 24 октябрь) (Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 20 майда эълон қилинган.

қўмиталари ва идораларининг меъёрий ҳужжатлари ахборотномаси, 2002 й., 20-сон);

Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2011 йил 29 декабрдаги 193-сон «Ўзбекистон Республикаси ИИВ тергов ҳибсхоналари ва жазони ижро этиш муассасаларида сақланаётган шахслар тиббий таъминоти бўйича қоидаларга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги буйруғи (рўйхат рақами 1182-1, 2012 йил 20 февраль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 8-9-сон, 88-модда).

3. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

П. БОБОЖОНОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 23 март,
67-сон

Ўзбекистон Республикаси
ички ишлар вазирининг 2019 йил 23 мартдаги
67-сон буйруғига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги тергов
ҳибсхоналари ва жазони ижро этиш муассасаларида
сақланаётган шахсларнинг тиббий-санитария
таъминоти бўйича
ҚОИДАЛАР**

Мазкур Қоидалар Ўзбекистон Республикаси Жиноят-ижроия кодекси ҳамда «Жиноят ишини юритиш чоғида қамоқда сақлаш тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги тергов ҳибсхоналари (бундан буён матнда ТҲ деб юритилади) ва жазони ижро этиш муассасаларида (бундан буён матнда ЖИЭМ деб юритилади) сақланаётган шахсларнинг тиббий-санитария таъминотини амалга ошириш тартибини белгилайди.

1-боб. Умумий қоидалар

1-§. Асосий тушунчалар

1. Ушбу Қоидаларда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:
болалар уйи — маҳкума аёлларнинг болаларини сақлаш ва тарбиялашга мўлжалланган болалар муассасаси;
даволаш-профилактика ёрдами кўрсатиш бўлими — ТҲ ва

ЖИЭМда сақланаётган шахсларга бирламчи тиббий-санитария ёрдами кўрсатиш учун мўлжалланган бўлим;

маҳкумларга мўлжалланган ихтисослашган касалхона (бундан буён матнда ихтисослашган касалхона деб юритилади) — маҳкумлар ва қамоққа олинган шахсларга малакали ва ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш учун мўлжалланган касалхона;

профилактик тиббий кўрик — тиббий текширувлар йиғиндисини ташкил этиб, маҳкумларнинг индивидуал хусусиятларини аниқлаш учун аниқ бир мақсадга қаратилган тиббий текширув, касалликларни илк даврида аниқлаш, самарали даволаш турини танлаш ва касалликнинг прогнозини аниқлаш мақсадида ўтказилади;

санитария-гигиена тадбирлари — юқумли ва паразитар касалликлар пайдо бўлишини ҳамда тарқалишини олдини олишга ва уларни барта раф этишга қаратилган ташкилий, тиббий-санитария чора-тадбирлари.

2-§. ТҲ ва ЖИЭМда сақланаётган шахсларнинг тиббий-санитария таъминотини ташкил этиш

2. ТҲ ва ЖИЭМда сақланаётган шахсларга ТҲ ва ЖИЭМда, шунингдек ихтисослашган касалхонада тиббий ёрдам кўрсатиш имконияти мавжуд бўлмаган тақдирда, уларга давлат соғлиқни сақлаш тизимининг тегишли даволаш-профилактика муассасаларида малакали ва ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатилади.

3. Манзил-колонияларда жазо муддатини ўтаётган маҳкумларга ЖИЭМ жойлашган ҳудуддаги давлат соғлиқни сақлаш тизимининг барча даволаш-профилактика муассасалари томонидан тиббий ёрдам кўрсатилади.

4. Ўзбекистон Республикаси «Жиноят ишини юритиш чоғида қамоқда сақлаш тўғрисида»ги Қонунининг 27-моддасига асосан ушлаб турилганлар ва қамоққа олинганларга тиббий хизмат кўрсатиш Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-ижроия кодексининг 87-моддасига мувофиқ озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахсларнинг тиббий-санитария таъминоти республика бюджети ҳисобидан амалга оширилади.

5. ТҲ ва ЖИЭМда сақланаётган шахсларда турли тиббий ва бошқа тажриба ва синовлар ўтказиш қатъиян тақиқланади.

6. ТҲ ва ЖИЭМда сақланаётган шахсларга шахснинг тиббий ёрдамга муҳтожлиги ҳақидаги мурожаати ёки бошқа шахсларнинг мурожаатлари, шунингдек назоратчи ёки муассаса ходимининг шахсга тиббий ёрдам кўрсатилиши зарурлиги ҳақидаги хабарига асосан тиббий ёрдам кўрсатилиши шарт. Бунда ЖИЭМ раҳбари ёки бошқа масъул ходимлар тиббий ёрдамга муҳтож шахснинг олдига тиббиёт ходимларининг зудлик билан киришини таъминлаши керак.

7. ТҲ ва ЖИЭМнинг тиббиёт ходимларига даволаш-профилактика ишларига алоқадор бўлмаган ишларни юклаш, шунингдек бошқа тадбирларга жалб қилиш тақиқланади.

8. ТҲ ва ЖИЭМда сақланаётган шахсларнинг тиббий-санитария таъминоти қуйидагиларни ўз ичига олади:

бирламчи тиббий кўриқдан ўтказиш;

касалликка чалинганларни, шунингдек улардаги касалликларни эрта аниқлаш ва уларни даволаш-профилактик тадбирларини ўтказиш мақсадида профилактик тиббий кўриқлардан ўтказиш;

касаллик белгилари аниқланган шахсларга амбулатор ёки стационар шароитда тиббий ёрдам кўрсатиш;

ихтисослаштирилган даволаш-профилактика муассасалари томонидан кўрсатиладиган тиббий ёрдамга муҳтож бўлган шахсларни тегишли ихтисослаштирилган даволаш-профилактика муассасаларига юбориш;

сурункали касалликлар билан касалланган шахсларни диспансер назоратига олиш;

шахсларнинг ётоқхонаси, овқатланиш жойлари ва меҳнат шароитларини санитария назоратини таъминлаш;

меҳнат қобилияти чекланган ва ногиронлиги бўлган шахсларни тиббий кўриқдан ўтказиш ва тиббий меҳнат-эксперт комиссияси тавсияларига риоя этилишини таъминлаш;

сурункали касалликка чалинган шахсларнинг даволаниши ва соғломлаштирилиши бўйича тавсияларга риоя этилишини таъминлаш.

9. ТҲ ва ЖИЭМда сақланаётган шахсларга тиббий-санитария таъминотини амалга ошириш мақсадида даволаш-профилактика ёрдамини кўрсатиш бўлимлари ташкил этилади. Ушбу бўлимларда беморлар стационар шароитда даволаниши учун мўлжалланган хоналар, шифокор хоналари, овқатланиш хонаси, ювиниш хонаси, ҳожатхона ҳамда юқумли ва руҳий ҳолати бузилган шахсларни алоҳида сақлаш учун мўлжалланган хоналар билан жиҳозланади.

10. ТҲ ва ЖИЭМда сақланаётган шахсларга малакали ва ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш ихтисослашган касалхонада амалга оширилади.

Ихтисослаштирилган касалхонада тиббий ёрдам кўрсатиш имконияти бўлмаганда ёки шошилиш тиббий ёрдам кўрсатиш зарур бўлган ҳолларда, ТҲ ва ЖИЭМда сақланаётган шахслар соғлиқни сақлаш тизимининг даволаш-профилактика муассасаларига жойлаштирилиши мумкин.

11. ТҲ ва ЖИЭМда сақланаётган шахс оғир касалликка чалинган ёхуд у вафот этган тақдирда, муассаса маъмурияти бу ҳақда унинг яқин қариндошларига, қонуний вакилига, жиноят ишини юритаётган мансабдор шахсга ёки органга ва прокурорга дарҳол хабар қилади.

12. ЖИЭМда юқумли касалликка чалинган маҳкумларга яқин қариндошлари билан узоқ муддатли учрашув бериш шифокор хулосаси асосида амалга оширилади.

Озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахс оғир касалликка чалинган тақдирда, телефон орқали қўшимча сўзлашишга, шунингдек шифокорнинг рухсати билан қўшимча учрашувга рухсат берилади.

3-§. Тергов ҳибсхоналарида сақланаётган шахсларнинг тиббий-санитария таъминотини ташкиллаштириш

13. ТХга келтирилган шахслар (транзит билан келаётганлар ҳам) дарҳол, атрофдагиларга эпидемиологик хавф туғдириши мумкин бўлганларни, шошилиш ёки кечиктириб бўлмайдиган тиббий ёрдамга муҳтож беморларни аниқлаш мақсадида бирламчи тиббий кўрикдан ўтказилади. Бирламчи тиббий кўрикдан ўтказишга мажбурий тартибда келтирилганлар умумий камераларга жойлаштирилишидан аввал тана кўриги, антропометрия ва термометрия текширувидан ўтказилади.

14. Бирламчи тиббий кўрик шифокор томонидан ўтказилади ва кўрик натижасида аниқланган касалликлар ёки шикастланишлар тўғрисидаги маълумотлар мазкур Қоидаларнинг 1-иловасига* мувофиқ журналга қайд этилади.

15. ТХга олиб келинган шахслар орасида, тиббий кўрсатмаларга асосан, ўткир касалликларга чалинган ёки шикастланиш оқибатида шошилиш ёхуд стационар тиббий ёрдамга муҳтож беморлар аниқланганда, уларга бирламчи тиббий ёрдам кўрсатилиб зарур бўлган ҳолларда, улар давлат соғлиқни сақлаш тизимининг даволаш-профилактика муассасаларига жойлаштирилади. ТХга келтирилган шахсга шошилиш тиббий ёрдам кўрсатиш зарур бўлганда уларни давлат соғлиқни сақлаш тизимининг тиббий муассасаларига олиб чиқиш ТХ бошлиғининг рухсати билан амалга оширилиб, бу ҳақда 24 соат ичида жиноят ишини юритаётган мансабдор шахс ёки орган ёзма равишда хабардор қилинади.

16. ТХга олиб келинган шахснинг баданига шикаст етказилганлиги аниқланган тақдирда, бу ҳақда уч нусхада далолатнома тузилиб, тергов ҳибсхонаси бошлиғининг ёрдамчиси — тезкор навбатчи ва шахсни олиб келган қоровул бошлиғи томонидан имзоланади. Далолатноманинг бир нусхаси қоровул бошлиғига, иккинчи нусхаси тергов ҳибсхонаси бошлиғининг ёрдамчиси — тезкор навбатчига, учинчи нусхаси даволаш-профилактика ёрдамчиси кўрсатиш бўлимига берилади. Мазкур ҳолат юзасидан ТХ тезкор-қидирув хизмати ходимлари томонидан текширув ўтказилиб, натижалари тегишли ҳудудий прокуратурага юборилади.

17. ТХга келтирилган шахсларнинг ҳар бирига амбулатор тиббий карта юритилиб, шифокор томонидан бирламчи тиббий кўрик натижалари тўғрисидаги маълумотлар қайд этилади.

18. Ўткир юқумли касалликка чалинганлар ёки гумон қилинган шахслар кўрикдан сўнг дарҳол соғлом кишилардан ажратилади. Бу шахсларда бирламчи санитария ишлови охириги навбатда ўтказилади, уларнинг кийимлари ва шахсий буюмлари албатта зарарсизлантирилади, сўнгра бу шахслар даволаш-профилактика ёрдамчиси кўрсатиш бўлими изоляторига жойлаштирилиб, уларга қўшимча текширув ва даволаш-профилактика муолажалари тайинланади.

19. ТХга келтирилганлар орасида руҳий ҳолати бузилган, ўзига ёки

* 1-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

атрофидагиларга тажовузкор шахслар аниқланганда, уларни шифокор психиатр ёки психолог кўригидан сўнг камераларга жойлаштиришга рухсат этилади. ТХда шифокор психиатр ёки психолог бўлмаган тақдирда, бу шахслар даволаш-профилактика ёрдамни кўрсатиш бўлимига жойлаштирилиб, 72 соат ичида шифокор психиатр жалб қилган ҳолда кўриқдан ўтказилиши ташкиллаштирилади.

20. ТХга келтирилган шахслар (транзитдан ташқари) уч кун ичида даволаш-профилактика ёрдамни кўрсатиш бўлимида мавжуд шифокорлар томонидан профилактик тиббий кўриқдан ўтказилади. Профилактик тиббий кўриқ давомида уларда сил касаллиги, ОИВ-инфекцияси, тери-таносил ва бошқа касалликларни аниқлаш мақсадида флюорография (рентген) текшируви ва қўшимча лаборатор текширувлари ўтказилади. Маҳкум ёки қамоққа олинган шахсга флюорография (рентген) текшируви ўтказилганлиги тўғрисида мазкур Қоидаларнинг 2-иловасига* мувофиқ маълумотнома тузилиб, унинг амбулатор тиббий картасига бириктирилади. Тиббий кўрсатмаларга биноан, уларга қўшимча текширувлар ва мутахассис шифокорлар кўриги тавсия этилиши мумкин.

21. ТХда сақланаётган шахсларнинг соғлиғини мунтазам назорат қилиш мақсадида ҳар олти ойда бир маротаба флюорография (рентген) текшируви, лаборатория текшируви (умумий қон, сийдик таҳлили), антропометрия ва шифокор терапевт кўриги ўтказилади. Тиббий кўрсатмаларга кўра бошқа текширувлар ва мутахассис шифокор кўриги тавсия этилиши мумкин.

22. ТХда сақланаётган шахсларнинг тиббий-санитария ёрдамни тўлиқ амалга ошириш, шунингдек, касаллик ривожланишининг олдини олиш мақсадида тергов ҳибсхонасида сақланаётган ҳар бир шахс куннинг исталган вақтида назоратчи (навбатчилик қисми)га мурожаат қилиши мумкин ва уларга даволаш-профилактика ёрдамни кўрсатиш бўлими ходимлари томонидан зарур тиббий ёрдам кўрсатилади.

23. ТХда сақланаётган шахсларга даволаш-профилактика ёрдамни кўрсатиш бўлимида тиббий ёрдам кўрсатиш имконияти бўлмаган тақдирда, улар ҳудудий давлат соғлиқни сақлаш тизимининг даволаш-профилактика муассасаларига жойлаштирилади. Тергов ҳибсхонасида сақланаётган шахсни ҳудудий давлат соғлиқни сақлаш тизимининг тиббий муассасаларига олиб чиқилганлиги ушбу Қоидаларнинг 3-иловасига* мувофиқ журналга қайд этилади.

24. ТХда сақланаётган шахсларга шошилиш тиббий ёрдам кўрсатиш зарур бўлганда, тиббий кўрсатмаларга биноан тез тиббий ёрдам хизмати ходимлари чақирилади.

25. ТХда сақланаётган шахслар тан жароҳати олганда тиббиёт ходимлари томонидан кечиктирмасдан тиббий гувоҳлантириш ўтказилади. Тиббий гувоҳлантириш тергов ҳибсхонаси бошлиғининг ёхуд жиноят ишини юритаётган мансабдор шахснинг ёки органнинг шахсий ташаббусига ёхуд қамоққа олинганнинг ёки унинг химоячисининг илтимосига кўра чиқарилган қарор асосида давлат соғлиқни сақлаш тизимининг тиббий муассасала-

* 2-3-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ри ходимлари томонидан амалга оширилади. Тиббий гувоҳлантиришни ўтказишнинг рад этилиши устидан прокурорга шикоят қилиниши мумкин.

26. ТХда беморларни амбулатор қабул қилиш шифокор (фельдшер) томонидан махсус жиҳозланган хонада олиб борилади. Тиббий кўрсатмаларга кўра стационар шароитда даволанишга муҳтож беморлар даволаш-профилактика ёрдами кўрсатиш бўлимининг махсус камераларига жойлаштирилади.

27. ТХда сақланаётган шахслар томонидан дори воситаларининг қабул қилиниши тиббиёт ходими назорати остида амалга оширилади. Дори воситалари беморлар кўлига фақат бир кунлик истеъмол учун тиббиёт ходимининг рухсати билан берилади. Даволаниши узлуксиз давом этадиган (юрак қон-томир, артериал қон босимининг кўтарилиши билан кечадиган гипертоник касалликлар, қандли диабет, тутқаноқ ва бошқа шу каби касалликларга чалинган) беморларга тиббиёт ходими томонидан тайинланган дори воситалари бериб қўйилиши мумкин. Гиёҳвандлик воситалари ва уларнинг аналоглари, психотроп моддалар ҳамда прекурсорларни беморларнинг кўлига бериш қатъиян тақиқланади.

28. Шифокор томонидан беморга тайинланган тиббий муолажалар ҳамшира томонидан (ёки фельдшер) бажарилади ва ишлатилган дори воситалари тўғрисида мазкур Қоидаларнинг 4-иловасига* мувофиқ журналга қайд қилиб борилади. Кундалик ишлатиш учун зарур бўлган дори воситалари махсус шкафларда қулфланган ҳолда сақланади.

29. ТХнинг даволаш-профилактика ёрдами кўрсатиш бўлими тиббиёт ходимлари томонидан тавсия этилган ва амалга оширилган ҳар бир тиббий муолажа ва кўриклар ҳақидаги маълумотлар маҳкумнинг ёки қамоққа олинган шахснинг амбулатор тиббий картасига қайд этиб борилади.

30. ТХда сақланаётган шахсларни қарцер ёки бир кишилик камерага жойлаштиришдан аввал улар тиббий кўриқдан ўтказилиб, кўрсатиб ўтилган жойларда сақланиши мумкин ёки мумкин эмаслиги ҳақида мазкур Қоидаларнинг 5-иловасига* мувофиқ маълумотнома тузилади.

31. ТХдан чиқарилаётган ёки бошқа муассасага ўтказилаётган шахслар қайта тиббий кўриқдан ўтказилади. Бошқа муассасага ўтказилаётган ҳар бир шахснинг умумий соғлиги ва кўрик натижалари ҳақидаги маълумот кўриқни ўтказган тиббиёт ходими томонидан унинг амбулатор тиббий картасига қайд қилинади.

32. Транспортда олиб юриш мумкин бўлмаган беморларни бир муассасадан бошқасига кўчиришга рухсат этилмайди, ихтисослашган касалхона ёки даволаш-профилактика муассасаларига ўтказилаётганлар бундан мустасно.

4-§. Жазони ижро этиш муассасаларида маҳкумларнинг тиббий-санитария таъминотини ташкиллаштириш

33. ЖИЭМга келтирилган барча маҳкумлар уларда мавжуд касаллик-

* 4-5-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ларни аниқлаш, жисмоний ҳолатига баҳо бериш ва меҳнатга вақтинча лаёқатсизлигини аниқлаш мақсадида бирламчи тиббий кўрикдан ўтказилади. Тиббий кўрик натижалари уларнинг амбулатор тиббий картасига қайд этилади ҳамда заруратга кўра қўшимча текширувлар тавсия этилади.

34. Озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахс билан жазони ижро этиш муассасасига қабул қилинган пайтдан эътиборан ўн беш кун ичида суҳбат ўтказилади ҳамда жазони ижро этиш муассасасининг карантин хоналарида тиббий кўрикдан ва санитария — гигиена тадбирларидан ўтади. Маҳкум жорий мавсумда флюорография (рентген) текширувидан ўтказилмаган тақдирда флюорография (рентген) текширувидан ўтказилиши шарт. Флюорография (рентген) текшируви ўтказилганлиги тўғрисидаги маълумотлар мазкур Қоидаларнинг 2-иловасига мувофиқ маҳкумнинг амбулатор тиббий картасига қайд қилиб борилади.

35. Маҳкумларни тиббий кўрикдан ўтказиш жазони ижро этиш муассасасига қабул қилиш чоғида, жазони ўташ пайтида вақти-вақти билан, бироқ олти ойда камида бир маротаба, шунингдек мурожаатларга асосан ўтказилади. Тиббий текширувдан ўтказиш махфийлик шартлари асосида амалга оширилади.

36. Маҳкумларни профилактик тиббий кўрикдан ўтказиш муассаса даволаш-профилактик ёрдам кўрсатиш бўлими тиббиёт ходимлари томонидан амалга оширилади. Зарур ҳолларда Ички ишлар вазирлиги жазони ижро этиш бош бошқармаси (бундан буён матнда ИИВ ЖИЭББ деб юритилади) даволаш-профилактика ёрдамини ташкиллаштириш бўлими, ихтисослашган касалхона ёки ички ишлар бошқармасининг тиббиёт бўлимларидан зарур бўлган мутахассисларни жалб этган ҳолда ўтказилади. Профилактик тиббий кўриikka ҳудудий соғлиқни сақлаш тизимидаги мутахассис шифокорлар ҳам жалб этилиши мумкин.

37. Профилактик тиббий кўрик давомида амалга оширилиши лозим бўлган тадбирлар:

антропометрия (бўй, тана вазни ўлчанади);
аёлларни гинекологик кўрикдан ўтказиш ва цитологик текшириш учун суртма олиш (тиббий кўрсатма бўлганда);
тери-таносил касалликларига текшириш;
эшитув ва кўриш ҳолатини текшириш;
умумий қон таҳлилини ўтказиш;
умумий сийдик таҳлилини ўтказиш;
ЭКГ текширувидан ўтказиш;
кўкрак қафасининг флюорография (рентген) текшируви ҳар олти ойда бир марта;
шифокор терапевт, психиатр, стоматолог кўригидан ўтказиш ва лозим топилганда бошқа мутахассис шифокорлар кўригидан ўтказиш.

38. Профилактик тиббий кўрик натижалари ҳақидаги маълумотлар маҳкумнинг амбулатор тиббий картасига қайд этилади.

39. Маҳкумларга амбулатор ёки стационар тиббий ёрдам кўрсатиш

жазони ижро этиш муассасаларининг даволаш-профилактика ёрдами кўрсатиш бўлими томонидан амалга оширилади.

40. Маҳкумларнинг даволаш-профилактика ёрдами кўрсатиш бўлимида амбулатор қабул қилиниши муассасаларда қабул қилинган ички тартиб-қоидалар асосида ўтказилади. ЖИЭМда ҳар бир туркум учун амбулатор қабул қилиш вақти белгиланади.

41. Маҳкумларга тиббий ёрдам кўрсатиш зарур бўлганда назоратчи томонидан даволаш-профилактика ёрдами кўрсатиш бўлимига олиб борилади. Тиббий ёрдам даволаш-профилактика ёрдами кўрсатиш бўлими навбатчи шифокори томонидан кўрсатилади. Кўрсатилган тиббий ёрдам тўғрисидаги маълумот маҳкумнинг амбулатор тиббий картасига қайд этилади.

Шошилич ёрдамга муҳтож беморлар ҳақида даволаш-профилактика ёрдами кўрсатиш бўлимига туркум бошлиғи ёки назоратчи хабар қилади ва навбатчи шифокор томонидан зарур тиббий ёрдам кўрсатилади.

42. ЖИЭМ иш тартиби бўйича тиббиёт ходимлари муассасада бўлмайдиган вақтларда, тиббий ёрдам кўрсатиш учун тиббиёт ходимларини ва тез тиббий ёрдам хизмати транспортини чақириш ҳамда беморни зудлик билан эвакуация қилиш учун транспорт ва конвой билан таъминлашга муассаса бошлиғининг ёрдамчиси — тезкор навбатчи жавобгар ҳисобланади.

43. ЖИЭМ даволаш-профилактика ёрдами кўрсатиш бўлими шошилич тиббий ёрдам кўрсатишга куннинг исталган вақтида тайёр бўлиши лозим. Даволаш-профилактика ёрдами кўрсатиш бўлимида шошилич тиббий ёрдам кўрсатиш учун керакли дори-дармонлар тўплами солинган сумка ёки жамланма доимий равишда тайёр бўлиши керак.

44. Амбулатор тиббий карта қатъий турдаги ҳисобот ҳужжати бўлиб, маҳкумлар қўлига берилмайди. Улар алфавит бўйича ёки туркумлар бўйича даволаш-профилактика ёрдами кўрсатиш бўлимининг қулфланадиган хонасидаги шкафларда сақланади. Уларнинг ҳисоби ва сақланишига даволаш-профилактика ёрдами кўрсатиш бўлими бошлиғи томонидан тайинланган масъул ходим жавобгар бўлади.

45. Маҳкумлар томонидан дори воситаларининг қабул қилиниши тиббиёт ходими назорати остида амалга оширилади. Даволаниши узлуксиз давом этадиган (юррак қон-томир, артериал қон босимининг кўтарилиши билан кечадиган касалликлар, қандли диабет, тутқаноқ ва бошқа шу каби чалинган) беморларга тиббиёт ходимининг рухсати билан бир кунлик истеъмол учун дори воситалари бериб қўйилиши мумкин.

Кундалик ишлатиш учун зарур дори-дармонлар махсус шкафларда қулфланган ҳолда сақланади.

46. ЖИЭМда шифокор томонидан беморга тайинланган тиббий муолажаларни фельдшер (ёки ҳамшира) бажаради ва ишлатилган дори воситалари тўғрисида, мазкур Қоидаларнинг 4-иловасига мувофиқ, журналга қайд этиб борилади.

47. Маҳкумлар интизомий бўлимларга, камера типдаги хоналарга, карцерга ёки бир кишилик камераларга жойлаштирилишидан аввал тиббий

кўриқдан ўтказилиб, кўрсатиб ўтилган жойларда сақланиши мумкин ёки мумкин эмаслиги тўғрисида мазкур Қоидаларнинг 5-иловасига мувофиқ маълумотнома тузилади.

48. ЖИЭМ даволаш-профилактика ёрдамни кўрсатиш бўлими стационарига беморлар шифокорнинг тавсиясига асосан қабул қилинади.

Стационарга ётқизилган беморларга ўрнатилган тартибдаги тиббий хужжатлар расмийлаштирилади. Стационарга бемор режа асосида ёки шошилич тиббий ёрдам кўрсатиш учун ётқизилганда, бу ҳақда туркум бошлиғи ва муассаса бошлиғининг ёрдамчиси — тезкор навбатчи хабардор қилинади.

49. Стационарда беморлар касалликнинг турига қараб алоҳида сақланадилар. Стационарда даволанаётган беморларнинг қариндошлари ва бошқа шахслар билан учрашуви унинг касаллигини ва соғлиғини ҳисобга олган ҳолда шифокор рухсати билан амалга оширилади.

50. Интизомий бўлинмада сақланаётган маҳкумларга тиббий ёрдам кўрсатиш тиббиёт ходимлари томонидан ҳар кунги кўриқ вақтида амалга оширилади. Интизомий бўлинмада сақланаётган маҳкумларга тиббиёт ходими томонидан кўрсатилган ҳар бир тиббий ёрдам тўғрисида мазкур Қоидаларнинг 6-иловасига* мувофиқ журналга қайд этиб борилади.

Юқорида қайд этилган жойларда сақланаётган маҳкумларнинг ҳаётига хавф соладиган касаллик аниқланса, тиббиёт ходими уларни назоратчи кузатуви остида дарҳол муассаса даволаш-профилактика ёрдамни кўрсатиш бўлими стационарига ўтказиш чорасини кўради.

51. Шифокор ёки ўрта тиббиёт ходимининг ёлғиз ўзи турма, махсус тартибдаги ЖИЭМ камераларига ва интизомий бўлинма камераларига назоратчисиз кириши тақиқланади.

52. Маҳкумлар ЖИЭМдан чиқарилаётганида ёки бошқа муассасага кўчирилаётганда якуний тиббий кўриқдан ўтказилади. Маҳкум беморлар, рухий касаллар, хомиладор аёллар ва боласи бор аёллар тиббиёт ходими кузатувида кўчирилади.

5-§. Ихтисослашган касалхонада стационар ёрдамни ташкиллаштириш

53. Ихтисослашган касалхона маҳкумлар ва қамоққа олинган шахсларни сақлаш ва даволашга хизмат қиладиган даволаш-профилактика муассасаси ҳисобланиб, унда беморларга ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатилади.

54. Қамоққа олинган шахсларга ихтисослаштирилган ёки шошилич тиббий ёрдам кўрсатилиши зарур бўлган ҳолларда, улар давлат соғлиқни сақлаш тизимининг тиббий муассасаларига жойлаштирилади. Қамоққа олинган шахсларни ихтисослашган касалхонага юбориш жиноят ишини юритаётган мансабдор шахс ёки орган билан келишилгандан сўнг қамоқда сақлаш жойи бошлиғининг рухсати билан амалга оширилади. Тарбия колонияла-

* 6-илова «Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

рида жазо муддатини ўтаётган вояга етмаган маҳкумлар ҳам ихтисослашган касалхонага юборилиши мумкин.

55. Ихтисослашган касалхонада сил, рухий, тери-таносил ва юқумли касалликлар билан касалланган маҳкумларни алоҳида сақлаш ва даволаш учун бўлинмалар (палаталар) ташкил этилади.

56. Ўткир касалликлар билан оғриган ёки сурункали кечувчи касаллиги хуруж қилган, даволаш-профилактика ёрдамини кўрсатиш бўлими шароитида даволаш имконияти бўлмаган ва даволаш самарасиз ёки бу ерда даволаш ҳаётига хавф солиши мумкин бўлган, даволаш-профилактика ёрдамини кўрсатиш бўлими стационарида даволаш даврида аҳволида ижобий ўзгаришлар кузатилмаган, чуқур диагностик текширув ва клиник кузатувларни талаб қиладиган ҳолларда бемор-маҳкумлар муассаса шифокорининг йўлланмаси асосида ихтисослашган касалхонага жойлаштирилади.

57. Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқишда (ариза, шикоят ва бошқалар) қўшимча тиббий текширувлардан ўтказилиши ёки даволаниши лозим деб топилганлар, тиббий-меҳнат эксперт комиссияларига бирламчи ва қайта кўриқдан ўтиши лозим деб тавсия этилганларга ҳамда режали равишда жарроҳлик муолажаларини ўтказиш зарур бўлган ҳолатларда маҳкумлар касалхонага ИИВ ЖИЭББ Даволаш-профилактика ёрдамини ташкиллаштириш бўлими билан келишилгандан сўнг юборилади.

58. Шошилинич ҳолатларда беморлар шифокорнинг йўлланмаси асосида қамокда сақлаш жойи бошлиғининг рухсати билан ихтисослашган касалхонага юборилади ва қабул қилинади.

Ихтисослашган касалхона мавжуд қоидалар асосида юқумли касалликлар билан оғриган беморларни қабул қилиш, сақлаш ва даволашни таъминлайди.

59. Ўта хавфли юқумли касалликлар билан оғриган беморлар давлат соғлиқни сақлаш тизимининг ихтисослаштирилган даволаш-профилактика муассасаларига жойлаштирилади.

60. Ихтисослашган касалхонада тиббий ёрдам кўрсатиш ёки тиббий текширувлардан ўтказиш имконияти бўлмаган тақдирда беморлар давлат соғлиқни сақлаш тизимининг даволаш-профилактика муассасаларига олиб чиқилиши ва жойлаштирилиши мумкин.

61. Маҳкумлар ва қамокқа олинган шахсларга ихтисослашган касалхона шароитида даволаш яқунланганидан сўнг, улар даволаниш учун юборилган ТХ ёки ЖИЭМга қайтариб юборилади. Фаол сил касаллиги, тери-таносил касаллигига чалинган ҳамда сурункали алкоголизм, гиёҳвандлик ва заҳарвандлик билан мажбурий даволаниши белгиланган маҳкумлар мазкур Қоидаларнинг 7-иловасига* мувофиқ бундай беморларни сақлаш ва даволашга мўлжалланган муассасаларга юборилади.

62. Беморларни ихтисослашган касалхона ҳисобидан чиқариш касалхона бош шифокори ёки унинг ўринбосари рухсати ва мутахассис-шифокорнинг хулосаси асосида амалга оширилади.

* 7-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

63. Ихтисослашган касалхонада юритилган касаллик тарихи архивга топширишдан олдин тўлиқ расмийлаштирилади. Чиқарув эпикризида касаллик анамнези, касалликнинг ривожланиши, асоратлари, ўтказилган даво муолажалари ва унинг самараси ҳамда тиббий тавсиялар ҳақида қисқача маълумотлар берилади. Чиқарув эпикризи даволовчи шифокор, бўлинма бошлиғи ва касалхона бош шифокори (ёки унинг ўринбосари) томонидан имзоланади ва сана қўйилади. Касалхонадан чиқарув эпикриз нусхаси амбулатор тиббий картага бириктириб қўйилади ва тиббий статистика хонасига топширилади.

64. Бемор ихтисослашган касалхонада бўлган даврда жазо муддати тугаган бўлса, унинг соғлиғи ҳолатига кўра доимий парваришга муҳтожлигидан келиб чиқиб қариндошлари ёки бошқа шахслар ёхуд касалхона маъмурияти вакилининг кузатуви остида яшаш жойи ёки ҳудудий соғлиқни сақлаш тизимининг тиббий муассасаларига юборилади.

65. Беморнинг ихтисослашган касалхонадаги ўлим ҳолати даволовчи шифокор томонидан, у бўлмаганда навбатчи шифокор томонидан тасдиқланади. Ихтисослашган касалхонада вафот этганларнинг жасадини ёриб кўриш паталогоанатом томонидан амалга оширилади.

Ихтисослашган касалхонада шифокор паталогоанатом йўқлигида жасадни ёриб кўриш давлат соғлиқни сақлаш тизими муассасаларидан бирининг мутахассиси томонидан амалга оширилади.

66. Ихтисослашган касалхонада маҳкум ёки қамоққа олинган шахс қасдан ўлдирилган бўлса, етказилган жароҳат туфайли, заҳарланиш ёки унинг асоратидан вафот этган бўлса ва тириклик вақтида касаллик белгилари бўлмаган бўлса жасадни суд-тиббий эксперти ёриб кўради.

6-§. Манзил-колонияларида маҳкумларнинг тиббий-санитария таъминотини ташкиллаштириш

67. Манзил-колонияларига келтирилган маҳкумлар соғлиқни сақлаш шифокорлик пунктида бирламчи тиббий кўрикдан ўтказилади. Бирламчи тиббий кўрикдан ўтказиш шифокор томонидан амалга оширилиб, уларда албатта тана кўриги, антропометрия ва термометрия ўтказилади. Бирламчи тиббий кўрик натижалари маҳкумнинг амбулатор тиббий картасига қайд қилинади.

68. Манзил-колонияларида сақланаётган маҳкумлар олти ойда камида бир маротаба, шунингдек мурожаатларга кўра профилактик тиббий кўриқдан ўтказилади. Манзил-колониясида сақланаётган маҳкумларга малакали ва ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш ҳудудий давлат соғлиқни сақлаш тизимининг даволаш-профилактика муассасаларида амалга оширилади.

Манзил-колониясида сақланаётган маҳкумни ҳудудий давлат соғлиқни сақлаш тизимининг даволаш-профилактика муассасаларига олиб чиқилганлиги мазкур Қоидаларнинг 3-иловасига мувофиқ журналга қайд этилади.

69. Манзил-колонияларида сақланаётган маҳкумларга шошилиш тиббий ёрдам кўрсатиш зарур бўлганда, тиббий кўрсатмаларга биноан, тез тиббий ёрдам хизмати ходимлари чақирилади.

70. Манзил-колонияларида беморларни амбулатор қабул қилиш шифокор томонидан махсус жиҳозланган хонада олиб борилади. Тиббий кўрсатмаларга кўра, стационар шароитда даволанишга мухтож беморлар ҳудудий давлат соғлиқни сақлаш тизимининг даволаш-профилактика муассасаларига ўрнатилган тартибда олиб чиқилади.

2-боб. Айрим касалликларда даволаш-профилактик тадбирларни ташкиллаштириш

1-§. Руҳий ва хулқ-атвор бузилишларида даволаш-профилактик тадбирларни ўтказиш

71. ТХ ва ЖИЭМда сақланаётган шахслар орасида руҳий ва хулқ-атвор ўзгаришлари бўлган шахсларни ўз вақтида аниқлаш, уларни даволаш ва ўзгаришларнинг қайталанмаслиги тадбирларини кўриш (психопрофилактика) бу шахсларнинг руҳий саломатлигини асрашга, уларни тарбиявий ва меҳнат тадбирлари жараёнига самарали киришишлари учун ҳамда руҳий ҳолати бузилган шахслар томонидан содир этиладиган ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга имконият яратади.

72. ТХ ва ЖИЭМда руҳий ҳолати бузилган шахсларни аниқлаш бўйича қуйидаги тадбирлар олиб борилади:

шифокор маҳкум ёки қамоққа олинган шахсни тиббий кўрикдан ўтказишдан аввал, бу шахс озодликдан маҳрум қилиниши ва қамоққа олинишига қадар руҳий-асаб касалликлари диспансери ҳисобида турган-турмаганлигини, суд-психиатрия экспертизасига юборилаётганларни ёки шундай текширувдан ўтган шахсларни аниқлаш учун йиғма жилд ва тиббий ҳужжатларни ўрганиб чиқади;

зарур ҳолларда руҳий-асаб касалликлари диспансерларида диспансер ҳисобида турган беморлар амбулатор тиббий картасидан кўчирма ва суд-психиатрия экспертизасини ўтказган муассасадан экспертиза хулосалари нусхаси сўраб олинади.

73. Руҳий ҳолати бузилганлик ташхисини белгилаш, ғайриихтиёрий тартибда психиатрия ёрдами кўрсатиш тўғрисида қарор қабул қилиш ёки бу масалани кўриб чиқиш учун хулоса бериш шифокор психиатр ёки шифокор психиатрлар комиссияси томонидан амалга оширилади. Муассаса даволаш-профилактика ёрдами кўрсатиш бўлимида шифокор психиатр бўлмаганда, бу мақсадлар учун ички ишлар органларининг ёки ҳудудий давлат соғлиқни сақлаш тизимининг даволаш-профилактика муассасаларидан психиатр шифокор жалб этилади.

74. ТХ ва ЖИЭМда сақланаётган шахслар орасидаги руҳий ҳолати бузилган шахслар даволаш-профилактика ёрдами кўрсатиш бўлимида амбулатор ёки стационар шароитга ўтказилган ҳолда даволанади.

75. Бемор касалхонадан (бўлимдан) чиқарилаётганда тўлиқ умумлаштирилган эпикриз, ўтказиладиган амбулатор кузатуви, даволаш ва касаллигига қараб ишга жойлаштириш бўйича тиббий тавсиялар берилади.

76. Руҳий ҳолати бузилганлиги туфайли жазо муддатини ўташдан озод қилиниши мумкин бўлган беморнинг стационар шароитда чуқур ва ҳар томонлама текширилиши мажбурий ҳисобланади.

Бемор стационар шароитда чуқур тиббий текширувдан ўтганидан сўнг камида иккита психиатр шифокор иштирокида психиатрик кўрик далолатномаси тузилган ҳолда ИИВ Махсус тиббий комиссияси кўригига тақдим қилинади. Тиббий кўрик натижалари бўйича ИИВ Махсус тиббий комиссияси маҳкумни касаллиги туфайли муддатидан илгари жазони ўташдан озод қилишга тақдим этиш мумкинлиги ҳақида тиббий хулоса чиқарса, ушбу бемор аввал сақланаётган жойига қайтарилмайди ҳамда муассаса тақдимномасига биноан махсус тиббий комиссиянинг хулосасига асосан маҳкумни ўталмай қолган жазони ўташдан озод қилиш тўғрисида суднинг ажрими чиқарилгунга қадар касалхонада (бўлимда) сақланади.

77. Руҳий ҳолати бузилган шахсга суднинг ажримига биноан тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари қўлланилганда, у кузатуви кучайтирилган руҳий касалликлар шифохонасига тиббиёт ходими кузатувида юборилади.

2-§. Алкоголизм, гиёҳвандлик ва заҳарвандлик бўйича даволаш-профилактик тадбирларни ўтказиш

78. ИИВ ТҲ ва ЖИЭМда алкоголизм, гиёҳвандлик ёки заҳарвандликка йўлиққан шахсларга нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш қонун ҳужжатларига асосан амалга оширилади.

79. Маҳкумларга тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш давомийлиги қонунчиликда белгиланган муддатларга мувофиқ ҳамда гувоҳлантириш ва тиббий текширувлар натижасига асосан ЖИЭМ тиббий комиссияси томонидан ҳал этилади. Аниқ даволаш услуги беморнинг индивидуал белгиларига, касалликнинг тури, даражасига ва унда қўшимча касалликлар бор ёки йўқлигига кўра шифокор нарколог ёки шифокор психиатр томонидан белгиланади.

3-§. Тери-таносил касалликлари бўйича даволаш-профилактик тадбирларни ўтказиш

80. ТҲ ва ЖИЭМда сақланаётган шахслар орасида тери-таносил касаллигига чалинган беморларни аниқлаш, текшириш ва даволаш-профилактик тадбирлар Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган клиник протоколлар ва даволаш стандартларига асосан амалга оширилади.

81. ТҲ ва ЖИЭМда сақланаётган шахслар жинсий йўл орқали юқувчи

касалликлар мавжуд ёки мавжуд эмаслигини аниқлаш мақсадида тиббий кўрикдан ва лаборатор текширувлардан ўтказилади.

82. Маҳкумлар ва қамоққа олинган шахсларда тери-таносил касаллиги ташхиси илк бор аниқланганда, даволаш-профилактика ёрдамиди кўрсатиш бўлими томонидан уч кун муддат ичида бемор қамоққа олингунга қадар яшаган жойидаги тери-таносил касалликлари диспансерига бу ҳақида хабарнома юборилади.

83. Тери-таносил касаллигига чалинган беморни даволанишдан сўнг назоратдан чиқариш ихтисослашган касалхонанинг тери-таносил касалликлари бўлинмасида амалга оширилади.

84. ЖИЭМда захмнинг юқумли шакллари ва бошқа жинсий йўл орқали юқувчи касалликлар аниқланганда, беморлар тўлиқ текшириш ва даволаниш учун ихтисослашган касалхонага юборилади.

85. Юқумли тери-таносил касаллиги туфайли даволанаётган ва касаллиги ҳали юқумли ҳисобланган маҳкумлар манзил-колонияга юборилмайди.

86. Тери-таносил касаллигига чалинган маҳкум жазони ўташдан озод қилинаётганда даволаш-профилактика ёрдамиди кўрсатиш бўлими унинг доимий яшаш жойидаги тери-таносил касалликлари диспансерига унга нисбатан ўтказилган текшириш ва даволаш натижалари, ташхиси ва назоратда бўлганлиги ҳақида хабарнома юборади.

4-§. ОИВ инфекцияси бўйича даволаш-профилактик тадбирларни ўтказиш

87. ТХ ва ЖИЭМга келтирилган шахсларни ОИВ инфекциясига текшириш ихтиёрий асосда амалга оширилади. ОИВ инфекцияси аниқланган шахслар доимий диспансер назоратига олиниб, уларга ҳисоб карточкаси юритилади.

88. ТХ ва ЖИЭМда маҳкумлар ва қамоққа олинган шахслар ОИВ инфекциясини юқтирган-юқтирмаганлигидан қатъи назар умумий асосда сақланадилар.

89. ЖИЭМда ОИВ инфекцияси бўйича ретровирусга қарши даволашни озодликдан маҳрум этиш жойига тушгунга қадар олиб турган шахсларга даволанишни давом эттириш имкони берилади ва озодликка чиққандан сўнг давлат соғлиқни сақлаш тизимининг тиббий муассасаларида узлуксиз даволаниши таъминланади.

ОИВ инфекцияси бўйича ретровирусга қарши даволаш муолажалари ўтказилаётган шахслар ТХ ва ЖИЭМдан чиқарилаётганда ёки бошқа муассасага ўтказилаётганда уларга йўл давомида қабул қилиш учун ретровирусга қарши дори воситалари берилади.

90. ОИВ инфекцияси билан рўйхатга олинган шахс озод этилганда ёки вафот этганда унинг ҳисоб карточкаси яшаш жойи бўйича ОИТСга қарши кураш марказига юборилади. ОИВ инфекцияси билан рўйхатга олинган шахс бир муассасадан бошқасига кўчирилганида ҳисоб карточкаси у юборилаётган муассасага жўнатилади.

5-§. Сил касаллиги бўйича даволаш-профилактик тадбирларни ўтказиш

91. Сил касаллигига қарши курашишни ташкиллаштиришда муассаса тиббий хизматининг асосий мақсади сил касаллигини эрта аниқлаш, олдини олиш ва даволаш чораларини кўриш ҳисобланади. Бунинг учун куйидаги тадбирлар ўтказилади:

сўраб — суриштириш, балғамни лаборатор усулда текшириш ва флюорография (рентген) текшируви орқали сил касаллигига чалинган беморларни эрта аниқлаш;

фаол сил касаллигига чалинган беморларни бошқа шахслардан ажратиш;

сил касаллигига чалинган беморларни стационар ва амбулатор даволаш; сил касаллиги билан рўйхатга олинган беморларнинг диспансер кузатувини олиб бориш;

сил касаллиги билан касалланиш ва сил касаллиги тарқалишининг олдини олиш бўйича профилактик чора-тадбирлар ўтказиш;

маҳкумлар ва қамоққа олинган шахслар орасида санитария-гигиена тадбирлари ва эпидемияга қарши тадбирлар ўтказиш.

92. ТХ ва ЖИЭМда сақланаётган шахслар орасида фаол сил касаллиги аниқланган ёки гумон қилинганлар соғлом шахслардан зудлик билан ажратилади. Қўшимча текширувдан сўнг шифокор фтизиатр жалб этилиши билан дастлабки ёки клиник ташхис қўйилади. Ҳар бир фаол сил касаллиги аниқланган беморлар ҳақида Санитария-эпидемиология назорат (бош) марказларига ўрнатилган тартибда хабарнома берилади. Соғлом шахслар орасида фаол сил касаллигига чалинган беморларни сақлаш қатъиян ман этилади.

93. ТХ ва ЖИЭМда аниқланган фаол сил касаллигига чалинган шахслар алоҳида ажратиб, қисқа вақт ичида малакали тиббий ёрдам кўрсатиш учун ихтисослашган касалхонанинг сил касалликлари бўлинмасига юборилади. Амбулатор шароитда даволанишга мухтож бўлган беморлар сил касаллигига чалинган беморларни даволаш ва сақлаб туриш учун мўлжалланган колонияларга юборилади. Сил касаллигига чалинган беморларни даволаш ва сақлаб туриш учун даволаш ҳуқуқига эга бўлган ЖИЭМда беморларни сақлаш муддати сил касаллиги жараёнининг кечиш динамикасига боғлиқ бўлади.

94. ТХ, ЖИЭМ ва ихтисослашган касалхонада сил касаллигига чалинган беморларни даволаш ва уларнинг диспансер назорати қонун ҳужжатлари асосида амалга оширилади.

95. Сил касаллигига чалинган беморларнинг клиник ташхисини ўзгартириш ва даволашни кейинги босқичига ўтказиш ихтисослашган касалхона бош шифокорининг ўринбосари ёки даволаш-профилактика ёрдамини кўрсатиш бўлими бошлиғи, бўлинма бошлиғи ва шифокор фтизиатр иштирокидаги комиссия томонидан ҳал қилинади.

96. Даволаш-профилактика ёрдамини кўрсатиш бўлими ходимлари ТХ

ва ЖИЭМда сақланаётган шахсларнинг турар жойларидаги сил касаллигига қарши кураш муассасаларини қўйидагилардан хабардор қилишлари шарт: мазкур шахслар сил касаллигига чалинганлиги илк бор аниқланган ҳар бир ҳолат ҳақида;

жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинаётган сил касаллигига чалинган беморлар ҳақида;

мазкур шахсларнинг сил касаллигидан вафот этганлиги ҳолатлари ҳақида.

6-§. Шикастланиш ва заҳарланишларда даволаш-профилактик тадбирларни ўтказиш

97. ТХ ва ЖИЭМга келтирилган барча шахслар бирламчи тиббий кўриқдан ўтказилиб, уларда тан жароҳати ва шикастланиш белгилари бор ёки йўқлиги текширилади. Ҳар бир аниқланган тан жароҳати ва шикастланиш бўйича далолатнома тузилиб, бу ҳақда муассаса бошлиғининг ёрдамчиси — тезкор навбатчи хабардор қилинади ва тиббиёт ходими томонидан билдирги орқали муассаса раҳбариятига ахборот берилади.

98. Маҳқум ёки қамоққа олинган шахс ТХ ёки ЖИЭМда шикастланиш ёки тан жароҳатлари олганда даволаш-профилактика ёрдамини кўрсатиш бўлими ходимлари томонидан тиббий ёрдам кўрсатилади ва кечиктирмасдан тиббий гувоҳлантириш ўтказилади. Тиббий гувоҳлантириш натижалари қайд этилади ва жабрланувчига маълум қилинади. Тиббий гувоҳлантириш қамоқда сақлаш жойи бошлиғининг ёхуд жиноят ишини юритаётган мансабдор шахс ёки органнинг шахсий ташаббусига ёхуд унинг ҳимоячисининг илтимосига кўра чиқарилган қарори асосида давлат соғлиқни сақлаш тизимининг тиббий муассасалари ходимлари томонидан амалга оширилади.

99. ТХ ва ЖИЭМда содир бўлган ҳар бир шикастланиш ва жароҳатланиш ҳақидаги маълумотлар мазкур Қоидаларнинг 8-иловасига* мувофиқ рўйхатга олиш китобига қайд этиб борилади.

100. Маҳқумлар ва қамоққа олинган шахслар ўртасида шикастланиш ва заҳарланишларнинг олдини олиш чора-тадбирлари ТХ ва ЖИЭМнинг барча бўлимлари томонидан ташкил этилади.

101. Шикастланиш ва заҳарланишнинг олдини олишнинг асосий чора-тадбирлари қўйидагилардан иборат:

қонун ҳужжатлари асосида маҳқумлар ва қамоққа олинган шахсларнинг тўғри сақланиши, иш билан таъминланиши, шикастланишлар ва турли бахтсиз ҳодисалардан ҳимоя қилиниши устидан доимий назорат олиб бориш;

хизмат бошлиқлари томонидан қўл остидагилар билан буйруқ ва йўриқномалар талабларини бажариш юзасидан машғулотлар ўтказиш;

маҳқумларни соғлиғи ва малакасига қараб иш билан таъминлаш;

маҳқумлар билан техника хавфсизлиги, жароҳат олганда ва заҳарла-

* 8-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

нишда шахсий профилактика ҳамда биринчи тиббий ёрдам кўрсатишга оид машғулотлар ўтказиш;

техник йўриқнома ва маълум бир ишга ўтказишга рухсат бериш;

турли ишларга техник йўриқнома ва рухсат беришни расмийлаштириш;
санитария-тарғибот ишларини ўтказиш;

жисмонан заиф, сурункали касаллиги мавжуд шахсларни назорат қилиш, уларни меҳнатга жалб қилишда соғлиғини инobatга олган ҳолда тавсиялар бериш;

шикастланиш ва захарланишларнинг асосий сабабларини доимий равишда ўрганиб таҳлил қилиб бориш ва уларнинг олдини олиш борасида аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқиш.

102. ЖИЭМнинг ишлаб чиқариш жойларида санитария-гигиена қоидаларининг қўпол бузилиши аниқланса, уларни тезкор бартараф қилиш учун бевосита муассаса раҳбариятига ахборот берилади. Камчиликларни бартараф этиш чоралари кўрилмаган тақдирда даволаш-профилактика ёрдамини кўрсатиш бўлими бошлиғи ўзидан юқори турган тиббий бошлиққа ахборот беради.

103. ЖИЭМнинг ишлаб чиқариш жойларида маҳкумлар тиббий ёрдам билан қўйидаги тартибда таъминланади:

муассасаларнинг ишлаб чиқариш цехларида тиббий пунктлар ташкил этилади, уларни зарур тиббий буюмлар ва дори воситалари билан таъминлаш муассасанинг тиббий-таъминот учун ажратилган маблағлари ҳисобидан амалга оширилади;

барча цехлар, мустақил участкалар, устахоналар ва бошқа иншоотлар биринчи тиббий ёрдам аптекалари билан таъминланади. Аптекаларнинг сақланиши ва вақтида тўлдирилишига цех ва участка бошлиқлари ҳамда усталар масъул ҳисобланади;

иш вақтида шикастланган маҳкумларга бирламчи ёрдам кўрсатилиб, малакали тиббий ёрдам кўрсатиш зарур бўлганда уларни даволаш-профилактика ёрдамини кўрсатиш бўлимига ёки ҳудудий соғлиқни сақлаш тизимининг даволаш муассасаларига олиб борилиши ташкиллаштирилади.

104. Ишлаб чиқаришда меҳнатга жалб қилинган маҳкумлар махсус кийим-бош, пойабзал, бошқа шахсий ҳимоя ва гигиена воситалари билан бепул таъминланади.

105. Ишлаб чиқаришдаги шикастланиш натижасида меҳнат қобилияти бир кундан кўпроққа йўқотилган ёки асосий ишдан бошқа ишга ўтишга олиб келса, бу ҳақида далолатнома тузилади. Ишлаб чиқаришдаги шикастланиш ёки захарланиш ҳақидаги далолатнома билан текширув материаллари шахсий ҳужжатга бириктириб қўйилади. Шикастланиш, захарланиш ва касбга оид касалланиш ҳолатлари ўрнатилган тартибда текширилади.

Ўтказилган текширув давомида маҳкумнинг ўлиши ёки меҳнат қобилиятини йўқотиши муштрашиш, ўзи томонидан тана аъзоларига зарар етказиш, қотиллик ёхуд атайлаб ҳар хил техник суюқликларни ичиб захарланиши натижасида бўлса, бунда бахтсиз ҳодиса учун тузиладиган белгиланган шаклдаги далолатнома тузилмайди.

106. ТХ, ЖИЭМ ва ихтисослашган касалхонада содир бўлган ҳар қандай фавкулудда ҳолатлар, бахтсиз ходисалар ва ҳар бир ўлим ҳолатлари тўғрисида ИИБ ЖИЭББ ҳамда ИИБ Тиббиёт бошқармаси хабардор қилинади. ТХ ва ЖИЭМ ҳамда ихтисослашган касалхонада содир бўлган ҳар бир ўлим ҳолатлари ҳақидаги маълумотлар мазкур Қоидаларнинг 9-иловасига* мувофиқ рўйхатга олиш китобига қайд этилади.

3-боб. Жазони ижро этиш муассасаларида сақланаётган беморларнинг диспансер назорати

107. Диспансеризациянинг асосий вазифаси маҳкумларнинг саломатлигини муҳофаза қилиш, саломатлигини тўлиқ ўрганиш, касалликларни бошланғич даврида аниқлаш, меҳнатга лаёқатсизликнинг олдини олиш, жисмоний ва руҳий ҳолати устидан шифокорлар назоратини олиб боришдан иборат.

108. Диспансеризация қўйидагиларни ўз ичига олади:

маҳкумларни ҳар йили режали профилактик тиббий кўрик ва тиббий текширишлардан ўтказишни;

касалликларни эрта аниқлаш, шунингдек мунтазам кўрик ва тиббий текширувлардан ўтказиш орқали касалликларга олиб келувчи хавфли омилларни (ортиқча тана вазни, озғинлик, артериал гипертензия ва бошқалар) аниқлаш ҳамда доимий тиббий назорат олиб боришни;

маҳкумларнинг яшаш тарзи ва иш шароитини ўрганиш орқали уларнинг соғлиғига салбий таъсир қилувчи хавфли омилларни аниқлашни, яшаш тарзини ва иш шароитини яхшилашга йўналтирилган чора-тадбирлар ишлаб чиқишни;

диспансер назоратига олинган маҳкумларнинг умумий ҳолатини динамик кузатиш, иш қобилиятини ва соғлиғини тиклаш учун профилактик чора-тадбирлар ҳамда амбулатор ва стационар даволанишларни ўз вақтида ўтказишни;

тиббий ҳужжатларни ўрнатилган тартибда расмийлаштиришни;

соғлом турмуш тарзини шакллантиришга қаратилган тарғибот-ташвиқот ишларини олиб боришни;

диспансеризация самарадорлиги ва сифатини, маҳкумларнинг саломатлик ҳолатини мунтазам таҳлил қилиш ва уни такомиллаштиришга қаратилган режа ишлаб чиқиш ҳамда амалиётга татбиқ қилишни.

109. Диспансеризация тадбирлари икки бўлимдан ташкил топган бўлиб, соғлом контингент ва сурункали касалликлари мавжуд бўлган шахслар билан иш олиб боришдан иборат. Диспансеризациянинг асосий чора-тадбирларидан бири бу соғлом контингентни профилактик тиббий кўриқдан ўтказиш ҳамда сурункали касалликлари мавжуд шахсларга диспансер назорат кўригини ташкил этишдан иборатдир.

110. Ҳар йили профилактик тиббий кўрик режасини ишлаб чиқиш ва уюшган ҳолда ўтказишга, ташкиллаштиришга, тиббий кўрик сифати, қам-

* 9-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

рови ва самарадорлигига жазони ижро этиш муассасалари даволаш-профилактик ёрдам кўрсатиш бўлимининг бошлиғи жавобгардир.

111. Профилактик тиббий кўрик давомида қуйидагилар ўтказилади: антропометрия (тана вазни, бўйи, қорин ва кўкрак қафаси айланаси)-ни ўлчаш;

тана вазни индексини аниқлаш;

ёши ва жинсини инобатга олган ҳолда лаборатор ва инструментал текширувдан ўтиш учун йўлланмалар бериш;

45 ёшдан ошганларда ва ортикча тана вазни бўлганларда ёшидан қатъи назар қон таркибидаги қанд миқдори аниқланади;

30 ёшгача бўлганларга уч йилда бир маротаба ЭКГ текшируви ўтказилади. 30 ёшдан ошган маҳкумларга ва қамокқа олинган шахсларга ҳар йили бир маротаба ЭКГ текшируви ўтказилади. Тиббий кўрсатмаларга кўра қўшимча равишда ЭКГ текшируви ўтказилиши мумкин.

умумий қон ва сийдик таҳлиллари ўтказиш;

112. Маҳкумлар ва қамокқа олинган шахслар соғлиғи ҳолатига қараб қуйидаги гуруҳларга бўлинади:

I гуруҳ (А) — «Соғлом». Иш қобилиятига таъсир қилувчи патологик ўзгаришлар бўлмаган ва касалликларга эга бўлмаган шахслар. Яъни, соғлом шахслар ёки соғлиғида иш фаолиятига таъсир қилмайдиган ва муайян бир ривожланишга эга бўлмаган ўзгаришлар мавжуд шахслар;

II гуруҳ (Б) — «Амалий соғлом». Сурункали характердаги касалликларга эга орган ва тизим функцияси бузилмаган ёки қисман бузилган, ёш билан боғлиқ бўлган ўзгаришларга эга, иш қобилиятининг пасайишига сабаб бўлмайдиган ёки иш қобилиятини сақлаш учун профилактик тадбирлар (маълум муддатга ишдан озод қилиш, дам олиш) ёки соғломлаштириш (амбулатор даволаш) чораларига муҳтож шахслар;

III гуруҳ (В) — «мунтазам шифокорлар назоратига муҳтож». Сурункали характердаги касалликларга эга, саломатлик ҳолатида ёши билан боғлиқ ўзгаришлар мавжуд, вақти-вақти билан хуруж қилиб турадиган касалликлари мавжуд ва иш қобилияти пасайган шахслар. Бундай шахслар мунтазам шифокор назоратида бўлиши лозим ва уларга ўз вақтида профилактик ва даволаш (амбулатор ёки стационар даволаш, касаллик туфайли қисқа муддатга ишдан озод қилиш ва бошқа) чораларини ўтказиш талаб этилади.

113. Турли хил касалликлари бўлган беморларнинг динамик кузатуви қуйидагиларга бўлинади:

сурункали касалликлари бўлган беморларнинг динамик кузатуви;

ўткир кечадиган касалликларни ўтказган шахсларнинг диспансер кузатуви;

туғма касалликлари ва ўсишдаги етишмовчиликлари (нуқсонлари) бўлган беморларнинг диспансер кузатуви.

114. Динамик кузатув учун ҳисобга олинган шахсларга тиббий текширув, мутахассис шифокор маслаҳати ўтказилиш муддатлари, лаборатория ва асбоблар билан текширув ҳажми белгиланади ҳамда даволаш-профилактика ва реабилитация тадбирлари аниқ кўрсатилади. Ҳар бир динамик ку-

затувга олинган шахсга нисбатан даволаш профилактика ва соғломлаштириш тадбирларининг алоҳида режалари тузиб чиқилади.

115. Терапевтик ихтисослик касалликлари, сил, ОИВ-инфекцияси, алкоголизм, гиёҳвандлик, тери-таносил ва руҳий касалликларга чалинган беморларнинг диспансер ҳисоби ва динамик кузатуви Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, ИИВ Тиббиёт бошқармаси кўрсатмалари, йўриқномалари ва тавсиялари асосида ИИВнинг Тиббиёт бошқармаси бош мутахассислари назорати остида ўтказилади.

116. ИИВ ЖИЭМда сақланаётган шахснинг амбулатор тиббий картасига бирламчи ва даврий тиббий кўрик натижалари, диспансер кузатувидаги шахснинг соғлиғида бўлган ўзгаришлар киритилади. Эпикриз йилнинг тўлиқ даври учун кузатув натижалари асосида тузилади. Эпикризда тўлиқ ташхис, даволаш-профилактика тадбирлари режаси, меҳнатга лаёқатлилиги, йил давомида қайтадан ўтказилиши лозим бўлган текширишлар сони ва муддатлари кўрсатилган бўлиши керак.

117. Ҳар бир динамик кузатувга олинган беморларни назорат қилиш учун назорат варақаси тузилади, у шифокор кўрсатмалари бажарилишини назорат қилиш учун тезкор ҳужжат ҳисобланади. Беморларнинг диспансер кузатуви варақасини, касалликлар турига қараб белгилаш тавсия этилади ва шифокор белгилаган қатнаш муддатига қараб алоҳида, ҳар ойга бўлинган ҳолда сақланади. Шифокор ҳафтада бир марта шу варақаларни кўриб чиқади ва текшириш ёки белгиланган муолажаларни бажариш учун беморни даволаш-профилактика ёрдамини кўрсатиш бўлимига ўз вақтида чақириниш чораларини кўради.

118. Ихтисослашган касалхона мутахассис шифокорлари томонидан ТХ ва ЖИЭМда сақланаётган шахсларни профилактик тиббий кўриқдан ўтказишда, диспансер назорат гуруҳида ҳисобда турганларга диспансер кузатувини ташкиллаштиришда ҳамда даволаш-профилактик тадбирларнинг ўтказилишида амалий ёрдам кўрсатилади.

4-боб. Аёллар ва вояга етмаган маҳкумларнинг тиббий-санитария таъминоти

1-§. Аёлларга тиббий ёрдам кўрсатишнинг ўзига хос томонлари

119. ТХ ва ЖИЭМда сақланаётган ҳомиладор аёллар туғиш учун муассаса жойлашган ҳудудий давлат соғлиқни сақлаш тизими туғуруқхоналарига жойлаштирилади.

120. Барча ҳомиладор аёллар диспансер кузатувида бўлади. Акушерлик патологияси ва экстрагенитал касалликлари бор бўлган аёллар алоҳида «хавфли» гуруҳга ажратилади.

121. Ҳомиладор аёл бирламчи кўриқдан ўтаётган пайтда:

ҳаёти ва касаллик тарихи маълумотлари тўпланади, ички секреция безлари фаолияти, ҳайз кўриш, унинг кечиши ва аввалги ҳомиладорлиги, туғиш ва уларнинг кечиши ҳақида маълумотлар йиғилади;

ультратовуш текширувлари ўтказилади, вазни ва артериал қон босими ўлчанади;

лаборатория текширувлари (қоннинг умумий тахлили, сийдикнинг умумий тахлили, Вассерман текшируви ҳомиладорликнинг биринчи ва иккинчи даврида ўтказилади, қон гуруҳи, резуснинг қайси гуруҳга мансублиги, ОИВ инфекциясига текширувлар) ўтказилади;

шифокор терапевт ва стоматолог кўриги ўтказилади.

122. Акушерлик анамнези оғир кечган бўлса, ҳомиладор аёллар токсоплазмозга текширилади ва умумий ҳолатига кўра мутахассис шифокорга кўрсатилади.

Акушер-гинеколог кўригидан ўтиш муддатлари қуйидагича белгиланади:

ҳомиладорликнинг 1 — даврида — 1 ойда 1 марта;

ҳомиладорликнинг 2 — даврида — 1 ойда 2 марта;

ҳомиладорликнинг 32 ҳафтасида — ҳар ҳафтада;

акушерлик анамнези оғир кечган ҳолларда, ҳомиладор аёл касал ҳолларда ёки шу ҳомиладорлик патологик кечаётган (стационар даволаниш зарур бўлмаган) ҳолларда неча кунда кўрик ўтказиш алоҳида ҳал қилинади, зарур бўлса керакли ҳажмда лаборатория текширувлари ўтказилади.

123. Ҳомиладорлик аниқланган вақтдан бошлаб аёллар енгил ишга кўчирилади ва уларда қуйидагилар ўтказилади:

шахсий гигиена қоидалари, иш ва дам олиш тартибини сақлаш ҳақида санитария-тарғибот ишлари ўтказилади;

носоғлом бўлган ҳомиладор аёллар (юррак касалликлари, ҳомиладорлик токсикози ва бошқалар) билан жисмоний тарбия машғулотлари алоҳида тартибда махсус машқлар ёрдамида ўтказилади;

ҳар ҳафтада бир марта туғиш учун аёлни руҳий жихатдан тайёрлаш машқлари ўтказилади;

ҳомиладорликнинг 14 — 16 ҳафтасидан бошлаб «оналар мактаби» дарси ўтказилади.

124. Стационар шароитда текшириш ва даволашга қуйидаги аёллар юборилади:

ҳомиладорлик патологик кечган (токсикознинг оғир кўринишлари, бола ташлаш хавфи бўлганда, нефропатия, преэклампсия, жинсий аъзолар йўлидан қон оққанда, ҳомила ота-онасининг қон резуси қарама-қарши бўлган ҳомиладорликда, муддатидан олдин туғиб қўйиш хавфи бўлган ва бошқа) ҳолларда;

экстрагенитал касалликлар (юррак нуқсони, қон босим касаллиги, гипертериоз, диабет, анемия, лейкоз, цистит ва бошқа) қайд этилган ҳолларда;

амбулатория шароитида ташхис қўйиш, касаллик асоратини аниқлаш имкони бўлмаган ҳолларда.

соғлом бўлган аёлларда туғиш жараёнида қийинчиликлар бўлиши мумкин бўлган ҳолларда (бачадондаги чандик, ҳомила кўндаланг ёки ёнлама жойлашганда, бачадонда бир неча ҳомила бўлганда, ҳомила она қорнида нобуд бўлганда, бачадон миомаси ва бошқалар);

125. Акушерлик стационаридан чиқарилган аёлларда қайта кўрик қуйидаги муддатларда ўтказилади:

7 — 10 кундан кейин — 1-кўрик;

1 ойдан кейин — 2-кўрик;

2 ойдан кейин — 3-кўрик.

126. Биринчи кўрик пайтида акушерлик стационари маълумотлари ўрганилади, шикоятлар аниқланади, тиббий кўрсатмаларга кўра қўшимча текширувлар ўтказилади. Шахсий гигиена талабларини бажариш ҳақида суҳбатлар ўтказилади. Зарурат бўлган ҳолларда мутахассис шифокорлар томонидан маслаҳат кўриклари ўтказилади.

Иккинчи кўрик пайтида аёлнинг шикоятлари ўрганилади, тиббий кўрсатмаларга кўра лаборатор текширувлар ўтказилади.

127. Туғишдан кейинги даврнинг кечиши физиологик ҳолатда бўлса, учинчи кўриқдан сўнг аёл диспансер ҳисобидан ўчирилади. Туққан аёлнинг соғлиги аҳволини шифокор акушер-гинеколог, туғилган чақалоқнинг аҳволи ва ўсишини шифокор педиатр кузатади.

128. ТҲ ва ЖИЭМда сақланаётган барча аёллар профилактик тиббий кўриқдан ўтказилади. Улар шифокор гинеколог томонидан ҳар йили камида бир мартаба кўрилади. Касаллик белгилари аниқланганда шифокор қуйидагиларни ўтказиши:

касаллик тарихи йиғилади;

беморлар умумий ва гинекологик кўриқдан ўтказилади;

бактериологик ва цитологик текширувлар ўтказилади;

режали равишда стационарга ётқизиладиган беморлар аввал тиббий текширувлардан ўтказилади.

129. Аёлларда бор бўлган касалликни даволаш-профилактика ёрдами кўрсатиш бўлими шароитида даволашнинг имкони бўлмаса, улар ўрнатилган тартибда ҳудудий давлат соғлиқни сақлаш тизимининг даволаш-профилактика муассасаларига юборилади.

2-§. Вояга етмаган маҳкумларга даволаш-профилактика ишларини ўтказишнинг ўзига хос томонлари

130. Барча вояга етмаган маҳкумлар ЖИЭМга келтирилганда, улар бўғма (дифтерия) касаллиги бўйича, захм касаллиги бўйича (Вассерман реакцияси), ОИВ инфекцияси, ўткир юқумли ичак ва гижжа касалликлари бор-йўқлигига текширувлардан ўтказилади. Бу текширувлар мусбат натижа берса, уларга нисбатан даволаш-профилактика ва эпидемияга қарши чоралар ўтказилади.

131. ЖИЭМда вояга етмаган маҳкумларни қабул қилиб олиш гуруҳи таркибига кирувчи даволаш-профилактика ёрдами кўрсатиш бўлими бошлиғи муассасага янги келтирилган шахсларнинг саломатлиги ҳолатини ҳамда ёшини эътиборга олган ҳолда ишлаб чиқариш корхоналарида меҳнатга жалб қилиш бўйича ўз тавсияларини беради. Бир вақтнинг ўзида руҳий профилактика ва даволанишга муҳтожлар ҳамда психолог

ва тарбиячи томонидан тарбиявий-психологик таъсирга муҳтожлар аниқланади.

132. ЖИЭМда вояга етмаган маҳкумларга нисбатан тиббий-санитария таъминотини таъминлаш мақсадида қуйидаги тадбирлар ўтказилади:

вояга етмаган маҳкумлар бир йилда икки мартаба профилактик тиббий кўриқдан ўтказилади;

ИИВ ЖИЭББ даволаш-профилактика ёрдамини ташкиллаштириш бўлими томонидан ихтисослашган касалхонанинг мутахассис шифокорларини жалб этган ҳолда профилактик тиббий кўриқ ташкиллаштирилади. Профилактик тиббий кўриқда отоларинголог, невропатолог, окулист, жаррох, стоматолог, психиатр, инфекционист, дерматовенеролог ва терапевт иштирок этади;

профилактик тиббий кўриқ давомида вояга етмаган маҳкумларга антропометрия, тиббий кўрсатмага кўра лаборатория таҳлиллари, флюорография текшируви, ультратовуш текшируви, электрокардиография, эндоскопия текширувлари ўтказилади;

профилактик тиббий кўриқ натижасида ихтисослаштирилган тиббий ёрдамга ҳамда қўшимча текширувларга муҳтож бўлган маҳкумлар ўрнатилган тартибда ҳудудий давлат соғлиқни сақлаш тизимининг даволаш-профилактика муассасаларига ёки ихтисослашган касалхонага юборилиши таъминланади.

133. ЖИЭМда сақланаётган барча вояга етмаган маҳкумлар шифокор психиатр кўригидан ўтказилади. Алкоголизм, гиёҳвандлик ва заҳарвандликка йўлиққан шахсларга нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари шифокор психиатр томонидан тарбиячи ва психолог билан ҳамкорликда олиб борилади. Шунингдек, вояга етмаган маҳкумлар билан соғлом турмуш тарзига амал қилиш, шахсий-гигиена талабларига риоя қилиш, спиртли ичимликлар, гиёҳвандлик воситалари ва уларнинг аналоглари, психотроп ҳамда заҳарвандлик моддаларининг зарарлари ҳақида мунтазам равишда ташвиқот тадбирлари ўтказиб борилади.

5-боб. Болалар уйи хизматини ташкиллаштириш

134. Болалар уйи аёллар учун мўлжалланган ЖИЭМда ташкиллаштирилади. Болалар уйи муассаса ҳудудидан ташқарида ёки маҳкумлар умумий яшаш жойидан ажратилган ҳолда жойлашади, болалар сайр қилиши ва дам олишлари учун мўлжаллаб, алоҳида жиҳозланади.

135. Болалар уйида болалар туғилганидан уч ёшга тўлгунига қадар тарбияланади. Мазкур муддат қонунда назарда тутилган ҳолларда бир йилгача узайтирилиши мумкин. Болалар уйидаги бола уч ёшга тўлганидан кейин онасининг розилиги билан унинг қариндошларига ёки хомийлик ва васийлик органи қарорига кўра бошқа шахсларга берилиши мумкин ёки бошқа тегишли идораларга қарашли болалар муассасаларига ўтказиладилар.

136. Барча чақалоқлар фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш

(бундан буён матнда ФХДЁ деб юритилади) органларидан ўз вақтида рўйхатдан ўтказилиб, туғилганлиги ҳақидаги гувоҳнома расмийлаштирилиши шарт. Бола ўлик туғилса ёки чақалоқ туғилганидан кейинги етти кун ичида вафот этса, бундай ҳолатлар уч кун муддат ичида ФХДЁ идораларида қайд этиш рўйхатидан ўтказилиши керак. Туғилишдан олдин нобуд бўлган ҳар бир бола (хомила) ҳақида тегишли маълумотнома тўлдирилади.

137. Болалар уйи фаолиятини унинг бошлиғи — шифокор педиатр бошқаради, у болалар уйининг тиббий, тарбиявий ва бошқарув-ҳўжалик фаолиятига раҳбарлик қилади, амалдаги қонун ҳужжатлари асосида иш юритади. Болалар уйи жойлашган муассаса бошлиғи ва шу муассаса касалхонаси бошлиғи болалар уйи фаолиятини ташкиллаштиришга жавобгар ҳисобланади.

138. Болаларни профилактик эмлаш Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланган тартиблар асосида ўтказилади.

Бунинг учун қуйидаги тадбирлар ўтказилади:

эмлаш тадбирлари йил, чорак, ойни мўлжаллаб режалаштирилади;

эмлаш ўтказилган куни шифокор кўриги ўтказилиб, тана ҳарорати ўлчанади;

санитария-гигиена қоидаларига, асептика қоидаларига (эмлаш ўтказадиган алоҳида хона, тиббий жиҳозларни стерилизация қилиш) амал қилиш;

ўтказилган профилактик эмлашни ва унинг натижасида бўлган ўзгаришларни аниқ қайд этиш;

эмлашнинг бошқа муддатга қолдирилиш сабабини асослаб, уни қачон ўтказиш мумкинлигини белгилаш.

139. Болалар уйига келтирилган барча болалар шифокор томонидан зудлик билан ва чуқур текширувдан ўтказилади. Болаларнинг шифокор томонидан кўриги қуйидаги муддатларда ўтказилади:

1 ойлик бўлгунча — ҳар кунда;

1 ойдан 6 ойлик бўлгунча — беш кунда бир марта;

6 ойдан 9 ойлик бўлгунча — ўн кунда бир марта;

9 ойдан 1 ёшга тўлгунча — икки ҳафтада бир марта;

1 ёшдан 3 ёшга тўлгунча — бир ойда бир марта.

140. Болаларнинг кўрик натижалари ва руҳий жисмоний ўсиши ҳақидаги маълумотлар боланинг ривожланиш тарихи дафтарига қайд этилади. Немжон ва саломатлик ҳолатида жиддий ўзгариш бўлган болалар ИИВ ва ҳудудий соғлиқни сақлаш тизимининг даволаш-профилактика муассасалари шифокор мутахассислари жалб этилиб, кўриқдан ўтказилади.

Болалар уйига барча янги келган болаларда антропометрик ўлчовлар ўтказилади. Соғлом болаларнинг вазни тўрт ойлик бўлгунча қадар икки кунда бир маротаба, тўрт ойликдан бир ёшга тўлгунча қадар 5 кунда бир маротаба, бир ёшдан бир ёшу олти ойлик бўлгунча қадар 10 кунда бир маротаба, бир ёшу олти ойлигидан уч ёшга тўлгунча қадар ҳар ойда бир маротаба ўлчанади. Немжон болаларнинг овқатланишдан олдин ва ундан кейин 3-4 ойлик бўлгунча қадар кунда бир маротаба вазни ўлчаб турилади.

141. Юқумли касалликлар тарқалишининг олдини олиш мақсадида бо-

лалар уйига янги келган ёши икки ойдан ошган болалар 21 кун давомида карантинда бўладилар. Ёши икки ойгача бўлган болалар 3–5 кунга карантин биносида алоҳида хонага ётқизиладилар. Тез ривожланувчи оғир касалликка ва юқумли касалликларга чалинган болалар карантин биносига ётқизилмай соғлиқни сақлаш идоралари касалхоналарига жўнатиладилар ва улар касалхонага жўнатилгунга қадар тиббий изоляторда бўладилар. Болалар карантиндан ўтиши учун алоҳида хона ташкиллаштирилади, ундаги ўринлар сони болалар уйининг штат бўйича умумий ўринлар сонининг 10 фоизидан кам бўлмаслиги керак.

142. Карантин вақтида болалар ва оналар бўғма, ичак инфекциялари гуруҳи (микроб ташувчилар) бор-йўқлигига текширилади. Бошқа қўшимча текширувлар клиник ва эпидемиологик асослар бўлганда ўтказилади.

143. Изолятор болалар уйи умумий ўринлар сонининг 10 фоиз микдоридан ўринлар билан жиҳозланади, у соғлом гуруҳлардан ажратилган бўлиб, кириб-чиқиши алоҳида бўлиши лозим. Изоляторда қабул хонаси, беморлар учун 1-2 хона, ҳожатхона, ювиниш хонаси ва бемор бола учун алоҳида хонадан иборат бўлади. Карантин бўлинмаси ва изолятор зарур асбоб-анжомлар ва беморларни парвариш қилиш учун буюмлар билан жиҳозланади.

144. Гуруҳларда кун тартиби болаларнинг ёши ва ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиб тузилади. Ҳар бир гуруҳда болаларнинг ёшига мувофиқ, уларнинг нормал ўсишини таъминловчи соғломлаштириш ва тарбия тадбирлари ўтказилади.

145. Болалар уйи бошлиғи ҳар бир юқумли касаллик аниқланганда зудлик билан муассаса касалхонаси бошлиғига хабар беради. Юқумли беморлар билан мулоқотда бўлган болаларга эпидемияга қарши барча зарур тадбирлар ўтказилади. Улар алоҳида гуруҳга ажратилиб, бошқа хоналарга жойлаштирилади. Юқумли касаллик аниқланган гуруҳда жорий дезинфекция, якуний ташхис қўйилгандан сўнг якуний дезинфекция ўтказилади. Ўткир ичак инфекцияси аниқланганда, гуруҳдаги болалар, уларга хизмат кўрсатаётган ходимлар ва ошхона ишчилари текширувдан ўтказилади.

146. Сурункали кечадиган касаллиги бўлган болалар динамик кузатув гуруҳига олинади. Касаллиги кечиши ва хусусиятларига қараб қайталанишига қарши, махсус ва умумий қувватловчи даволаш ўтказилади. Соғлиқни сақлаш вазирлигининг болаларга диспансеризация ўтказиш бўйича кўрсатмаларига асосланиб, болалар вақти-вақти билан мутахассис шифокорлар жалб этилган ҳолда чуқур тиббий кўрикдан ўтказилади.

147. Муассаса маъмурияти эмизикли боласи бор бўлган оналарга кунига ҳар уч соат оралиғида 30 минутли муддатга боласини бориб кўриши учун шароит яратади, икки ёки ундан ортиқ чақалоғи бўлса, бир соатдан кам бўлмаган муддат берилади. Оналар болалари олдига қатнаб туриш вақти шифокор педиатр томонидан белгиланади ва муассаса маъмурияти билан келишилади. Муассаса маъмурияти боласини кўкрак сути билан боқмайдиган оналарга ҳар куни бир соат мобайнида келиб боласини кўриши учун шароит яратади.

148. Болалар уйи бошлиғи маҳкума аёллардан сўров йўли билан, за-

рур ҳолларда уларнинг яқин қариндошларига хат ёзишиб, уларнинг болани ўз тарбияларига олиш хоҳишларини аниқлайди. Агарда қариндош-уруғлари маълум сабабларга кўра кела олмасалар, бола уларнинг турар жойига тиббиёт ходими кузатувида юборилади. Болани ўз тарбиясига қабул қилган қариндошига боланинг тарбияга топширилганлиги ҳақидаги далолатнома нусхаси, туғилганлиги ҳақидаги гувоҳнома, боланинг ўсиши тарихи дафтаридан кўчирма тақдим этилади.

149. Болани қариндошлари тарбиясига олишнинг иложи бўлмаган ҳолларда, болалар уйи бошлиғи 2-3 ой олдиндан соғлиқни сақлаш идораларига, болани уларнинг муассасаларига ўтказиш кераклиги ҳақида хабар беради. Онанинг розилиги билан васийлик ва ҳомийлик идоралари қарори асосида бола бошқа шахсларга ҳам берилиши мумкин. Марказий нерв тизими органик жароҳатлари, туғма майиблик ва бошқа оғир касалликлари бор болалар умумий турдаги болалар уйига юборилмасдан махсус турдаги болалар уйига ёки соғлиқни сақлаш идораларининг даволаш муассасаларига юборилади.

150. Қариндошларига ёки болалар уйларига ўтказилаётган болалар муассаса томонидан кийим, ички кийимлар ва пойабзаллар билан таъминланади. Йўлда болаларга алоҳида жой (ўрин) олинади, ётиш жиҳозлари ва тўла сифатли овқатланиш муассаса томонидан таъминланади. Кузатиб борувчи тиббиёт ходими болани парвариши учун керакли жиҳозлар, овқатланиши учун идишлар ва дори-дармонлар билан таъминланади.

151. Жазони ўташдан озод бўлаётган аёлнинг боласи болалар уйида бўлса, боланинг туғилганлиги ҳақидаги гувоҳномаси, боланинг соғлиғи ҳақида ўтказилган эмлашлар ва бола ўтказган касалликлар маълумоти ёзилган боланинг ўсиши тарихи дафтаридан кўчирма онасига топширилади. Маҳкума аёл жазони ўташдан озод бўлаётган вақтида боласи бетоб бўлиб, касалхонада даволанишга муҳтож бўлса, онасининг розилиги билан ҳудудий соғлиқни сақлаш тизимининг даволаш-профилактика муассасасига ўрнатилган тартибда жойлаштирилади.

6-боб. Вақтинча ва узоқ муддатга меҳнат қобилияти йўқотилганлиги экспертизаси

152. ЖИЭМда меҳнатга лаёқатсизликни экспертиза қилишнинг асосий вазифаси маҳкумлар меҳнат қобилиятини узоқ муддатга ёки доимий йўқотганлик белгиларини аниқлаш, тиббий меҳнат эксперт комиссияси (бундан буён матнда ТМЭК деб юритилади) кўригини ташкил қилиш, соғлиғи туфайли енгил шароитларда ишлашга муҳтож бўлганларга уларга мос меҳнат шароитига ўтишини тавсия қилиш кабилардан иборат.

153. Вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик аниқланган ҳолларда ва амбулатория шароитида даволаниш учун ишдан озод этилганда беморнинг амбулатор тиббий картасида ва амбулатор касалларни қайд этиш дафтаридида касаллик ҳақида барча маълумотлар тўлиқ ёзиб чиқилади ҳамда меҳнатга вақтинча лаёқатсизлик варақаси (талони) тўлдирилади.

154. Шифокор томонидан беморни касаллиги туфайли ишдан озод қилиш муддати беш кунгача бўлиши мумкин. Ишдан озод қилиш муддати-ни беш кундан ортиқ узайтириш даволаш-профилактика ёрдами кўрсатиш бўлимининг бошлиғи ёки унинг вазифасини бажарувчи шахс томонидан беморни шахсан кўриқдан ўтказиб, ўз қарорини амбулатор тиббий картага ёзиш ва имзо қўйиш орқали амалга оширилади.

155. Даволаш-профилактика ёрдами кўрсатиш бўлими стационарида ёки ихтисослашган касалхонада даволаниш ёки текширувдан ўтиш ишдан озод этишга асос бўлади.

156. Вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик касалликнинг кечиш хусусиятларига боғлиқ бўлади. Ўткир кечадиган касалликларда бемор меҳнат қобилияти тиклангунга қадар ишдан озод қилинади. Сурункали касалликларнинг хуружи даврида, касаллик қайталанганда ва тутқаноқларда маҳкумнинг меҳнат қобилияти тиклангунга қадар ишдан озод қилинади.

157. Касалликнинг кечиши асоратли ёки оғир бўлса, бемор шифокорлар томонидан ТМЭК кўригига тавсия этилади. Беморда ногиронлик белгилари аниқланмаса, лекин соғлиғи бўйича меҳнат қобилиятида чекланишлар бўлса, шифокор хулосаси асосида бошқа ишга ўтказилади.

158. Доимий ёки узоқ вақтга меҳнат қобилияти йўқотилса ҳамда меҳнат қобилияти сезиларли чекланган беморларга бош ТМЭКлар томонидан ўрнатилган тартибда ногиронлик белгиланади.

7-боб. Ногиронлиги бўлган шахсларга ижтимоий ва моддий ёрдам кўрсатиш

159. ТХ ва ЖИЭМда сақланаётганларни ногиронлиги бўлган шахс деб топиш учун тиббий кўриқдан ўтказиш Бош тиббий-меҳнат эксперт комиссиялари томонидан ўрнатилган тартибда амалга оширилади.

160. ТХ ва ЖИЭМда сақланаётган шахсларни бош ТМЭК томонидан тиббий кўриқдан ўтказишнинг мақсадлари:

хаёт фаолияти, меҳнатга лаёқати чекланганлиги ҳолатини, ногиронликнинг гуруҳлари, сабаблари, бошланган вақти ва муддатларини аниқлаш;

меҳнат фаолиятини бажариш билан боғлиқ ҳолда меҳнатда майиб бўлган ёки саломатлиги бошқача тарзда шикастланган ишловчиларнинг касбий меҳнатга лаёқатини йўқотганлиги даражасини, шунингдек уларнинг ёрдамни қўшимча турларига муҳтожлигини аниқлаш;

ногиронлиги бўлган шахсларнинг саломатлиги ва меҳнатга лаёқати ҳолатини ҳисобга олган ҳолда уларни тиббий ва ижтимоий-меҳнат бўйича реабилитация қилиш тадбирларини белгилаш.

161. ТХ ва ЖИЭМда ногиронлиги бўлган шахсларга тиббий-меҳнат эксперт комиссиялари ва тиббий-маслаҳат комиссияларининг хулосалари асосида зарур воситалар, шу жумладан ўриндиқли арава, қўлтиқтаёқ, ҳасса ёки кўзойнак билан таъминланади. Ногиронлиги бўлган шахсларга маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, соғлиқни сақлаш, халқ таълими, бошқа давлат органлари томонидан ижтимоий ва моддий ёрдам кўрсатилиши мумкин.

8-боб. Тиш протезлаш ва ортопедик-протез маҳсулотлар таъминоти

1-§. Тиш протезлаш ёрдамини ташкил қилиш

162. Маҳкумлар ва қамоққа олинган шахсларга тиш протезлаш ихтисослашган касалхонада ёки ТХ ва ЖИЭМ жойлашган ҳудуддаги давлат соғлиқни сақлаш тизимининг даволаш-профилактика муассасаларида амалга оширилади.

164. Маҳкумларга ТХ ёки ЖИЭМ ҳисобидан тишни протезлаш ёрдами кўрсатиш кўйидаги ҳолларда амалга оширилади:

жазони ўташ вақтида, маъмуриятнинг айби билан ишлаб чиқаришда жароҳат олганда;

протезлашга кўрсатма бўлган биринчи ва иккинчи гуруҳ ногиронлиги бўлган шахслар, болаликдан ногиронлиги бўлган шахслар;

1941 — 1945 йиллардаги уруш қатнашчилари ва уларга тенглаштирилганлар;

юқори ва пастки жағларда ўсмалар ва бошқа касалликлар натижасида жарроҳлик муолажаси ўтказилган бўлса, бунинг натижасида чайнов функциясининг бузилиши, кўп қисм суякни йўқолишига олиб келган бўлса.

Бунда протезлашга кетадиган харажатлар ЖИЭМ смета маблағлари ҳисобидан тўланади.

165. Тиш протезлаш, ЖИЭМ бошлиғи рухсати билан агар протезлаш маҳкумни бошқа муассаса (бўлинма)га кўчириш билан боғлиқ бўлса, ИИБ ЖИЭББ раҳбарияти рухсати билан амалга оширилади.

163. Тиш протезлаш ёрдами маҳкумнинг аризасига биноан ўз ҳисоб варақасида бўлган пул маблағлари ёки унинг қариндошлари, қонуний вакили ва бошқалар ҳисобидан шифокор мутахассис хулосасидан сўнг амалга оширилади.

2-§. Ортопедик оёқ кийим ва протез-ортопедик маҳсулотлар билан таъминлашни ташкиллаштириш

166. Маҳкумлар протез-ортопедик маҳсулотлар, ортопедик оёқ кийим ва ортопедик аппаратлар учун оёқ кийим, протезлар учун оёқ кийим, бандаж маҳсулотлари, эшитув ва овоз ҳосил қилувчи аппаратлар, кўзойнаклар билан таъминланиш ҳуқуқига эга. Маҳкумларга косметик протезлаш жарроҳлик муолажаси ўтказилмайди.

167. Маҳкумларга ЖИЭМ ҳисобидан протез ясаш ва таъмирлаш кўйидаги ҳолларда амалга оширилади:

жазони ўташ вақтида, маъмуриятнинг айби билан жароҳат олганда;

протезлашга кўрсатма бўлса, биринчи ва иккинчи гуруҳ ногиронлиги бўлган шахслар, болаликдан ногиронлиги бўлган шахслар;

1941 — 1945 йиллардаги уруш қатнашчилари ва уларга тенглаштирилганлар.

Бунда протезлашга кетадиган харажатлар ЖИЭМ смета маблағлари ҳисобидан тўланади. Бундан бошқа ҳолларда протезлаш, маҳкум протезнинг белгиланган тўлиқ нарҳини тўлаганидан кейин амалга оширилади.

168. Протезлаш ТҲ ёки ЖИЭМ бошлиғи руҳсати билан, агар бу ҳодиса маҳкумни бошқа муассаса (бўлинма)га кўчириш билан боғлиқ бўлса, ИИВ ЖИЭББ раҳбарияти руҳсати билан амалга оширилади.

Муассаса ҳисобидан протезлаш, қуйидаги ҳужжатлар бўлганда амалга оширилади: маҳкумнинг аризаси, ишлаб чиқаришда олган жароҳати ҳақидаги далолатнома, ТМЭКнинг маҳкумнинг ногиронлиги бўлганлиги ва протезлашга муҳтожлиги ҳақидаги мутахассис шифокор хулосаси.

169. Маҳкумни ўз ҳисобидан протезлаш, мутахассис шифокор хулосасидан сўнг ва ТМЭК қарори бўйича маҳкумнинг аризаси асосида амалга оширилади.

170. Протез-ортопедик маҳсулотлар, ортопедик оёқ кийимлар, протезлар учун оёқ кийимлар ва бандажларни яшаш протез-ортопедик маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи корхоналар билан шартномалар асосида амалга оширилади.

171. ТҲ ва ЖИЭМда сақланаётган шахсларга кўзойнак шифокор окулист томонидан буюрилади. Маҳкум ёки қамоққа олинган шахсларни кўзойнак билан таъминлаш уларнинг ўз ҳисобидан ёки қариндошлари ёхуд бошқа шахслар томонидан амалга оширилади.

9-боб. ТҲ ва ЖИЭМда сақланаётган шахсларни бир муассасадан бошқасига кўчиришда тиббий ёрдам кўрсатиш

172. ТҲ ва ЖИЭМда сақланаётган шахслар бир муассасадан бошқасига кўчиришдан аввал шифокор томонидан тиббий кўрикдан ўтказилади ва тиббий кўрик натижалари амбулатор тиббий картага қайд этилади. Оғир касаллиги туфайли жойидан қўзғатиб бўлмайдиган ва транспортда олиб юриш мумкин бўлмаган беморлар бир муассасадан бошқасига кўчирилмайди.

173. Юқумли касалликка чалинган, руҳий ҳолати бузилган, овқатдан бош тортган шахслар, хомиласи йигирма тўрт ҳафталикдан ошган ёки уч ёшга тўлмаган боласи бор аёллар ва умумий аҳволи оғир беморлар бошқалардан ажратилган ҳолда тиббиёт ходими кузатувида бир муассасадан бошқасига кўчирилади.

Маҳкумларни ва қамоққа олинганларни кузатиб бориш учун ажратилган тиббиёт ходими кўчириш вақтида беморларнинг соғлиғини назорат қилади ва зарур ҳолатларда уларга тиббий ёрдам кўрсатади.

174. ТҲ ва ЖИЭМда сақланаётган шахсларни бир муассасадан бошқасига кўчириш чоғида, кузатувда бўлган тиббиёт ходими шошилинч ёрдам кўрсатишда зарур бўладиган дори воситалари ҳамда тиббиёт анжомлари ва ускуналари билан таъминланади. Беморларни бир муассасадан бошқасига кўчиришда кузатувда бўлган тиббиёт ходими учун махсус вагонда дам олиш жойи ажратилади.

175. Бир вақтнинг ўзида бир транспорт воситасида юқумли ва паразитар касалликка чалинган беморларни юқумли бўлмаган беморлардан махсус тарзда ажратилмаган ҳолда бирга ташилишига йўл қўйилмайди.

Юқумли ва паразитар касалликларга чалинган беморларни ташиш махсус жихозланган транспортларда амалга оширилади, айрим шошилинч ҳолатларда ихтисослашган ёрдам кўрсатиш учун тез тиббий ёрдам транспортларида ҳам ташишга йўл қўйилади.

176. Ўта хавфли юқумли касалликка чалинган беморлар ҳудудий соғлиқни сақлаш тизимининг махсус автотранспортида бир муассасадан бошқасига кўчирилади.

177. Беморларни бир муассасадан бошқасига кўчириш чоғида уларнинг соғлиғи оғирлашиб, ихтисослашган тиббий ёрдам кўрсатиш зарурати юзга келганида бемор ҳужжатлари ҳамда шахсий буюмлари билан биргаликда энг яқин алмашув пунктида қоровул (конвой) ходимларига топширилиб, ўрнатилган тартибда ҳудудий соғлиқни сақлаш тизими муассасасига жойлаштирилади ва унинг қўриқланиши таъминланади.

ТХ ва ЖИЭМда сақланаётган шахслар бир муассасадан бошқасига кўчириш чоғида вафот этганида ўлим ҳолати тиббиёт ходими томонидан тасдиқланганидан сўнг жасад ҳудудий ички ишлар органига ўрнатилган тартибда топширилади.

178. Бир муассасадан бошқасига кўчирилаётган беморларга ўрнатилган норма бўйича озиқ-овқат маҳсулотлари ва буюмлар берилади. Беморларнинг ўзида дори воситалари ва боғлов ашёларининг сақланишига шифокор руҳсатисиз йўл қўйилмайди.

179. Юқумли ва паразитар касалликка чалинган беморлар бир муассасадан бошқасига кўчирилишида тиббиёт ходими томонидан инфекцион назорат талаблари асосида шахсий ва умумий гигиена қоидаларига риоя этилиши ҳақида тушунтириш ўтказилади.

Юқумли ва паразитар касалликка чалинган беморларни бир муассасадан бошқасига кўчириш чоғида ҳарбий хизматчилар ва тиббиёт ходими шахсий ҳимоя воситаларидан фойдаланиши лозим.

180. Маҳқумларни ва қамоққа олинган шахсларни бир муассасадан бошқасига кўчиришда ИИБ Қоровул қўшинлари бош бошқармаси шахсий таркибини шахсий ҳимоя воситалари билан таъминлаш, шунингдек, махсус автотранспортларга санитария ишлов бериш ва дезинфекция қилиш давомида қўлланиладиган дезинфекцияловчи воситалар билан таъминлаш ИИБ Тиббиёт бошқармаси томонидан амалга оширилади.

181. ТХ, ЖИЭМ ва ихтисослашган касалхонадан жазо муддатини ўташдан озод этилган доимий парваришга муҳтож шахслар қариндошлари ёки бошқа шахслар ёхуд муассаса маъмурияти вакилининг кузатувида яшаш жойига ёки соғлиқни сақлаш тизимининг даволаш-профилактика муассасаларига юборилади.

10-боб. Дори воситалари ва тиббиётга оид маҳсулотлар таъминоти

182. ТХ, ЖИЭМ ва ихтисослашган касалхонада дори воситалари сақланадиган хона, дорихона ёки дорихона омбори ташкиллаштирилади. Дори

воситалари сақланадиган хона ёки дорихона омбори кондиционер, совутгич билан таъминланади ҳамда хонага ҳаво ҳарорати ва намлигини ўлчаш асбоблари (термометр, гигрометр ва психрометр) ўрнатилади. Ушбу ўлчов асбоблари полдан 1,5 — 1,7 метр баландликда, кириш эшиклари ва иситиш асбобларидан камида уч метр масофада ўрнатилади ва кундалик кўрсаткичлар махсус дафтарда қайд этиб борилади.

183. Ихтисослашган касалхона томонидан дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий анжомлар марказлашган ҳолда харид қилиб олиниши мумкин. Харид қилиб олиш тендер шартларига амал қилган ҳолда, эҳтиёж ва харид қилиб олинаётган дори воситалари ва тиббий буюмлар сифатига эътибор қилган ҳолда амалга оширилади.

184. ТХ ёки ЖИЭМ штат бирликларида провизор (фармацевт) лавозимлари бўлмаса, даволаш-профилактика ёрдамани кўрсатиш бўлими бошлиғи бу вазифани бирон бир махсус фармацевтик тайёргарликни ўтган ўрта тиббиёт ходимига юклайди.

185. Дорихона, дорихона омбори ва дори воситалари сақланадиган хоналарга маҳкумлар ва қамокқа олинган шахсларнинг кириши тақиқланади. Дорихона, дорихона омбори ва дори воситалари сақланадиган хоналар санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативлари талабларига жавоб бериши керак.

186. Дорихоналарга қабул қилинган дори воситалари ва тиббиётга оид маҳсулотлар моддий бойликлар ҳисоб-китоб дафтарига ёзиб қўйилади.

Моддий бойликлар ҳисоби юритиладиган китобнинг varaқлари рақамланган, тикилган, муассаса муҳри билан муҳрланган ва раҳбар имзоси билан тасдиқланган бўлиши лозим. Китобдаги ёзувлар аниқ ва тушунарли бўлиши керак, ўзгартиришлар қизил сиёҳ билан ёзилади ва имзо билан тасдиқланади. Ушбу китоб дорихоналарда талабномалар билан бирга сақланади.

187. Гиёҳвандлик воситалари ва уларнинг аналоглари — кимёвий тузилиши ва хоссаларига кўра гиёҳвандлик воситаларига ўхшаш бўлган, улар сингари руҳиятга фаол таъсир этадиган, келиб чиқиши синтетик ёки табиий моддалар, психотроп моддалар ҳамда прекурсорларларининг ҳисоби алоҳида китобда юритилади.

188. Сотиб олинган дори воситалари ва тиббиётга оид маҳсулотлар кирим қилинади ва уларнинг физик — кимёвий хоссаларига кўра мавжуд санитария меъёрлари ҳамда фармация соҳасига оид меъёрий ҳужжатлар талабларига асосан сақланади ва ҳисобдан чиқарилади.

Дори воситалари ва тиббиётга оид маҳсулотларнинг ҳисоби, сақланиши, тарқатилиши қонун ҳужжатлари асосида амалга оширилади. Ўзбекистон Республикасида рўйхатдан ўтказилмаган, сифатсиз, қалбакилаштирилган, шунингдек, Ўзбекистон Республикасида рўйхатдан ўтказилган дори воситаларининг ғайриқонуний нусхаларини қабул қилиш, сақлаш ва қўллаш тақиқланади.

189. Дори воситалари, тиббий буюмлар, боғлов материаллари ҳамда беморларни парвариш қилишда ишлатиладиган буюмлар, дезинфекция воситалари ва бошқалар даволаш-профилактика ёрдамани кўрсатиш бўлими

ёки ихтисослашган касалхона бўлинмалари томонидан берилган талабномага асосан тайёр ҳолда берилади.

190. Ихтисослашган касалхонада талабномалар, касалхона бўлинмаси катта ҳамшираси томонидан ёзилиб, бўлинма бошлиғи томонидан имзоланади. Даволаш-профилактика ёрдамни кўрсатиш бўлимида талабномалар ҳамшира ёки фельдшер томонидан ёзилиб, даволаш-профилактика ёрдамни кўрсатиш бўлими бошлиғи томонидан имзоланади.

191. Гиёҳвандлик воситалари ва уларнинг аналоглари, психотроп моддалар ҳамда прекурсорлар, шунингдек, тиббиёт этил спирти учун алоҳида талабнома ёзилади ва даволаш профилактик ёрдам кўрсатиш бўлими бошлиғи ёки касалхона бошлиғи томонидан тасдиқланади.

192. Дори воситаларининг ёки бошқа тиббий воситаларнинг харажати суммаси ҳақида ҳисобот, дорихона ходими томонидан муассаса бухгалтериясига берилади.

193. ТХ ва ЖИЭМда сақланаётган шахсларнинг қариндошлари ёки бошқа шахслар томонидан йўқловлар орқали юборилган дори воситалари, тиббий буюмлар даволаш-профилактика ёрдамни кўрсатиш бўлими ходими томонидан маҳкум ёки қамоққа олинган шахс таништирилиб, имзо қўйилади ва бу ҳақда «Яқин қариндошлари томонидан қабул қилиб олинган дори воситаларини рўйхатга олиш журнали»га қайд қилинади.

194. ТХ ва ЖИЭМ даволаш-профилактика ёрдамни кўрсатиш бўлимида стационар шароитда даволанаётган беморларнинг қариндошлари ва бошқа шахслардан дори воситалари ва тиббий буюмлар даволовчи шифокор томонидан берилган рецепт асосида қабул қилиб олиниши мумкин.

Рецепт Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган рецепт бланкасига мувофиқ тўлдирилади.

195. Рецепт даволовчи шифокорнинг имзоси ва шахсий муҳри билан тасдиқланиши лозим. Рецепт тасдиқланган кундан бошлаб бир ой мобайнида ҳақиқий ҳисобланади.

196. Беморнинг қариндошлари ёки бошқа шахслардан дори воситалари қабул қилиб олинаётганда ушбу дори воситалари рецептнинг йиртма корешогида кўрсатилган дори воситалари билан ўзаро мувофиқлиги, шу жумладан дори воситасининг яроқлилик муддати, бирламчи ва иккиламчи ўрамнинг бутунлиги ва ташқи кўриниши текширилади ва рецептнинг йиртма корешоги беморнинг тиббий ҳужжатларига тикилади.

197. Ихтисослашган касалхона ёки ЖИЭМ таркибидаги касалхонада стационар шароитда даволанаётган беморларнинг қариндошлари ва бошқа шахслардан дори воситалари ва тиббий буюмлар даволовчи шифокор томонидан берилган рецепт асосида қабул қилиб олиниши мумкин.

198. ТХ ва ЖИЭМда Ўзбекистон Республикасида рўйхатдан ўтказилмаган, сифатсиз, қалбакилаштирилган, шунингдек, Ўзбекистон Республикасида рўйхатдан ўтказилган дори воситаларининг ғайриқонуний нусхаларини қабул қилиш, сақлаш ва қўллаш тақиқланади.

199. Беморнинг қариндошлари ёки бошқа шахслардан дори воситалари қабул қилиб олинаётганда ушбу дори воситалари рецептнинг йиртма

корешогида кўрсатилган дори воситалари билан ўзаро мувофиқлиги, шу жумладан дори воситасининг яроқлилиқ муддати, бирламчи ва иккиламчи ўрамнинг бутунлиги ва ташқи кўриниши текширилади ва рецептнинг йиртма корешоги беморнинг касаллик тарихига тикилади.

11-боб. Тиббий ҳисобни юритиш ва тиббий ҳисоботни тузиш

200. Тиббий ҳисобни юритиш ва уни тузиш ТҲ ва ЖИЭМда сақланаётган шахсларнинг саломатлик ҳолати, тиббиёт хизмати фаолиятининг хусусияти, ҳажми ва натижалари ҳақидаги аниқ маълумотлар манбаидир. Тиббий ҳисобни юритишдан кўзланган мақсад қуйидагилардан иборат:

муассасада тиббий таъминотни ташкиллаштириш ва даволаш-профилактика ёрдами кўрсатиш бўлими жиҳозларидан тўла фойдалана билиш;

ўтказилаётган даволаш-профилактика, эпидемияга қарши ва санитария-гигиена тадбирларини самарадорлиги ва ўз вақтида ўтказилаётганлигини назорат қилиш;

муассаса бошлиғига ва юқори турувчи тиббий бошлиқларга ўз вақтида тиббий таъминот аҳволи ҳақида ахборот бериш;

даволаш-профилактика ёрдами кўрсатиш бўлими фаолиятини таҳлил қилиш ва баҳолаш;

даволаш-профилактика ёрдами кўрсатиш бўлими фаолиятини режалаштириш;

статистик маълумотларни умумлаштириш.

201. Тиббий ҳисоб юритиш ва ҳисобот тузиш тиббий-санитария таъминоти бўйича статистик ҳисобот шакллари асосида амалга оширилади. Тиббий ҳисоб юритиш ва ҳисобот тузиш қуйидагиларни ўз ичига олади: қамоққа олинганлар ва маҳкумларни соғлиғи аҳволи ҳисобини юритиш, касалланишни, ўлим ҳолатларини, касаллик туфайли меҳнатдан озод қилиш ҳолатлари ҳисобини юритиш, амбулатор ва стационар тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича даволаш-профилактика ёрдами кўрсатиш бўлимининг иш ҳисоботи, ҳамда бошқа даволаш-профилактика, эпидемияга қарши ва санитария-гигиена тадбирлари ҳисоботи.

202. Муассасада тиббий ҳисобни юритиш ва ҳисобот тузишни ташкиллаштириш учун даволаш-профилактика ёрдами кўрсатиш бўлими бошлиғи (касалхона бош шифокори) жавобгардир. У ўз қўл остидаги ходимларни тиббий ҳисоб юритиш ва ҳисобот тузиш бўйича ишларини ташкиллаштиради ва назорат қилади, тиббий ҳисоботни юқори ташкилотларга ўз вақтида юборади, маҳкумлар ва қамоққа олинган шахслар саломатлик ҳолати ҳақидаги маълумотларни ва тиббий фаолиятни доимий равишда таҳлил қилиб боради, олинган маълумот ва хулосалар бўйича муассаса бошлиғига ахборот беради, олинган хулосалардан муассасани тиббий таъминлашни режалаштиришда фойдаланади.

203. ТҲ ва ЖИЭМ даволаш-профилактика ёрдами кўрсатиш бўлимида фельдшер (ҳамшира)га бланкларни сақлаш ва тўғри ишлатиш, ҳисоб-китоб

ва ҳисобга олиш журнал ва китобларини, амбулатор тиббий карталарнинг ҳисобини юритиш, шифокор кўрсатмасига кўра тиббий ҳисобга олиш ҳужжатларини ёзиб бориш ва шифокорга ҳисоб-китобда ёрдам бериш ишлари юклатилади. Ихтисослашган касалхонада мазкур ишларни тиббий статист олиб боради.

204. Даволаш-профилактика ёрдам кўрсатиш бўлими бошлиғи маҳкумлар ва қамоққа олинган шахслар саломатлигини ва муассаса тиббий хизмати фаолиятини ҳар чоракда таҳлил қилиб ҳисобот тузади. Бундан ташқари, йил давомида касалланиш динамикасини, беморларнинг стационарга асосли ва ўз вақтида ётқизилишини, беморларнинг стационарда даволаниш давомийлигини, ўлим сабабларини, даволаш-профилактика ёрдамни кўрсатиш бўлими фаолиятидаги камчилик ва хатоларни таҳлил қилади.

12-боб. Ўзбекистон Республикаси ИИВ ва Соғлиқни сақлаш вазирлигининг ўзаро ҳамкорликда маҳкумларга ва қамоққа олинганларга тиббий ёрдам кўрсатиши

205. Ўзбекистон Республикаси ТҲ ва ЖИЭМда сақланаётган шахсларга ихтисослаштирилган ёки шошилич тиббий ёрдам кўрсатилиши зарур бўлган ҳолларда уларга давлат соғлиқни сақлаш тизимининг даволаш-профилактика муассасаларида барча турдаги тиббий ёрдам кўрсатилади.

206. Зарур бўлган ҳолатларда маҳкумлар ва қамоққа олинган шахсларга давлат соғлиқни сақлаш тизими муассасаларининг даволаш-профилактика муассасаларида тиббий текширувлар ўтказиш, маслаҳат бериш, амбулатор ва стационар тиббий ёрдам кўрсатилади.

207. Ўзбекистон Республикаси ИИВ Тиббиёт бошқармаси, ИИВ ЖИЭББ, Соғлиқни сақлаш вазирлиги даволаш-профилактика ёрдами бош бошқармаси ва Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бош бошқармаси, жойларда эса Қорақалпоғистон Республикаси ИИВ тиббиёт бўлими, вилоят ички ишлар бошқармалари тиббиёт бўлимлари ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлиги, вилоят соғлиқни сақлаш бошқармалари томонидан ТҲ ва ЖИЭМ ҳамда ихтисослашган касалхона жойлашган ҳудудий соғлиқни сақлаш тизими муассасалари билан тиббий текширувларни ўтказиш, маслаҳат бериш ва даволаш-профилактика масалалари бўйича бириктириб қўйилади.

208. ТҲ ва ЖИЭМда сақланаётган шахсларга Ўзбекистон Республикасининг жиноят-процессуал кодексига назарда тутилган асослар бўйича стационар суд-тиббий ёхуд суд-психиатрия экспертизаси тайинланган тақдирда, улар давлат соғлиқни сақлаш тизимининг даволаш-профилактика муассасаларига жойлаштирилади. Бунда уларни қўриқлаш ва хулқ-атворини назорат қилиш таъминланади.

209. ТҲ ва ЖИЭМда сақланаётган шахсларга зарур бўлган ҳолатларда соғлиқни сақлаш тизимининг мутахассис шифокорларини жалб қилган ҳолда тўлиқ ташхис қўйиш, маслаҳат бериш, амбулатор ва стационар тиббий ёрдам кўрсатилиши мумкин. Бунда мутахассис шифокорларнинг хавфсизлиги таъминланади.

ТХ ва ЖИЭМга маслаҳат берувчи мутахассис шифокорларни олиб келиш, соғлиқни сақлаш тизими лабораторияларига биологик материалларни олиш ва етказиш ТХ ва ЖИЭМларнинг куч ва маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

210. ТХ ва ЖИЭМда сақланаётган шахсларни соғлиқни сақлаш тизимининг даволаш-профилактика муассасаларига олиб бориш ҳамда уларни қўриқлаш жазони ижро этиш муассасалари ва ИИВ қоровул қўшинлари ҳарбий қисмларининг куч ва маблағлари ҳисобига амалга оширилади.

Маҳкумлар ва қамоққа олинган шахсларга тиббий ёрдам кўрсатишда ва соғлиқни сақлаш тизимининг тиббий муассасаларига жойлаштирилганда тиббиёт ходимларининг хавфсизлиги таъминланади.

211. ТХ ва ЖИЭМ ҳамда ихтисослашган касалхонадан озод этилган стационар даволанишга муҳтож беморлар даволанишни давом эттириш учун ўрнатилган тартибда давлат соғлиқни сақлаш тизимининг тиббий муассасаларига жойлаштирилади.

212. Оғир касаллиги туфайли жазони ўташдан озод этилган беморлар тиббий кўрсатмаларга кўра даволанишни давом эттириш учун Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан бириктирилган даволаш-профилактика муассасаларига жойлаштирилади.

13-боб. Тиббиёт ходимлари малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш

213. ТХ ва ЖИЭМ ҳамда ихтисослашган касалхонаси олий тиббиёт ва фармацевтика ходимларининг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Тошкент врачлар малакасини ошириш институти, Тошкент фармацевтика тиббиёт институтида ўрнатилган тартибда, Ўзбекистон Республикаси ИИВ ЖИЭББ томонидан тўлов-контракт асосида амалга оширилади.

214. ТХ ва ЖИЭМ ҳамда ихтисослашган касалхонада ўрта тиббиёт ва фармацевтика ходимларининг касбий малакасини ошириш ҳамда қайта тайёрлаш Республика ўрта тиббиёт ва фармацевтика ходимлари малакасини ошириш ва уларни ихтисослаштириш маркази ва унинг вилоятлардаги филиалларида амалга оширилади.

14-боб. Яқунловчи қоидалар

215. Ушбу Қоидалар талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

216. Ушбу Қоидалар Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан келишилган.

Соғлиқни сақлаш вазири

А. ШАДМАНОВ

2019 йил 20 март

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ТУРИЗМНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИНING
ҚАРОРИ

397 Ўзбекистон Республикаси ҳудудида меҳмонхона хизмати кўрсатиш тартиби тўғрисидаги намунавий низомни тасдиқлаш ҳақида*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 20 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3160

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 январдаги ПФ-5611-сон «Ўзбекистон Республикасида туризмни жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида меҳмонхона хизмати кўрсатиш тартиби тўғрисидаги намунавий низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.
2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Раис в. в. б.

А. АҚҚУЛОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 26 март,
03-мх-сон

Ўзбекистон Республикаси
Туризмни ривожлантириш давлат
қўмитасининг 2019 йил 26 мартдаги
03-мх-сон қарорига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси ҳудудида меҳмонхона
хизмати кўрсатиш тартиби тўғрисидаги
НАМУНАВИЙ НИЗОМ**

Мазкур Намунавий низом (бундан буён матнда Низом деб юритилади) Ўзбекистон Республикаси ҳудудида меҳмонхона хизматларини тақдим этишининг намунавий тартибини белгилайди.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 20 майда эълон қилинган.

брон қилиш — ташриф буюрувчи (бююртмачи) томонидан жойлаштириш воситасида номерни (жойни) аввалдан бююртма қилиш;

меҳмонхона хизматлари — жойлаштириш воситасида вақтинчалик яшаш жойи бериш бўйича хизматлар мажмуи;

бююртмачи — меҳмонхона хизматларини кўрсатиш тўғрисидаги шартномага мувофиқ меҳмонхона хизматларини буюрувчи ёки сотиб олувчи жисмоний ёки юридик шахс;

бажарувчи — ташриф буюрувчига меҳмонхона хизматларини тақдим қилувчи тадбиркорлик субъекти;

ташриф буюрувчи — вақтинчалик яшаш билан боғлиқ меҳмонхона хизматларини бююрган, сотиб олган ва/ёки фойдаланадиган жисмоний шахс;

оммавий шартнома (бундан буён матнда шартнома деб юритилади) — бажарувчи томонидан тузилган ҳамда бажарувчи ўз фаолияти хусусиятига кўра ўзига мурожаат қиладиган ҳар бир шахсга нисбатан амалга ошириши шарт бўлган меҳмонхона хизматларини кўрсатиш бўйича унинг вазифаларини белгиловчи шартнома;

жойлаштириш воситалари — меҳмонхоналар, туризм базалари ва мажмуалари, дам олиш уйлари ва зоналари, пансионатлар, кемпинглар, мотеллар, хостеллар, оилавий меҳмон уйлари, ўтов ва палаткали оромгоҳлар, санаторийлар ва меҳмонхона хизматлари — вақтинча яшаш хизматларини кўрсатадиган бошқа объектлар, шунингдек тунаш учун қайта жиҳозланган ер усти транспорти;

номер (жой) нархи — вақтинча яшаш ва бажарувчи томонидан белгиланган вақтинча яшаш билан боғлиқ бошқа меҳмонхона хизматлари қиймати.

2. Меҳмонхона хизматларига, шу жумладан, уларнинг ҳажми ва сифатига доир талаблар, қонун ҳужжатларида бошқа талаблар назарда тутилмаган бўлса, бажарувчи ва ташриф буюрувчи (бююртмачи)нинг келишувига биноан белгиланади.

3. Номер (жой) нархи бажарувчи томонидан мустақил белгиланади.

4. Меҳмонхона хизматлари яшаш жойи (прописка), фуқаролик, жисмоний шахсларнинг қариндошлик ва никоҳ муносабатлари, шунингдек, шахсий ҳаёт ҳуқуқини чекловчи бошқа омиллардан қатъи назар кўрсатилиши лозим.

5. Бажарувчи мазкур Низом талабларига зид бўлмаган, жойлаштириш воситасида меҳмонхона хизматларини кўрсатиш ва улардан фойдаланишнинг ички қоидаларини (бундан буён матнда жойлаштириш воситасининг ички қоидалари деб юритилади) белгилаши лозим.

6. Жойлаштириш воситасига ташриф буюрувчининг келиш вақтидан бошлаб ва унинг кетишигача бўлган муддатда у банд қилган номерга (жойга) турар-жой дахлсизлиги тўғрисидаги қонун ҳужжатлари нормалари татбиқ этилади.

7. Меҳмонхона хизмати кўрсатиш тартиби бажарувчи томонидан ташриф буюрувчига (бююртмачига) энг маъқул шаклда маълум қилинади.

**2-боб. Бажарувчи ва у томонидан тақдим этиладиган
меҳмонхона хизматлари тўғрисида маълумотлар**

8. Бажарувчи, ташриф буюрувчилар танишиши учун қулай бўлган жойда, шу жумладан, жойлаштириш воситасининг қабул қилиш жойидаги маълумотлар тахтасига ва интернет тармоғидаги расмий веб-сайтига (агар мавжуд бўлса) қуйидаги маълумотларни жойлаштириши лозим:

а) бажарувчи тўғрисидаги маълумотлар, хусусан, номи, манзили, боғланиш учун телефон рақами, электрон почта манзили;

б) бажарувчининг юқори турувчи ташкилоти тўғрисидаги маълумотлар (агар мавжуд бўлса);

в) жойлаштириш воситасининг тегишли тоифаси тўғрисидаги маълумотлар (агар мавжуд бўлса);

г) меҳмонхона хизматлари учун мувофиқлик сертификати нусхаси ёки меҳмон уйлари ва хостеллар реестридан кўчирма;

д) номерлар (жойлар) нархи;

е) номер (жой) нархига кирадиган меҳмонхона хизматлари рўйхати;

ж) меҳмонхона хизматларига тўловни амалга ошириш шакли ва тартиби тўғрисидаги маълумотлар;

з) алоҳида тўлов эвазига, бажарувчи томонидан кўрсатиладиган бошқа меҳмонхона хизматлари рўйхати, нархи ҳамда уларни олиш шартлари;

и) брон қилиш ва бронни бекор қилиш шакли, шартлари ва тартиби тўғрисида маълумотлар;

к) имтиёз олиш ҳуқуқига эга бўлган шахслар тоифаси рўйхати, шунингдек, меҳмонхона хизматларини кўрсатишда тақдим этиладиган имтиёзлар рўйхати (агар мавжуд бўлса);

л) жойлаштириш воситасида учинчи шахслар томонидан тўлов эвазига кўрсатиладиган бошқа хизматлар тўғрисида маълумотлар (агар мавжуд бўлса);

м) жойлаштириш воситасига келиш (кетиш) вақти тўғрисида маълумотлар;

н) жойлаштириш воситасида меҳмонхона хизматларини кўрсатиш ва улардан фойдаланиш қоидалари тўғрисида маълумотлар.

9. Бажарувчи ҳар бир номерда жойлаштириш воситасининг ички қоидалари бўлишини таъминлаши лозим.

10. Бажарувчи ва у кўрсатадиган меҳмонхона хизматлари тўғрисидаги маълумотлар ташриф буюрувчиларга давлат тилида ҳамда қўшимча равишда инглиз ва рус тилларида, шунингдек, бажарувчининг ихтиёрига кўра бошқа хорижий тилларда маълум қилинади.

**3-боб. Меҳмонхона хизматларини тақдим этиш
тартиби ва шартлари**

11. Бажарувчи брон қилишни ҳар қандай шаклда, шу жумладан, шартнома ёки буюртма қабул қилиш усулида (телефон ёки бошқа шаклда) амалга ошириш ҳуқуқига эга.

12. Бажарувчи томонидан жойлаштириш воситасида брон қилишнинг қуйидаги турлари қўлланилади:

кафолатланган брон қилиш — жойлаштириш воситасида номер (жой) ташриф буюрувчи келишигача ушлаб туриладиган брон қилиш тури бўлиб, бунда ташриф буюрувчи томонидан брон ўз вақтида бекор қилинмаган, ташриф буюрувчи белгиланган муддатдан кечиккан ёки келмаган ҳолларда ташриф буюрувчидан номер (жой)нинг бўш турганлиги учун, бироқ бир суткадан кўп бўлмаган миқдордаги тўлов суммаси бажарувчи томонидан ундирилади.

Ташриф буюрувчи бир суткадан кўп вақтга кеч қолганда кафолатланган брон қилиш бекор қилинади;

кафолатланмаган брон қилиш — жойлаштириш воситасида номер (жой) бажарувчи томонидан маълум бир соатгача брон қилинади, белгиланган муддатда ташриф буюрувчи келмаганда кафолатланмаган брон бекор қилинади.

Брон қилишнинг бошқа турлари жойлаштириш воситасининг ички қоидаларида белгиланиши мумкин.

13. Ташриф буюрувчи (буюртмачи) томонидан буюртма қилинган номер тоифаси ва унинг нархи, брон қилиш шартлари, жойлаштириш воситасида яшаш муддати тўғрисидаги, шунингдек, бажарувчи томонидан аниқланадиган бошқа маълумотлар олинган вақтдан бошлаб брон ҳақиқий ҳисобланади.

14. Ташриф буюрувчи (буюртмачи) брон қилиш ҳақидаги буюртмани ўз ихтиёрига кўра бекор қилиш ҳуқуқига эга. Бронни рад этиш тартиби ва шакли жойлаштириш воситасининг ички қоидалари билан белгиланади.

15. Агар буюртмада кўрсатилган санада бўш номер (жой) мавжуд бўлмаса бажарувчи брон қилишни рад этиш ҳуқуқига эга.

16. Меҳмонхона хизматлари ташриф буюрувчи томонидан фуқаролик паспорти ёки унинг ўрнини босувчи бошқа ҳужжат кўрсатганидан сўнг тақдим этилади.

17. Жойлаштириш воситасида ўн олти ёшгача бўлган вояга етмаган фуқароларни рўйхатдан ўтказиш улар билан бирга бўлган ота-оналари (қонуний вакиллари) ёки ҳамроҳлик қилаётган бошқа шахсларнинг фуқаролик паспорти ёки шахсини тасдиқловчи бошқа ҳужжати, ҳамроҳлик қилаётган шахсларнинг ваколатини тасдиқловчи ҳужжати, шунингдек, ушбу вояга етмаганларнинг туғилганлик ҳақидаги гувоҳномаси ёки паспорти асосида амалга оширилади.

18. Ташриф буюрувчиларни рўйхатдан ўтказиш жойлаштириш воситаларида яшовчиларни электрон шаклда Интернет тармоғи орқали ҳисобга олишнинг автоматлаштирилган махсус электрон дастури орқали амалга оширилади.

19. Бажарувчи ташриф буюрувчининг талабига кўра у билан қуйидагиларни ўз ичига оловчи шартнома тузиши лозим:

а) бажарувчининг номи;

б) ташриф буюрувчи тўғрисида маълумотлар;

в) тақдим этилаётган номер (жой) тўғрисида маълумотлар;

- г) номер (жой) нархи;
- д) жойлаштириш воситасида бўлиш муддати;
- е) бошқа зарур маълумотлар (томонлар ихтиёрига кўра).

Шартнома электрон ёки ёзма шаклда тузилиши мумкин.

20. Бажарувчи жойлаштириш воситасига ташриф буюрувчиларга кеча-кундуз хизмат кўрсатилишини таъминлайди.

21. Ташриф буюрувчининг жойлаштириш воситасига келиши ва ундан кетиши маҳаллий вақт бўйича шу кундаги сутканинг 12:00 соатида белгиланадиган ҳисоб-китоб соатини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади. Бажарувчи маҳаллий хусусиятлар ва фаолият турини ҳисобга олган ҳолда белгиланган ҳисоб-китоб соатини ўзгартириш ҳуқуқига эга.

Ҳисоб-китоб соати ва кейинги ташриф буюрувчининг номерга (жойга) жойлаштириш соати оралиғидаги вақт (номер ва/ёки жойни тайёрлаш учун) уч соатдан ошмаслиги керак. Келиш вақти бажарувчи томонидан белгиланади.

22. Номер (жой) нархи, номер (жой) нархига кирадиган меҳмонхона хизматлари рўйхати, шунингдек, номер (жой)га тўловни амалга ошириш шакли ва тартиби бажарувчи томонидан белгиланади.

Бажарувчи яшаш учун суткалик ва/ёки соатлик тўловни белгилаши мумкин.

23. Бажарувчи ташриф буюрувчининг розилигисиз номер (жой) нархига кирмайдиган бошқа қўшимча тўлов эвазига кўрсатиладиган меҳмонхона хизматларини тақдим қилиши тақиқланади.

24. Бажарувчи ташриф буюрувчининг сўровига кўра қўйидаги турдаги хизматларни бепул тарзда таъминлаши лозим:

- а) тез ёрдам ва бошқа махсус хизматларни чақириш;
- б) тиббиёт дори қутисидан фойдаланиш;
- в) ташриф буюрувчининг номига юборилган ёзишмаларни етказиб бериш;
- г) маълум вақтда уйғотиш;
- д) қайнаган сув, игналар, иплар, идиш-товоқлар ва ошхона анжомларининг бир тўпламини тақдим этиш;
- е) бажарувчининг ихтиёрига кўра бошқа меҳмонхона хизматлари.

25. Ташриф буюрувчиларга кўрсатилган меҳмонхона хизматлари учун тўлов шартномада белгиланган тартибда амалга оширилади.

26. Ҳисоб-китоб соатидан кейин ташриф буюрувчининг кетиши кечиккан ҳолларда ташриф буюрувчидан кўрсатилган меҳмонхона хизмати учун тўлов миқдори бажарувчи томонидан белгиланади.

27. Ташриф буюрувчи бажарувчига ҳақиқатан қилган харажатларини тўлаш шарт билан меҳмонхона хизматларидан фойдаланишни тўхтатиши мумкин.

4-боб. Бажарувчи ва ташриф буюрувчининг жавобгарлиги

28. Бажарувчи ташриф буюрувчининг сақлаш учун топширилган буюм-

ларининг бутлиги учун Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 899-моддасида белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

Бажарувчи томонидан ташриф буюрувчига буюмларини сақлаш учун қабул қилинганлигини тасдиқловчи ҳужжат тақдим этилиши шарт.

29. Бажарувчи шартнома бўйича мажбуриятларнинг бажарилмаганлиги ёки лозим даражада бажарилмаганлиги учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

30. Шартнома талаблари ва/ёки шартларига жавоб бермайдиган меҳмонхона хизматларини тақдим этиш натижасида ташриф буюрувчининг ҳаёти ёки соғлиғига етказилган зарар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бажарувчи томонидан қопланиши шарт.

31. Ташриф буюрувчининг айби билан жойлаштириш воситасининг мулки йўқолган ёки унга зиён етказилган ҳолларда ташриф буюрувчи қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўлади.

32. Агар шартнома шартлари тарафларнинг бири томонидан бузилган тақдирда, иккинчи тараф шартномани бир томонлама бекор қилиш ҳуқуқига эга.

5-боб. Яқуний қоида

33. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси билан келишилган.

*Савдо-саноат палатаси
раисининг биринчи ўринбосари*

И. ЖАСИМОВ

2019 йил 26 март

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACI ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ**398** Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг хорижга
чиқиш биометрик паспортини расмийлаштириш учун
анкета шаклини тасдиқлаш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил
22 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3161*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 декабрдаги ПҚ–4079-сон «Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг хорижга чиқиш биометрик паспортини расмийлаштириш ва бериш тизимини яратиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси биометрик паспорт тизимини модернизация қилишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Куйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг хорижга чиқиш биометрик паспортини расмийлаштириш учун анкета шакли 1-иловага** мувофиқ;

16 ёшга тўлмаган Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг хорижга чиқиш биометрик паспортини расмийлаштириш учун анкета шакли 2-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги ва Давлат хавфсизлик хизмати билан келишилган.

3. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

П. БОБОЖОНОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 10 май,
125-сон

Келишилган:

Ташқи ишлар вазири

А. КАМИЛОВ

2019 йил 10 май

*Давлат хавфсизлик
хизмати раиси*

А. АЗИЗОВ

2019 йил 10 май

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 22 майда эълон қилинган.

** 1-2-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИНИНГ
ҚАРОРИ

399 «Олий ҳарбий божхона институтига ўқишга қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарор, шунингдек унга ўзгартиришларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил
22 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2659-3*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 29 апрелдаги 365-сон «Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг Божхона институти бакалавриати ва магистратурасига ўқишга қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси **қарор қилади:**

1. Айрим идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб топилсин.
2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Раис

М. АЗИМОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 15 май,
01-02/13-27-сон

Ўзбекистон Республикаси
Давлат божхона қўмитасининг 2019 йил
15 майдаги 01-02/13-27-сон қарорига
ИЛОВА

**Ўз кучини йўқотган деб топилаётган идоравий
норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар
РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2015 йил 4 февралдаги 01-02/3-07-сон «Олий ҳарбий божхона институтига ўқишга қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2659, 2015 йил 5 март) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 9-сон, 107-модда).
2. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2016 йил

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 22 майда эълон қилинган.

4 июлдаги 01-02/13-55-сон «Олий ҳарбий божхона институтига ўқишга қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»-ги қарори (рўйхат рақами 2659-1, 2016 йил 7 июль)(Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 27-сон, 332-модда);

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2018 йил 12 июндаги 01-02/3-44-сон «Олий ҳарбий божхона институтига ўқишга қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 3-банди олтинчи хатбошисига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2659-2, 2018 йил 12 июнь) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 14.06.2018 й., 10/18/2659-2/1351-сон).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИНИНГ
ҚАРОРИ

400 «Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги ҳузуридаги Жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш жамғармасига йиғимларни ҳисоблаб чиқиш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил
22 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3017-1*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 декабрдаги ПҚ-4086-сон «Ўзбекистон Республикасининг 2019 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари ҳамда 2020-2021 йилларга бюджет мўлжаллари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2018 йил 8 майдаги 95 ва 2018-36-сон «Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги ҳузуридаги Жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш жамғармасига йиғимларни ҳисоблаб чиқиш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 3017, 2018 йил 31 май) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2018 й., 52-сон, 1009-модда) ўз кучини йўқотган деб топилсин.

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 22 майда эълон қилинган.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги ва Савдо-саноат палатаси билан келишилган.

3. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Молия вазири

Д. КУЧКАРОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 14 май,
58-сон

**Давлат солиқ
қўмитаси раиси**

Б. МУСАЕВ

Тошкент ш.,
2019 йил 14 май,
2019-32-сон

Келишилган:

**Жисмоний тарбия ва
спорт вазири**

Д. НАБИЕВ

2019 йил 14 май

**Савдо-саноат
палатаси раиси**

А. ИКРАМОВ

2019 йил 14 май

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИНING
ҚАРОРИ

401 Хўжалик юритувчи субъектларнинг банк ҳисобварақларидан пул маблағларини ҳисобдан чиқариш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиришлар киритиш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил
23 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2342-9*

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги Қонунига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 февралдаги ПҚ-4160-сон «Жаҳон банки ва Халқаро молия корпорациясининг «Бизнес юритиш» йиллик ҳисоботида Ўзбекистон Республикасининг рейтингини яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви, Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси **қарор қилди:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви, Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2011 йил 12 декабрдаги 35/4, 82 ва 2011-41-сон қарори (рўйхат рақами 2342, 2012 йил 15 март) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 11-сон, 127-модда) билан тасдиқланган Хўжалик юритувчи субъектларнинг банк ҳисобварақларидан пул маблағларини ҳисобдан чиқариш тартиби тўғрисидаги йўриқномага иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Марказий банк раиси

М. НУРМУРАТОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 13 май,
321-В-9-сон

Молия вазири

Д. КУЧКАРОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 13 май,
57-сон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 23 майда эълон қилинган.

**Давлат солиқ
қўмитаси раиси**

Б. МУСАЕВ

Тошкент ш.,
2019 йил 13 май,
2019-33-сон

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки Бошқаруви, Молия
вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг
2019 йил 13 майдаги 321-В-9, 57 ва
2019-33-сон қарорига
ИЛОВА

**Хўжалик юритувчи субъектларнинг банк ҳисобварақларидан
пул маблағларини ҳисобдан чиқариш тартиби тўғрисидаги
йўриқномага киритилаётган ўзгартиришлар**

1. 11-банднинг еттинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:
«ходимларга иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларни амалга ошириш учун ҳисобварақда маблағларни банд (брон) қилишга доир ариза, шунингдек иш ҳақидан Касаба уюшмаларига ихтиёрий бадалларни, жисмоний шахсларни даромад солиғи ҳамда жамғариб бориладиган шахсий пенсия ҳисобварақларига мажбурий бадалларини ўтказиш бўйича хўжалик юритувчи субъект раҳбари ҳамда бухгалтерия ҳисоби ва молиявий бошқариш вазифаларини амалга оширувчи шахс томонидан имзоланган ва думалоқ муҳр (муҳр мавжуд бўлган тақдирда, бунда тадбиркорлик субъектлари томонидан муҳр билан тасдиқлаш талаб қилинмайди) билан тасдиқланган реестр илова қилинган тўлов топшириқномалари ҳамда иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларни ундириш борасидаги суд қарори асосида ижро органлари томонидан қўйилган инкассо топшириқномалари;».

2. 14-банддан «, бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига бадаллар» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

3. 1-илованинг 15-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«15. Мақсадли маблағлар тақсимоти бўйича алоҳида тартибларда иштирок этадиган «Ўзбекистон темир йўллари» ДАТК таркибидаги ташкилотларга «Ўзбекистон темир йўллари» ДАТК корхоналари ҳисоб рақамларидан тўловларни амалга ошириш тўғрисида низомга (рўйхат рақами 1088, 2001 йил 27 ноябрь) мувофиқ очилган ҳисобварақлар (асосий талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварақидан ташқари).».

4. Йўриқноманинг 2-илосаси мазкур ўзгартиришларнинг иловасига мувофиқ таҳрирда баён этилсин.

Хўжалик юритувчи субъектларнинг банк ҳисобварақларидан пул маблағларини ҳисобдан чиқариш тартиби тўғрисидаги йўриқномага киритилаётган ўзгартиришларга
ИЛОВА

«Хўжалик юритувчи субъектларнинг банк ҳисобварақларидан пул маблағларини ҳисобдан чиқариш тартиби тўғрисидаги йўриқномага
2-ИЛОВА

**Хўжалик юритувчи субъектнинг асосий ҳисобварағидан маблағларни талабларни қондириш учун мутаносиб равишда ҳисобдан чиқаришга оид
МИСОЛ**

Хўжалик юритувчи субъектнинг банк ҳисобварағига келиб тушган кунлик маблағлар унинг бюджетга тўловлар бўйича қарзи ҳамда ҳисобварағида иш ҳақи учун банд (брон) мавжуд бўлганда, қуйидаги тартибда мутаносиб равишда тақсимланади:

Масалан, миқдорнинг асосий ҳисобварағида кун бошида 5000 минг сўм миқдоридан маблағлар қолдиғи мавжуд.

Хўжалик юритувчи субъектнинг тўлов топшириқномалари ва тегишли органларнинг инкассо топшириқномаларига асосан қуйидаги тўловлар бўйича қарз мавжуд:

бюджетга — 4000 минг сўм (фойда солиғидан — 3000 минг сўм, ҚҚСдан — 500 минг сўм, бюджетга тўланадиган бошқа солиқлар ва тўловлардан — 500 минг сўм);

давлат мақсадли жамғармаларига — 2350 минг сўм, бундан ягона ижтимоий тўлов — 2000 минг сўм, автотранспорт йиғимлари — 350 минг сўм;

Бундан ташқари, иш ҳақи бўйича умумий сумма — 3000 минг сўм, бундан иш ҳақи тўлашга берилган кредит суммаси — 1000 минг сўм, иш ҳақини бронлаш суммаси — 2000 минг сўм, унга қуйидагилар ҳам киради: даромад солиғи (12%) — 240 минг сўм, шундан жамғариб бориладиган шахсий пенсия ҳисобварақларига мажбурий бадаллар (0,1%) — 2 минг сўм ва Касаба уюшмасига бадаллар (1%) — 20 минг сўм.

Ҳисобварақдаги ушбу барча талаблар жамланади ($4000 + 2350 + 3000 = 9350$ минг сўм) ва 100 фоиз деб қабул қилинади. Юқорида санаб ўтилган талабларнинг ҳар бирини қондириш бўйича мутаносиблик қуйидагича аниқланади: 9350 минг сўм 100 фоиз деб қабул қилинади ва ҳисобварақда мавжуд 5000 минг сўм маблағларнинг унга нисбати аниқланади, яъни қуйидаги ҳисоб-китоб амалга оширилади: $5000 \times 100 / 9350 = 53,476\%$.

Ушбу талабларнинг миқдоридан келиб чиққан ҳолда, уларнинг ҳар бирининг улуши тегишли мутаносибликларда аниқланади:

1) Бюджетга тўловлар улуши: $4000 \times 0,53476 = 2139,0$ минг сўмни ташкил қилади.

2) Давлат мақсадли жамғармаларга тўловлар улуши: $2350 \times 0,53476 = 1256,7$ минг сўмни ташкил қилади.

Давлат мақсадли жамғармаларнинг ичида ягона ижтимоий тўлов ва автотранспорт йиғимлари бўйича нисбат (пропорция) белгиланади. Бизнинг мисолимиздан келиб чиқиб, ушбу нисбат қуйидагича бўлади:

ягона ижтимоий тўлов улуши $2000 \times 0,53476 = 1069,5$ минг сўмни ташкил этади;

автотранспорт йиғимлари улуши: $350 \times 0,53476 = 187,2$ минг сўмни ташкил этади.

3) Иш ҳақи бўйича умумий сумма (шу жумладан, иш ҳақини тўлашга берилган кредит ва иш ҳақи фонди бўйича бронни ўз ичига олган ҳолда) $3000 \times 0,53476 = 1604,3$ минг сўмни ташкил этади. Ушбу қисм ичида:

иш ҳақини тўлашга берилган кредитнинг улуши $1000 \times 0,53476 = 534,7$ минг сўмни ташкил этади;

иш ҳақи фонди бўйича броннинг улуши (ўз ичига даромад солиғи, жамғариб бориладиган шахсий пенсия ҳисобварақларига мажбурий бадаллар ва касаба уюшмасига бадалларини олади) $2000 \times 0,53476 = 1069,5$ минг сўмни ташкил этади. Улардан:

иш ҳақига бориладиган нақд пуллар улуши $1740 \times 0,53476 = 930,5$ минг сўмни ташкил этади;

жисмоний шахсларнинг даромадидан солиқ (12%) улуши $240 \times 0,53476 = 128,3$ минг сўмни (унинг таркибида жамғариб бориладиган шахсий пенсия ҳисобварақларига мажбурий бадаллар улуши $2 \times 0,53476 = 1,1$ минг сўмни) ташкил этади;

Касаба уюшмалари ихтиёрий бадаллар улуши (1%) $20 \times 0,53476 = 10,7$ минг сўмни ташкил этади.

Шу тариқа, хўжалик юритувчи субъектнинг бюджетга солиқ ва йиғимларнинг ҳар бир тури бўйича қарздорлиги бюджет олдидаги умумий қарздорлигидан 53,476 фоиз миқдорида қондирилади. Шунингдек, хўжалик юритувчи субъектнинг давлат мақсадли жамғармалар олдидаги қарздорлиги ушбу давлат мақсадли жамғармалар олдидаги умумий қарздорликдан 53,476 фоиз миқдорида қондирилади. Хўжалик юритувчи субъектнинг иш ҳақи бўйича қарздорлиги ҳам жисмоний шахслар даромадидан солиқ, жамғариб бориладиган шахсий пенсия ҳисобварақларига мажбурий бадаллар ва Касаба уюшмасига ихтиёрий бадалларни ҳисобга олган ҳолда, улар бўйича умумий қарздорликдан 53,476 фоиз миқдорида қондирилади.»

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ

402 Марказий банк томонидан банк қонунчилиги ва банк фаолиятини тартибга солувчи меъёрий ҳужжатларни бузганликлари учун тижорат банкларига нисбатан қўлланиладиган чора ва санкциялар тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш тўғрисида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил
23 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 622-9*

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 23 мартдаги ПҚ–3620-сон «Банк хизматлари оммабоплигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви **қарор қилди:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 1998 йил 26 декабрдаги 74-сон қарори билан тасдиқланган Марказий банк томонидан банк қонунчилиги ва банк фаолиятини тартибга солувчи меъёрий ҳужжатларни бузганликлари учун тижорат банкларига нисбатан қўлланиладиган чора ва санкциялар тўғрисидаги низомга (рўйхат рақами 622, 1999 йил 5 февраль) (Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг меъёрий ҳужжатлари ахборотномаси, 2000 й., 10-сон) иловага мувофиқ ўзгартиришлар ва қўшимча киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ойдан кейин кучга киради.

Марказий банк раиси в. в. б.

Т. ИШМЕТОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 20 апрель,
8/4-сон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 24 майда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки Бошқарувининг 2019 йил
20 апрелдаги 8/4-сон қарорига
ИЛОВА

Марказий банк томонидан банк қонунчилиги ва банк фаолиятини тартибга солувчи меъёрий ҳужжатларни бузганликлари учун тижорат банкларига нисбатан қўлланиладиган чора ва санкциялар тўғрисида низомга киритилаётган ўзгартиришлар ва қўшимча

1. Низомнинг номидаги «банк қонунчилиги ва банк фаолиятини тартибга солувчи меъёрий ҳужжатларни бузганликлари учун тижорат банкларига» деган сўзлар «банк ва бошқа кредит ташкилотлари фаолиятини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларини бузганликлари учун тижорат банклари, микрокредит ташкилотлари ва ломбардларга» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. 1.1-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«1.1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги, «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги ва «Микрокредит ташкилотлари тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ Марказий банк томонидан банк ва бошқа кредит ташкилотлари фаолиятини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бузганликлари учун тижорат банклари, микрокредит ташкилотлари ва ломбардларга нисбатан чора ва санкциялар қўллаш тартибини белгилайди.»

3. Қуйидаги таҳрирдаги VI²-бўлим билан тўлдирилсин:

«VI². Банк хизматлари истеъмолчиларининг ҳуқуқларини бузганлик учун қўлланиладиган санкциялар

6.2³. Банк хизматлари истеъмолчиларининг қонун ҳужжатлари билан белгиланган ҳуқуқлари тижорат банклари ва бошқа кредит ташкилотлари томонидан бузилган тақдирда уларга нисбатан Марказий банк қуйидагича жарима қўллаш ҳуқуқига эга:

тижорат банкига — банк устав капиталининг белгиланган энг кам миқдорининг 0,1 фоизигача миқдорида;

микрокредит ташкилотига — микрокредит ташкилоти устав фондининг белгиланган энг кам миқдорининг 0,1 фоизи миқдорида;

ломбардга — энг кам ойлик иш ҳақининг ўн баробари миқдорида.»

4. 7.1-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«7.1. Ушбу Низомда белгиланган чора ва санкциялар кредит ташкилотларига Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Банк назорати қўмитасининг қарорига мувофиқ Марказий банк фармойиши асосида қўлланилади.»

Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги вазирликлар, давлат қўмиталари ва
идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини
давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида
2019 йил 18 майдан 24 майгача
бўлган маълумотни маълум қилади

1. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирининг 2019 йил 2 апрелдаги 195-мх-сон «Почта алоқаси хизматларини кўрсатиш қоидаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги буйруғи.

2019 йил 20 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2219-10.

2. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2019 йил 8 апрелдаги 88-сон «Ўзбекистон Республикаси ИИВ давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати техника назорати бўйича йўриқномага ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги буйруғи.

2019 йил 20 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1252-3.

3. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2019 йил 23 мартдаги 67-сон «Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги тергов ҳибсхоналари ва жазони ижро этиш муассасаларида сақланаётган шахсларнинг тиббий-санитария таъминоти бўйича қоидаларни тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғи.

2019 йил 20 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3159.

4. Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2019 йил 26 мартдаги 03-мх-сон «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида меҳмонхона хизмати кўрсатиш тартиби тўғрисидаги намунавий низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори.

2019 йил 20 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3160.

5. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2019 йил 10 майдаги 125-сон «Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг хорижга чиқиш биометрик паспортини расмийлаштириш учун анкета шаклини тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи.

2019 йил 22 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3161.

6. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2019 йил 15 майдаги 01-02/13-27-сон «Олий ҳарбий божхона институтига ўқишга қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарор, шунингдек унга ўзгартиришларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори.

2019 йил 22 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2659-3.

7. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2019 йил 14 майдаги 58, 2019-32-сон «Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги ҳузуридаги Жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш жамғармасига йиғимларни ҳисоблаб чиқиш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори.

2019 йил 22 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3017-1.

8. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви, Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2019 йил 13 майдаги 321-В-9, 57, 2019-33-сон «Хўжалик юритувчи субъектларнинг банк ҳисобварақларидан пул маблағларини ҳисобдан чиқариш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори.

2019 йил 23 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2342-9.

9. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2019 йил 20 апрелдаги 8/4-сон «Марказий банк томонидан банк қонунчилиги ва банк фаолиятини тартибга солувчи меъёрий ҳужжатларни бузганликлари учун тижорат банкларига нисбатан қўлланиладиган чора ва санкциялар тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш тўғрисида»ги қарори.

2019 йил 23 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 622-9.

II. Давлат реестридан чиқарилди:

1. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг «Ўзбекистон Республикаси ИИБ тергов ҳибсхоналари ва жазони ижро этиш муассасаларида сақланаётган шахслар тиббий таъминоти бўйича қоидаларни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 1182, 2002 йил 24 октябрь), шунингдек унга ўзгартиришлар (рўйхат рақами 1182-1, 2012 йил 20 февраль).

Адлия вазирининг 2019 йил 20 майдаги 224-мқ-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг «Олий ҳарбий божхона институтига ўқишга қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2659, 2015 йил 5 март),

шунингдек унга ўзгартиришлар (рўйхат рақами 2659-1, 2016 йил 7 июль), (рўйхат рақами 2659-2, 2018 йил 12 июль).

Адлия вазирининг 2019 йил 22 майдаги 227-мҳ-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг «Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги ҳузуридаги Жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш жамғармасига йиғимларни ҳисоблаб чиқиш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 3017, 2018 йил 31 май).

Адлия вазирининг 2019 йил 22 майдаги 228-мҳ-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.

Мазкур ҳужжатлар қонунчиликка ўзгартириш киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.

